

В. А. ВАХРОМЕЕВ

МУЗИКАНИНГ ЭЛЕМЕНТАР НАЗАРИЯСИ

Муражувалық 8.0

В. А. ВАХРОМЕЕВ

Муражувалық

МУЗИКАНИНГ ЭЛЕМЕНТАР НАЗАРИЯСИ

МУЗИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ
ВА МАКТАБЛАРИ УЧУН
УҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ

ЎЗБЕКЧА ИККИНЧИ НАШРИ

ТОШКЕНТ—«ЎҚИТУВЧИ»—1980

БИБЛИОТЕКА
Кит. № 28027
Таш. ғ.о. консерватория

Махсус муҳаррир санъатшунослик фанлари кандидати
ТҶХТАСИН ҒАФУРБЕКОВ

СУЗ БОШИ

«Музиканинг элементар назарияси» дарслигининг иккинчи наشري биринчисига қараганда анчагина ўзгаришлар билан чоп этилмоқда.

Биринчи нашр асосан болалар аудиторияси учун мослаб ёзилган музиканинг элементар назариясидан қўлланма бўлса, автор иккинчи наشري тайёрлашда, дарсликдан кенгроқ доирада фойдаланишни, музика билим юртларида ҳамда умумий музика таълими кечки мактабларида қўлланиш мумкинлигини мақсад қилиб қўйди.

Ана шу мақсадга мувофиқ, дарсликнинг бутун тексти жиддий равишда қайта кўриб чиқилди: дарсликка қўшимча материал киритилди, айрим ҳолларда дарслик мазмуни янада конкретроқ баён этилди, айрим формулировкалар равшанроқ қилиб берилди, мисол тариқасида келтирилган музикага оид материал янги намуналар билан тўлдирилди, айрим бобларга қайтариш учун берилган саволлар аниқроқ ифода қилинди, янги машқлар киритилди.

«Музиканинг элементар назарияси» дарслигининг биринчи наشري сингари бу нашрда ҳам барча материал систематик тартибда баён этилди. Бу эса ўқувчиларга музика назариясининг турли қисмларига оид ҳар қандай саволларга жавобларни мустақил равишда топа олишга имкон беради. Шу билан бирга, муаллиф педагогларга ўқувчилар билан амалий машғулотлар ўтказиш вақтида музика элементларини ўрганишда қўлланиладиган умумий методга риоя қилишни қатъий тавсия этади. Бу метод музикага оид мисолларни анализ қилиш асосида музика ифода воситалари ўртасидаги ўзаро алоқани тиклашни назарда тутади.

Дарсликда музикага оид мисоллар сифатида халқ қўшиқлари, классик музика намуналари, совет композиторлари асарларидан парчалар келтирилган.

Бундан ташқари, дарсликнинг ҳар бир темасига нотали мисол-схемалар берилган.

Ҳар бир боб охирида қайтариш учун саволлар ҳамда машқ қилиш учун материаллар (огзаки, ёзма ва фортепьянода) келтирилган бўлиб, улар асосан ўқувчиларга уй вазифаси сифатида бериш

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1980

В 90201—337 17—79 4905000000
353(04)—80

учун мўлжалланган, лекин улардан синфда олиб бориладиган дарсларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари бўш вақтлари чегараланганлигини, ўқув плани эса музика назариясини ўзлаштириш учун зарур бўлган барча амалий машғулотларни синфда ўтказиш имконини беролмаслигини назарда тутиб, дарсликдаги материални қуйидаги тартибда ўтишни маслаҳат берамиз. Музика назариясининг эшитиш кўникмасига асосланиб ўрганиладиган қисмларини сольфеджио курси билан боғланган ҳолда олиб бориш керак. Эшитиш кўникмаларини ўстиришга ёрдам берадиган амалий машғулотлар асосан синфда ўтилиши лозим, музика назариясининг қолган қисмларига доир материаллар уй вазифаси сифатида берилади. Уйда бажариладиган вазифалар ўқувчиларнинг дарсда ўтилган темаларни мустақил тушуниб олганликларининг ва онгли равишда ўзлаштирганликларининг натижаси бўлиши лозим.

В. А. Вахромеев

К И Р И Ш

«Музика мазмуни — бу ҳаёт таассуротлари, товушлар орқали ифодаланган фикр ва ҳис-туйғулардир».¹

Мазмуннинг товуш (музика) орқали баён этилиши — музиканинг ифода воситаларини ўзаро боғловчи муайян қондаларга бўйсунди. Бу қондалар халқ ва классик музиканинг асрлар давомида вужудга келган тажрибаси натижасида пайдо бўлди.

Музика баёни ва ифода этиш воситалари музика элементлари дейилади.

Музика элементлари ва уларнинг ўзаро боғланишлари ҳақидаги таълим музика ва унинг назариясига оид фанларда баён қилинган; буларнинг бошланғич қисми музиканинг элементар назариясидир.

Музиканинг элементар назарияси курси умуман музиканинг асосий элементларини ва айниқса куйни ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Олинадиган билимни умумлаштириш мақсадида ҳар бир музика элементи ҳақидаги маълумот дарсликнинг айрим бобларига, параграфларига киритилганлигига қарамай, ўқувчи музикадаги айрим элементлар (лад, тоналлик, метр, ритм, интервал, аккорд ва бошқалар) музика баёнининг бошқа воситалари (элементлари) билан боғлангандагина ифода кучига эга бўлишини ёдда тутиши лозим.

Юқорида айтилган асосий вазифадан ташқари, музиканинг элементар назарияси курси ўқувчининг мутахассислиги бўйича ўтадиган дарсларига ёрдам беришни мақсад қилиб қўйган, бу эса музикага оид текстни онгли ўзлаштиришга ёрдам беради.

Музика асарини таҳлил қилишда (музика асари куйини ҳамда айрим қисмларининг тузилишини аниқлашда) ўқувчилар оладиган элементар билим ва эшитиш кўникмаси уларнинг ўз мутахассислиги бўйича мустақил ишлашига хилма-хилликлар киритади ва ўз навбатида, ўқувчиларга музика асарини ижро этаётганларида унинг мазмунини тўғри очиб беришга ҳам ёрдам беради.

¹ Р. Глиэр. О профессии композитора и воспитании молодёжи, «Советская музыка» журналы, 1954, 8-сон, 9-бет.

Бошқа фанлар билан бир қаторда музиканинг элементар назарияси курси ўқувчиларнинг умумий музика ва маданий савиясини ўсишига ёрдам беради.

Музиканинг элементар назарияси курсини ўрганиш амалий жиҳатдан тегишли ёрдам бериши учун ундаги асосий қоидалар билан умуман ва юзаки танишиб чиқишнинг ўзи кифоя қилмайди, бунинг учун маъмур фанни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш зарур. Машқлар устида мунтазам ишлаш олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ўқувчи курснинг асосий қисмларига оид машқлар ўтказиш учун керакли материални ушбу дарсликдан топиши мумкин. Бундан ташқари, ўқувчилар билан машғулот ўтказадиган ўқитувчининг музика адабиётидан олинган мисоллар ҳамда ўзи танлаб олган машқлар¹ билан қўшимча материални тўлдириб бориши кўзда тутилган.

¹ Қўшимча машқлар сифатида дарсларда ўзбек музика мероси намуналари ва Ўзбекистон композиторлари асарларидан мунтазам фойдаланишни тавсия этамиз (махсус муҳаррир).

Биринчи боб

ТОВУШ

1-§. ТОВУШНИНГ ФИЗИК АСОСИ

«Товуш» сўзи икки хил тушунчани билдиради: биринчиси — физик ҳолатдаги товуш; иккинчиси — сезги ҳолатдаги товуш.

1. Бирор эгилувчан жисм, масалан, чолғу асбоби торининг тебраниши (вибрацияси) натижасида ҳавода узунасига таралган тўлқинсимон тебранишлар ҳосил бўлади.

Бу хилдаги тебранишлар товуш тўлқини деб аталади. Улар товуш манбаидан ҳар томонга гир айлана (шарсимон) тарқалдилар.

2. Товуш тўлқинлари эшитиш органи томонидан қабул қилинган, унга таъсир этади ва нерв системаси орқали бош миёга ўтиб, товуш сезгисини қўзғатади.

2-§. МУЗИКАВИЙ ТОВУШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Биз жуда кўп хилма-хил товушларни эшитамиз. Лекин ҳамма товушлар ҳам музикада қўлланила бермайди. Қулоғимиз музикавий товушлар билан шовқинли товушларни бир-бирдан ажратади. Шовқинли товушлар, масалан, қарсиллаш, ғижиллаш, дукиллаш, гумбурлаш, шивирлаш ва ҳоказолар аниқ баландликка эга эмас, шунинг учун ҳам бу товушлар музикада қўлланилмайди¹.


Музыкавий товушнинг уч хил физик хусусияти бор. Улар баландлик, қаттиқлик ва тембрдан иборат.

Бундан ташқари, музикада товушнинг чўзинми ҳам катта аҳамиятга эгадир. Товушнинг узун ёки қисқалигидан унинг физик характери ўзгармайди, лекин музика нуқтан назаридан товушнинг чўзинми унинг (асосий хоссаларидан ҳисобланадиган яна бир хусусияти бўлиб, у муҳим аҳамиятга эгадир. Энди музыкавий товушнинг ҳар бир хусусиятини алоҳида кўриб чиқамиз.

¹ Замонавий оркестрларда товуши муайян баландликка эга бўлмаган, уриб чалинадиган асбоблар ҳам қўлланилади, масалан: учбурчак, кичик барабан, мис тавоқчалар (тарелкалар), катта барабан ва бошқалар. Композитор уларни қўшимча асбоблар сифатида ишлатиб, музыкавий баъсини янада ифодалироқ қилиш учун фойдаланади.

Товушнинг баландлиги тебранаётган жисмнинг тебраниш тезлиги (частотаси)га боғлиқдир. Тебраниш қанчалик тез бўлиб турса, товуш шунчалик баланд бўлади ва аксинча, (тебраниш қанчалик суст бўлса, товуш шунчалик паст бўлади).

Товушнинг қаттиқлиги тебраниш ҳаракатининг кучига, яъни товуш манбаи бўлган жисмнинг тебраниш кенглигига боғлиқдир. Тебраниш ҳаракатлари бўлиб турадиган фазо доираси тебраниш амплитудаси (кенглиги) деб аталади (1-расмга қаранг).



1-расм.

Тебраниш амплитудаси қанча катта бўлса, товуш шунчалик қаттиқ эшитилади ва аксинча:

Тембр деб товушнинг сифат хусусияти, унинг ранг-баранглигига айтилади. Тембр хусусиятларини ифодалашда ҳис-туйғуларга тааллуқли турли иборалар қўлланилади, масалан: майин, кескин, йўғон, жарангдор, куйчан товуш дейишади. Маълумки, ҳар бир чолғу асбоби ёки киши овози ўзига хос тембрга эгадир. Хилма-хил чолғу асбобларида эшитиладиган маълум бир баландликдаги товушлар ўзларининг ранг-барангликлари билан бири-бирдан фарқ қиладилар.

Тембрнинг фарқланиши ҳар бир товушга хос бўлган юқори тонларнинг таркибига (табий акс садоларга) боғлиқдир.

Юқори тонлар (ёки бошқача қилиб айтганда, обертолар¹) товуш тўлқинларининг мураккаб шакли натижасида юзага келади (3-§ га қаранг).


Товуш чўзи ми товуш манбаи тебранишининг давом этишига боғлиқ бўлади. Масалан, товуш чиқа бошлаганда товуш манбаининг тебраниши қанчалик кенг бўлса, товушнинг пасайиб бориши ҳам шунча узоқ давом этади. Бунда, албатта, товуш манбаи (жисм) эркин тебраниши шарт.

3-§. ЮҚОРИ ТОНЛАР. ТАБИЙ ТОВУШҚАТОР

Тебранувчи жисм (тор) тебранаётиб тенг бўлақларга бўлиниши натижасида товуш тўлқинларининг мураккаб шакли вужудга келади. Жисмнинг умумий тебраниш процессида бу тенг бўлақчалар алоҳида тебраниб, ўзининг узунлигига мувофиқ келадиган қўшимча тўлқинлар ҳосил қиладди. Шундай қилиб, юқори тонлар қўшимча (оддий) тебраниш натижасида ҳосил бўлади. Юқори тонларнинг баландлиги ҳар хил бўлади, чунки уларни ҳосил қиладиган тебраниш тезлиги турличадир. Масалан, агарда чолғу


¹ Обертон — юқори тон демакдир.

асбоби торда биргина асосий тон эшитилганда эди, унинг тўлқин-ланиш шакли куйидаги график тасвирга мувофиқ бўларди:



2-расм.

Торнинг қоқ ярмидан ҳосил бўлган иккинчи юқори тон тўлқинининг узунлиги асосий тон тўлқинидан икки марта қисқа, тебраниш частотаси (тезлиги) эса икки марта тезроқ бўлади ва ҳоказо (3-расмга қаранг).




3-расм.

Торнинг дастлабки товуши (асосий тон) нинг тебраниш сонини бирлик сифатида олсак, юқори тонларнинг тебраниш сонларини куйидаги оддий рақамларда ифода қилиш мумкин:

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16 ва ҳоказо.

Шу тартибдаги товушлар қатори табиий (ёки натурал) товуш қатор дейилади.

Катта октава до товушини асосий тон сифатида қабул қилсак, товушларнинг куйидаги қаторига эга бўламиз:




4-§. МУЗИКАВИЙ СИСТЕМА. ТОВУШҚАТОР. АСОСИЙ ПОҒОНЛАР ВА УЛАРИНИНГ НОМЛАРИ. ОКТАВАЛАР.

Ҳозирги замон музика амалиётига асос қилиб олинган музикавий система ўзаро муайян баландликда муносабатда бўлган товушлар қаторидан иборатдир. Система товушларининг ўз баландлигига қараб жойлашиши товушқатор, товуш эса, унинг погонаси дейилади. Музикавий системанинг тўлиқ товушқатори 88 та хилма-хил товушларни ўз ичига олади. Барча товушлар (яъни энг паст товушлардан энг баланд товушларгача) секундига 16 дан 4176 тебранишга эгадир. Ана шу товушлар баландлиги одамлар қулоғи эшита оладиган товушлардир.

Музикавий система товушқаторининг асосий поғоналарига еттита мустақил ном берилган:

До, ре, ми, фа, соль, ля, си
do, re, mi, fa, sol, la, si

Бу асосий поғоналар фортепьянонинг оқ клавишлари товушларига мос келади:



4-расм.

Товушқатордаги еттита асосий поғонанинг номи маълум бир вақтда такрорланиб туради ва шундай йўл билан барча асосий поғоналарнинг товушларини ўз ичига қамраб олади.

Бу — юқори томон саналган (оқ клавишларда чиқариладиган) ҳар бир саккизинчи товуш биринчи товушга нисбатан икки марта тезроқ тебраниши натижасида ҳосил бўлади. Демак, у биринчи бошланғич товушнинг иккинчи юқори тонига мос келади ва у унга батамом ҳамоҳанг бўлиб эшитилади.

Бир хил поғона (ном) даги товушлар оралиғига октава дейилади. Бундан ташқари, товушқаторнинг асосий етти поғонасини ўз ичига олган ҳар бир қисми ҳам октава деб аталади. Шундай қилиб, бутун товушқатор бир неча октавага бўлинади. Ҳар бир октаванинг бошланиши *до* поғонасининг товуши деб қабул қилинган. Бутун товушқатор еттита тўлиқ октава ва товушқаторнинг икки томони (фортепьяно клавиатурасининг икки чети) да жойлашиб, тўлиқ бўлмаган икки октавани ташкил этувчи тўртта товушдан иборат. Октавалар (настдан юқорига томон) қуйидагича аталадилар: субконтроктава, контроктава, катта октава, кичик октава, биринчи октава, иккинчи октава, учинчи октава, тўрттинчи октава ва бешинчи октава.

Қуйида октаваларга бўлинган клавиатура шаклида музикавий система товушқаторининг схемаси кўрсатилган:



5-расм.

5-§. МУЗИКАВИЙ СОЗ. ТЕМПЕРАЦИЯЛАНГАН СОЗ. ЯРИМ ТОН ВА БУТУН ТОН. ҲОСИЛА ПОҒОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ НОМЛАРИ

Музикавий системадаги товушлар абсолют баландлигининг (аниқ созланган тақдирда) ўзаро боғланиши музикавий соз дейилади.

Ҳозирги замон музикавий созига биринчи октавадаги *ля* товушнинг бир секундда 440 марта тебраниши асос қилиб олинган.

Ҳамма жойда қабул қилинган музикавий системанинг ҳар бир октаваси ўн иккита тенг қисмга—ярим тонларга бўлинади. Бу хилдаги музикавий созни температураланган соз дейилади. У, октавадаги барча ярим тонларнинг тенг бўлиши билан табиий товушқатор (соз)дан фарқ қилади.

Ҳар бир октаванинг 12 та тенг ярим тонликка бўлинганлиги сабабли, ярим тон музика системаси товушлари орасидаги энг кичик оралиқ ҳисобланади. Иккита ярим тонликдан ҳосил бўлган оралиққа бутун тон дейилади.

Товушқаторнинг асосий поғоналари орасида иккита ярим тон ва бешта бутун тон бор. Улар қуйидаги тартибда жойлашган:

до ре ми фа соль ля си до
1 тон 1 тон 1/2 тон 1 тон 1 тон 1 тон 1/2 тон

Асосий поғоналар орасида ҳосил бўлган бутун тонлар ярим тонларга бўлинади. Фортепьянонинг қора клавишларини босганда эшитилган товушлар бир тонликларни ярим тонликларга бўлади. Шундай қилиб, ҳар бир октава бир-биридан тенг оралиқда жойлашган ўн иккита товушдан таркиб топади.

Товушқаторнинг ҳар бир асосий поғонасини кўтариш ёки пасайтириш мумкин. Кўтарилган ва пасайтирилган поғоналарга мос товушлар ҳосил поғоналар ҳисобланади. Шунинг учун ҳосил поғоналарнинг номи асосий поғоналар номидан келиб чиқади.

Асосий поғона ярим тонга кўтарилганда — *диез* сўзи, ярим тонга пасайтирилганда *бемоль* сўзи қўлланади. Иккита ярим тонга кўтарилса *дубль-диез*, масалан *фа-дубль-диез* деб иккита ярим тонга пасайтирилса — *дубль-бемоль*, масалан, *си-дубль-бемоль* деб юритилади.

Асосий поғоналарнинг юқорида кўрсатилган тартибда кўтарилиши ва пасайишига *альтерация*¹ дейилади.

6-§. ТОВУШЛАР ЭНГАРМОНИЗМИ

Юқорида октавадаги барча ярим тонларнинг тенг эканлиги ҳақида гап борган эди. Шу сабадан ҳар бир товуш ўзидан ярим тон пастда жойлашган асосий поғонанинг кўтарилиши ёки ўзидан ярим тон юқори жойлашган асосий поғонанинг пасайтирилиши натижасида ҳосил товуш бўлиши мумкин, масалан, *фа-диез* ва *си-бемол*.

¹ *Альтерация* — ўзгартириш маъносини билдиради.

Баландлиги бир хил, лекин номи ва ёзилиши ҳар хил бўлган погоналар тенглигига товушлар энгармонизми дейилади.


Ҳосила поғона асосий поғона билан бир хил баландликда ҳам бўлиши мумкин, масалан, *си-диез* билан *до* ёки *фа-бемоль* билан *ми*. Товуш икки баравар кўтарилганда (асосий поғона икки ярим тонга кўтарилади) ёки икки баравар пасайтирилганда ҳам шу ҳолни кўрамиз. Масалан, *фа-дубль-диез* билан *соль*; *ми-дубль-диез* билан *фа-диез*; *ми дубль-бемоль* билан *ре*; *до-дубль-бемоль* билан *си-бемоль* ва ҳоказо.

7-§. ДИАТОНИК ВА ХРОМАТИК ЯРИМ ТОНЛАР ВА БУТУН ТОНЛАР


Юқорида ярим тон ва бутун тон нима эканлиги таърифланган эди. Энди диатоник ва хроматик ярим тонлар ҳамда бутун тонлар бир-биридан нима билан фарқ қилишини аниқлаш керак.

Товушқаторнинг ёнма-ён жойлашган икки погонаси орасида ҳосил бўлган ярим тонга диатоник ярим тон дейилади. Юқорида айтилгандек, товушқаторнинг асосий погоналари *ми-фа* ва *си-до* ярим тонлари ҳосил қилади. Кўрсатилган ярим тонлардан ташқари, асосий тонлар билан ёнма-ён жойлашган, кўтарилган ёки пасайган ҳосила погоналар орасида ҳам диатоник ярим тонлар ҳосил бўлиши мумкин.

Масалан:




ёки икки ҳосила погоналар орасида пайдо бўлиши мумкин:



Хроматик ярим тон деб қуйидагича пайдо бўлган тонларга айтилади:

а) Асосий поғона билан унинг кўтарилган ёки пасайган погонаси орасида ҳосил бўлса.

Масалан:




ва аксинча:



б) Кўтарилган поғона билан унинг икки баравар кўтарилган погонаси орасида, пасайган поғона билан унинг икки баравар пасайган погонаси орасида ҳосил бўлса.

Масалан:



ва аксинча:



Иккита ёнма-ён поғона орасида ҳосил бўлган бутун тонлар диатоник тонлар дейилади. Асосий погоналар (бир октава орасида) бешта бутун тонни ҳосил қилади: *до-ре*, *ре-ми*, *фа-соль*, *соль-ля*, *ля-си*.


Бундан ташқари диатоник тонлар асосий поғона билан ҳосила поғона орасида, шунингдек, иккита ҳосила поғона орасида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан:




Хроматик бутун тонлар деб қуйидагича пайдо бўлган тонларга айтилади:

а) Асосий поғона билан унинг икки баравар кўтарилгани ёки пасайгани орасида ҳосил бўлса.


Масалан:



б) Битта асосий поғонадан иборат иккита ҳосила поғона орасида ҳосил бўлса:



в) Бир погонанинг икки четдаги погоналари орасида ҳосил бўлса:



8-§. ТОВУШЛАРНИНГ ҲАРФИЙ СИСТЕМА БУИИЧА ЁЗИЛИШИ

Музика амалиётида товушларни бўғин билан ёзишдан ташқари, латин алфавити асосида ҳарф билан ёзиш усули ҳам қўлланилади.

Етти асосий поғона қуйидагича белгиланади:

С, Д, Е, F, G, А, Н
до, ре, ми, фа, соль, ля, си

Бу система вужудга келган даврда, яъни ўрта асрларда товушқатор *ля* товуши билан бошланарди, *си-бемоль* товуши эса товушқаторнинг асосий поғонаси ҳисобланарди. Кейинчалик *си-бемоль* товуши *си* товуши билан алмаштирилди. Уша даврда товушқатор қуйидагича бўлган:

А, В, С, Д, Е, F, G
ля, си-бемоль, до, ре, ми, фа, соль

Ҳосила поғоналарни ёзиш учун ҳарфларга қўшимча бўғинлар ҳам қўшилди: *is—диез; isis—дубль-диез, es—бемоль; eses—дубль — бемоль*. Масалан:

*cis — до-диез, fisis — фа-дубль-диез,
des — ре-бемоль, geses — соль-дубль-бемоль*

Ҳосила поғоналардан *си-бемоль*дагина қўшимча бўғин бўлмайди, унинг *B, в* ҳарфи билан ёзилиши сақланиб қолган.

Es бўғинида унли *a* ва *e* ҳарфлари учраса, талаффузнинг қулай бўлишлиги учун *e* ҳарфи айtilмайди:

ми-бемольда ees ўрнида *es*;
ля-бемольда aes ўрнида *as*;

Октаваларни белгилашда ҳарфлар устига қўшимча қилиб рақамлар ёки чизиқчалар ёзилади. Катта ва кичик октаваларнинг товуши катта ёки кичик ҳарфлар билан ёзилади. Масалан, катта октаванинг *ля* товуши катта *A* ҳарфи билан, кичик октаванинг *соль* товуши — кичик *d* ҳарфи билан ёзилади.

Биринчи октавадан бешинчи октавагача бўлган товушлар қайси октавага тегишли бўлса, шундай рақам ёки чизиқлар ва кичик ҳарфлар билан белгиланади. Масалан:

биринчи октаванинг *до* товуши — c^1 ёки \bar{c}

иккинчи октаванинг *ре* товуши — d^2 ёки \bar{d}

учинчи октаванинг *ми* товуши — e^3 ёки \bar{e}

тўртинчи октаванинг *фа* товуши — f^4 ёки \bar{f}

бешинчи октаванинг *до* товуши — c^5 ёки \bar{c}

Контроктава билан субконтроктава товушлари қайси октавага тегишли бўлса, остига ёзиладиган шундай рақамлар ёки чизиқлар ва катта ҳарфлар билан белгиланади. Масалан:

контроктаванинг *си* товуши — H_1 ёки \bar{H}
субконтроктаванинг *ля* товуши — A_2 ёки \bar{A}

Такрорлаш учун саволлар

1. Товуш деб нимани тушунамиз?
2. Биз эшитадиган барча товушларнинг физик хусусияти бир хилми?
3. Музикавий товушлар қандай хусусиятларга эга? Бу хусусиятлар нимага боғлиқ?
4. Қандай товушларга шовқицли товушлар дейилади?

5. Акс садо нима? Уларнинг ҳосил бўлиш сабаби нимада?
6. Табиий товушқатор нима?
7. Музикавий система ва унинг товушқатори деб нимага айтилади?
8. Товушқаторда нечта асосий поғона бўлади? Улар қандай аталадилар?
9. Октава нима?
10. Барча октавалар номини айтиб беринг. Улардан қайси бирлари тўлиқ бўлади?
11. Музикавий соз деб нимани тушуниш мумкин?
12. Темперацияланган соз нима?
13. Ярим тон нима?
14. Бутун тон нима?
15. Товушқаторнинг асосий поғоналари орасида нечта ярим тонлик бўлади?
16. Қайси поғоналарга ҳосила поғона дейилади?
17. Ҳосила поғоналарнинг номи нимадан олинган?
18. Диез сўзи нимани билдиради?
19. Бемоль сўзи нимани билдиради?
20. Дубль-диез ва дубль-бемоль сўзлари нимани билдиради?
21. Альтерация сўзи нимани билдиради?
22. Бутун ва ярим тонларнинг қанақа хиллари бор?
23. Диатоник ярим тон ва бутун тонлар хроматик бутун тонлар ва ярим тонлардан нима билан фарқ қилади?
24. Товушлар энгармонизми нима?
25. Асосий поғоналар ҳарфий система бўйича қандай ёзилади ва аталади?
26. Ҳосила поғоналарнинг номи ҳарфий система бўйича қандай ҳосил бўлади?

27. Октава товушлари ҳарфий система бўйича қандай ёзилади?

Машқлар

Оғзаки машқлар

1
Товушқатордаги барча асосий поғоналарни ҳарфий система бўйича юқори ва пастга томон ҳисоблаб чиқинг.

2
Ҳар бир асосий поғонанинг ярим тонга кўтарилиши ёки пасайтирилиши натижасида ҳосил бўлган барча ҳосила поғоналарни ҳарфий система бўйича айтиб беринг.

3
Ҳар бир асосий поғонанинг бутун тонга кўтарилиши ёки пасайтирилиши натижасида ҳосил бўлган поғоналарни ҳарф системаси бўйича айтиб беринг.

4
До, ре, соль, ми, фа, сол, фа, до, си \bar{B} товушларидан юқори ва пастга томон диатоник ярим тонликлар тузинг.

5

Куйидаги товушлардан хроматик ярим тонликлар тузинг:

- а) юқори ва пастга томон: *си, ми, фа, до# , сольб, ля#* ;
- б) юқорига томон: *ребб, сольбб* ;
- в) пастга томон: *фаж сольж* .

6

До, ми, фа, реб ми# соль# фаж ляб товушларидан юқори ва пастга томон диатоник тонлар тузинг.

7

Куйидаги товушлардан хроматик тонлар тузинг:

- а) юқорига ва пастга томон: *ре, ми, соль, ля си* ;
- б) юқорига томон: *реб, сольб, сиб, мибб доб* ;
- в) пастга томон: *си#, ре#, фа#, дож, сольж*

8

Си, ре, фа, ля, до#, ми#, сольб сиб, реж мибб товушларига тенг бўлган энгармоник товушлар номини айтнинг.

9

Ҳарфий система бўйича *с, е, g, ais, his, des, ges, aisis, deses* товушларига тенг бўлган энгармоник товушлар номини айтнинг.

Езма машқлар

1

Товушқаторнинг катта, кичик ва биринчи октаваларидаги асосий поғаналар белгисини ҳарф билан ёзинг.


2

Куйидаги товушларнинг белгисини ҳарф билан ёзинг: субконтроктавадаги *сиб*, контроктавадаги *ре*, катта октавадаги *фа#*, кичик октавадаги *ля*, биринчи октавадаги *до*, иккинчи октавадаги *миб*, учинчи октавадаги *сольж* ва тўртинчи октавадаги *си* товушлари.

3

Куйидаги товушлардан юқори ва пастга томон диатоник ярим тонлар тузинг ҳамда бу товушларни нота билан ёзинг:

си, реб фа#, ми, сольб, си# фа, мибб



4

а) куйидаги товушлардан юқорига томон хроматик ярим тонликлар тузинг ҳамда нота билан ёзинг: *до, миб, ре, фа# , соль ляб, си#* ;

б) куйидаги товушлардан пастга томон худди шундай қилинг: *до#, реб, фа, сольж ля, сиб*

5

Куйидаги товушлардан юқори ва пастга томон диатоник тонлар тузиб, нота билан ёзинг: *фа, сольб, ля#, до, мибб*.


6

а) куйидаги товушлардан юқорига томон хроматик бутун тонлар тузинг ҳамда нота билан ёзинг: *до, миб, ре ббля* ;


б) куйидаги товушларни пастга томон худди шундай қилиб ёзинг: *фа, сольж, ля#си*

7

Куйидаги товушларга тенг келадиган энгармоник товушларни нота билан ёзинг:



Масалан:



Фортепьянода машқлар

1

Куйидаги келтирилган товушларни фортепьянода чалинг:

- а) a^{g^1} , es , b^1 , H , fis^2 , F , d^2 , C_1 , e^4 , Ges , gis^4 , A_2 , $disis^1$, $ases$;
- б) \underline{B} , \underline{h} , \underline{Dis} , \underline{a} , \underline{Heses} , \underline{fis} , \underline{c} , \underline{des} , \underline{gis} , \underline{e}

БИБЛИОТЕКА
№ 14 28027

Иккинчи боб


НОТА ЁЗУВИ

9-§. НОТА. НОТА ЧЎЗИМИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ
(ЁЗИЛИШ ШАҚЛИ) НОТА ЙЎЛИ

Нота ёзуви деб тарихан юзага келган махсус белги — ноталар¹ воситасида товушларни ёзиш системасига айтилади. Нота белгиси ўртаси бўш ёки бўялган доирачалардан иборат бўлади.

Товушларнинг хилма-хил чўзимини белгилар билан кўрсатиш учун бу доирачаларга вертикал таёқчалар (штиллар), думчалар, қисқа чўзимли товушларни бир гурпуага бирлаштириш учун эса қовурғачалар—қўшимча горизонтал чизиқчалар қўшиб ёзилади (кейинги бетдаги жадвалга қаранг).

Товушларнинг баландлигини аниқлаш учун ноталар бешта параллел чизиқдан иборат нота йўлига жойлаштирилади. Чизиқлар пастдан юқорига қараб саналади. Нота йўлининг бошланиш қисмида беш чизиқни бирлаштирувчи вертикал чизиқ қўйилади. Бу чизиқ бошланғич чизиқ деб аталади:



Ноталар нота йўлидаги чизиқлар устига ва чизиқлар оралиғига ёзилади.

Масалан:




Товуш чўзимларининг номлари ва уларнинг нота билан ёзилиши

Энг катта чўзимли товуш	— бутун — o
Бутун чўзимли товушнинг икки марта қисқаргани	— яримталиқ —
	♪ ёки p

¹ Нота — латинча сўз бўлиб, белги маъносини билдиради.



Яримталиқнинг икки марта қисқаргани





Чоракнинг икки марта қисқаргани





Нимчоракнинг икки марта қисқаргани



Ўн олтиталиқнинг икки марта қисқаргани



Ўттиз иккиталиқнинг икки марта қисқаргани




Бундан ҳам қисқа ноталар кам қўлланилади. Шунингдек, бутун чўзимни икки марта ошириб ёзиладиган нота ҳам кам ишлатилади.

Бу нота «бревис» деб аталади ва қуйидагича ёзилади:

Бревис нотаси ўтмишда кўп қўлланиларди.

Нота ёзувида асосий чизиқлардан ташқари, айрим ноталар учун қисқа қўшимча чизиқлар ҳам ишлатилади. Улар нота йўлининг остига ва устига ёзилади.

Масалан:



Нота йўлининг юқорисида жойлашган қўшимча чизиқлар биринчисидан бошлаб юқорига томон, нота йўлидан пастда жойлаш-


ган қўшимча чизиқлар биринчисидан бошлаб пастга томон саналади.

Таёқчалар (штиллер) нота йўлидаги нота доирачаларига туташ ёзилади: нота доирачаси иккинчи ва учинчи чизиқлар орасида ва ундан пастроқда жойлашган бўлса, таёқчалар юқорига қараб ўнг томонга ёзилади, нота доирачаси учинчи ва ундан юқори чизиқларда жойлашган бўлса, пастга қараб чап томонга қўйилади.

Масалан:



Ноталар группаларга бирлаштирилганда бундай ёзилади:



Ноталар группаларга бирлаштирилганда (агар улар хилма-хил баландликда жойлашган бўлсалар) таёқча ва қовурғачаларни ёзиш учун қулай ўрин танланади. Бунда уларни нота йўлининг ўрта қисмига ёзишга ҳаракат қилиш керак.

Масалан:




10-§. КАЛИТЛАР

Нота йўлидаги чизиқлар устига ва оралиғига товушларнинг муайян баландлиги махсус белги билан бириктирилади ва бунга к а л и т дейилади.

Калит нота йўлининг бошида асосий чизиқларнинг бирига қўйилади. Бунда бирор асосий чизиқ калит марказини кесиб ўтishi лозим.


Калит ана шу чизиқда жойлашган нотага муайян товуш (погона) баландлигини (номини) белгилайди, нота йўлидаги қолган товушлар жойланиши мана шу нотага мосланади.

Ҳозирги вақтда учта хилма-хил калит қўлланилмоқда. Скрипка калити (соля калити):




У иккинчи чизиқда биринчи октаванинг соля товуши баландлигини белгилайди.

Бас калити (фа калити):



Тўртинчи чизиқда кичик октаванинг фа товуши баландлигини белгилайди.

До калити икки хил бўлади: альт ва тенор калитлари:



Альт калити учинчи чизиқда биринчи октаванинг до товуши баландлигини, тенор калити эса худди шу товуш баландлигини тўртинчи чизиқда белгилайди.

Альт калити альт ва тромбон асбоблари учун қўлланилади.

Тенор калити виолончель, фагот ва тромбон учун қўлланилади.

Олдинги вақтларда до калитининг бошқа турлари ҳам ишлатилган. У биринчи чизиқ устига қўйилганда сопрано калити, иккинчи чизиқда — мещо — сопрано калити ва бешинчи чизиқда — баритон калити деб аталарди. Бу хилдаги калитлар асосан вокал музикасида қўлланилган ва шунинг учун уларнинг номи одам овози диапазони¹га мос келади.

Қўшимча чизиқларни ҳаддан ташқари кўп қўлланмаслик учун нота ёзувида хилма-хил калит белгиларидан фойдаланилади. Бу эса нота ёзувининг ўқилишини анча осонлаштиради.


11-§. АЛЬТЕРАЦИЯ БЕЛГИЛАРИ

Юқорида, 5-§ да асосий погоналарнинг кўтарилиши ёки пасайтирилиши альтерация деб аталади дейилган эди. Альтерация белгилари бешта бўлади: диез, дубль-диез, бемоль, дубль-бемоль ва бекар (ман қилиш). Улар қуйидагича ёзилади:

диез — #
дубль-диез — x
бемоль — b
дубль-бемоль — bb
бекар — ♭

Альтерация белгилари нота чизиқларига ва оралиғига ёзилиб, лозим бўлганда, ноталар олдига, шунингдек, калитларнинг ўнг томонига ҳам қўйилади.

Масалан:



¹ Диапазон — кенглик, оралиқ. Овоз диапазони деб бирор хилдаги овоз билан айтилиши ёки қуйилиши мумкин бўлган энг паст ва энг юқори товушлар оралиғига (кенглигига) айтилади.

Калитдан кейин қўйилган альтерация белгилари калит альтерация белгиси, ноталар олдида қўйиладиган белги эса тасодифий альтерация белгиси дейилади:

18 **Moderato**
(Ўртача) Р. Гликер. Прелюда, ижод 43, №3

ва ҳоказо.

Калит альтерация белгилари ўз кучини бутун асар давомида ва барча октаваларда сақлайди. Тасодифий альтерация белгиси эса ўз кучини фақатгина бир такт давомида ва ўз олдида турган товуш учунгина сақлайди, холос.

12-§. НОТАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТОВУШЛАР ЧЎЗИМИНИ УЗАЙТИРУВЧИ ҚЎШИМЧА БЕЛГИЛАР

Китобнинг 9-параграфиди баён этилган товушнинг асосий чўзимларидан ташқари, нота ёзувида чўзимларни узайтирувчи қўшимча белгилар ҳам қўлланилади.

Буларга қуйидагилар киради:

а) Нуқта — бирор товуш чўзимини ярим баравар узайтиради, бу белги нота доирачасининг ўнг томонидан қўйилади:

$$\begin{aligned}
 19 \\
 \text{о} &= \frac{3}{2} (\text{о} + \text{д}); \\
 \text{д} &= \frac{3}{4} (\text{д} + \text{д}); \\
 \text{д} &= \frac{3}{8} (\text{д} + \text{д}); \\
 \text{д} &= \frac{3}{16} (\text{д} + \text{д}) \\
 &\text{ва ҳоказо.}
 \end{aligned}$$

б) Икки нуқта — бирор товуш чўзимини ярим баравар ва унинг асосий чўзимидан яна чорак баравар узайтиради:

$$\begin{aligned}
 20 \\
 \text{о} &= \frac{7}{4} (\text{о} + \text{д} + \text{д}); \\
 \text{д} &= \frac{7}{8} (\text{д} + \text{д} + \text{д}); \\
 \text{д} &= \frac{7}{16} (\text{д} + \text{д} + \text{д}); \\
 \text{д} &= \frac{7}{32} (\text{д} + \text{д} + \text{д}) \\
 &\text{ва ҳоказо.}
 \end{aligned}$$

в) Лига — ёнма-ён турган бир хил баландликдаги нота чўзимларини бирлаштирувчи эгри чизиқ:

21

ва ҳоказо.

Бундай чўзимларнинг давомийлиги уларнинг умумий миқдори-га тенг бўлади:

$$22 \\
 \text{д} = \frac{5}{4} \quad \text{д} = \frac{5}{8}$$

г) Фермата — товуш чўзимининг вақт билан чекланмаган узайишини кўрсатувчи белги. Фермата ўртасига нуқта қўйилган кичик ярим доира шаклида ёзилади:

$$23 \\
 \text{о} \text{ с}$$

Фермата нота устига ёки остига қўйилади:

$$23 \text{ а)} \\
 \text{о} \text{ с}$$

13-§. ПАУЗАЛАР

Товуш янграшининг вақтинча тўхталиши пауза дейилади. Товуш чўзимлари қандай ўлчанса, паузалар давомийлиги ҳам шундай ўлчанади:

Махсус қавс арфа ва орган асбоблари учун ёзилган ноталарда ҳам қўлланилади.
Овоз ёки якка соз ва фортепьяно учун мўлжалланган асарлар уч нота йўлида қуйидаги тартибда ёзилади:

28. *Andantino lamentabile*
(Тезлағаб, мушги)

М. Гляйка. "Не шебеч, солорейко".
("Сайрама, бунбулча").

Не ше-бе-чи,
со-ло-вей-ко, ли-ца ох-ном би-зень-ко.

Фортепьяно иштирок этмайдиган хилма-хил таркибли ансамбллар¹ ва оркестр учун музыка ёзилганда, барча нота йўлларини бирлаштирувчи тўғри қавс қўлланилади.
Масалан:

29

¹ Ансамбль деб, бир неча ижрочилар (масалан: дуэт, трио, квартет ва бошқалар) учун ёзилган музыка асарларига айтади. Бошқа маънода ижрочилар таркибидан қатъи назар, музыка асарини биргалашиб равои ижро этишга ҳам ансамбль дейилади.

Уч овозли хор музыкаси икки ёки уч нота йўлида ёзилади:
Масалан:

30. (Характерча)

Полик халқ ҳўшиги
"Пой, пой, пелуцы пичка". А. Свешников қайта ишлаган.

Пой, пой, пе-лу-цы пти-чка, за-вей-ся в ве-бо-го-лу-бо-е.
в ке-бе од-вальшь зор-ка встре-тит нас с то-бо-ю.

31. (Сезин)

А. Даргомижский. "На севере диком".

На се-ве-ре ди-ком сто-ит о-ди-но-ко на го-лой пер-ши-не сос-на

Тўрт овозли хор музикаси алоҳида-алоҳида (болалар, хотин-қизлар, эркаклар хори) ва аралаш таркибли хор музикаси икки ёки тўрт нота йўлида ёзилади.

Хор, торли кватрет, хилма-хил ансамбллар ва оркестрга мўлжалланган музика ёзиш шакли партитура дейилади.

15-§. НОТА ЁЗУВИНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЕЛГИЛАРИ

Нота ёзувини соддалаштириш ва қисқартириш учун қатор белгилар қўлланилади:

а) Нота ўқишни мураккаблаштирадиган қўшимча чизиқларни кўпайтирмаслик учун музика асарларининг маълум қисмида бир октава юқорига ёки бир октава пастга кўчириш белгиси қўйилади. Масалан:

32

а) ёзилиши

ёшитилади

б) ёзилиши

ёшитилади

8 ва

Бир октава юқори ёки пастга кўчирилиши пунктир чизиғи тутаган жойгача давом этади;

б) Қайтариш белгиси — реприза, асарнинг маълум бир қисмини ёки бошдан охиригача қайтариш учун, одатда катта бўлмаган асарларни, масалан, халқ қўшиқларини қайтариш учун қўйилади:

33

25-мисолга ҳам қаралсин

Агарда қайтариладиган қисмининг ёки бутун асарнинг тугалла-ниш қисми ўзгарадиган бўлса, бундай ҳолларда ўзгарувчи тактлар устига квадрат қавслар қўйилади. Қавсдан кейин, қайтариладиган тактлар ёзилади ва улар устига ҳам квадрат қавс қўйилади. Қавс устига 1 ва 2 рақамлари ёзилади. Рақамлар — биринчи вольт, яъни биринчи марта ва иккинчи марта қайтарилишини билдиради.

Масалан:

(Секкип) Рус халқ қўшиғи "Утёс" (шкорат)

И сто-ит сот-ни лет, толь-ко

мо-хом о-дет, ни нуж-ды, ни за-бо-ты не

зна-я. и сто-ды, ни за-бо-ты не зна-я.

в) Агар асар уч қисмли шаклда ёзилган бўлса, у вақтда учинчи қисм қайта ёзилмайди ва иккинчи қисмдан кейин: Da capo al fine — яъни «бошдан охири сўзигача», деб биринчи қисм охирида эса fine (охири) сўзигача, деб биринчи қисм охирида эса — ine (охири) сўзи ёзилади.

Биринчи қисм энг бошдан қайтарилмаса, қайтариш бошлан-диган такт устига ♩ (segno) белгиси қўйилади, иккинчи қисм охирида эса: Dal segno al fine — яъни «segno белгисидан то охиригача» — деб ёзилади.

Асарнинг қайтариладиган қисмидан олдин келадиган қисмига ўтилганда: Da capo al Segno poi coda — яъни «бошдан segno белгисига, сўнгра кода'га ўтилсин» деб ёзилади.

г) Бирон тактни бир ёки бир неча марта такрорлаш лозим бўлганида қуйидаги белги ёзилади:

35 а)

Масалан:

б)

ва ҳ.к.



д) Бирор куй тузилмасини бир такт орасида бир марта ёки бир неча марта такрорлаш керак бўлса, у қайтадан ёзилмасдан қовурғачалари чўзимига тенг келадиган чизиқлар билан алмаштирилади.

Масалан:


36

¹ Кода сўзи — хотима демакдир.

е) Такрорланувчи товуш ёки аккорд қуйидагича ёзилади:





ж) Бир мувозанатда тез ва кўп марта алмашиб такрорланадиган икки товуш ёки товушлар йигиндиси — тремоло (tremolo) дейилади ва қуйидагича ёзилади:



Тремолода такрорланувчи товушлар бўлса, чамаланган тузилманинг умумий чўзими шунга мос нота билан ифодаланади, чизиқчалар эса тузилманинг қайси чўзимларда ижро этилишини кўрсатиб туради.

з) Муайян товушни икки октавада ижро этиш талаб қилинса, нота устига ёки остига 8 рақами ёзилади. Бу — мазкур товушни икки октавада ижро этилиши кераклигини кўрсатиб туради.

Масалан:



Товушларни узлуксиз икки октавада ижро этиш талаб қилинса: юқоридан бўлса all 8 ва ва пастдан бўлса all 8 va bassa белгиси ёзиб қўйилади.

Такрорлаш учун саволлар

- 1) Нота ёзуви деб нимага айтилади?
- 2) Нота нима?
- 3) Нота белгиси нимани билдиради?
- 4) Товушларнинг хилма-хил чўзими нота ёрдами билан қандай ифодаланади?

5) Товушларнинг асосий чўзимларини ифодаловчи барча ноталарни айтиб беринг?

6) Нота йўли нима? У нимадан иборат?

7) Нота йўлидаги чизиқлар қайси тартибда саналади?

8) Бошланғич чизиқ нима?

9) Нота йўлида ноталар қандай тартибда жойлашади?

10) Қўшимча чизиқлар нима ва улар қайси тартибда саналади?

11) Нота йўлида нота тақчаларини қўйиш қоидаларини айтиб беринг:

а) айрим-айрим ноталарга қандай қўйилади? б) ноталар бирлашганда қандай қўйилади?

12) Нота ёзувида калит белгиси нимани билдиради?

13) Қанақа калит белгилари қўлланилади? Улардан ҳар бирининг нота йўлида жойлашиши ва нимани билдиришини айтиб беринг.

14) Фортепьяно, скрипка ва виолончель учун ноталар қайси калитларда ёзилади?

15) Ноталар қайси асбоблар учун альт ва тенор калитида ёзилади?

16) Альтерация белгилари нима? Уларни санаб беринг.

17) Альтерация белгилари нота йўлининг қаерига ёзилади ва жойлашган ўринларига қараб қандай аталади?

18) Чўзимларни узайтирувчи белгилар қандай бўлади? Уларнинг аҳамиятини айтиб беринг.

19) Пауза нимани билдиради?

20) Паузанинг давом этиши қандай ўлчанади?

21) Паузалар қандай ва қаерга ёзилади (ёзиб кўрсатинг)?

22) Бир нота йўлида икки овозли музикани ёзиш қоидалари қандай?

23) Фортепьяно учун мўлжалланган музика қандай ёзилади?

24) Акколада нима?

25) Фортепьяно билан овоз ёки якка асбоблар учун мўлжалланган музика қайси тартибда ёзилади?

26) Фортепьяно иштирок этмайдиган хилма-хил таркибли ансамбллар учун мўлжалланган музика қандай ёзилади?

27) Уч овозли ва тўрт овозли хор ноталари қандай ёзилади?

28) Хор, ансамбль, оркестр учун мўлжалланган музиканинг ёзилиш шакли нима деб аталади?

29) Нота ёзувини қисқартириш учун қандай белгилар қўлланилади? Шу белгиларни санаб чиқинг ва ҳар бирининг аҳамиятини тушунтириб беринг.

Машқлар

Оғзаки машқлар

1

Бутун нолада нечта яримталиқ, чоракталиқ, нимчораклик, ўн олтиталиқ, ўлтиз иккиталиқ ва олтиш тўртталиқ ноталар бўлади?

6) Куйидаги куйларни тенор калитига мослаб ёзинг:


Lento
(Чўзиб)

Ю. Шапорин. "Куйиково майдонда"
симфониа-кантатадан "Алла"



Andante sostenuto
(Осойишта, шомасдан)
cantabile


Ф. Мендельсон.
"Бонлар пьесеси", ижод 72, №2



Фортепьянода машқлар
Куйидаги куйларни фортепьянода чалинг:




(Оқиста)

Рус халк кўшиги
"И вичор в дужах гуляла"



2 (Оқиста)

Рус халк кўшиги
"Выхожу один я на порогу"



Moderato
(Ўртача)

Ф. Шуберт. "Алҳор ва тегирмоқча",
ижод 28, №19



Andante grazioso
(Осойишта, жолтаби)

В. Моцарт. Соната №11, 1-қисм



Учинчи боб

РИТМ ВА МЕТР

16-§. РИТМ, ЧҶЗИМЛАРНИНГ АСОСИЙ ВА ЭРКИН РАВИШДА БЎЛИНИШИ

Ўзаро боғланиб, изчил келган товушлар чўзи-ми ритм дейилади.

Музыкада товушлар чўзимининг кетма-кет келиши натижасида уларнинг маълум вақт ичида алмашиб туришини кўрамиз. Товушларнинг муайян тартибда боғланган чўзимлари бирлашиб, ритмик туркумлар (усуллар) ҳосил қилади. Музыка асарининг умумий ритми ана шу ритмик туркумнинг йиғиндисидан таркиб топади. Масалан:

Tempo di menuetto
40 а) (Менуэт сўрәтида)

Л. Бетховен. Соната №20,
ижод 48, 2-қисм

Ритмик туркумлар -

Allegretto
б) (Жонланг)б)

Рус халқ кўшиги
(Филиппов тўрлашмаи, №37)

Ритмик туркумлар -

Музыкада қуйидаги чўзимлар қўлланилади: 1) асосий (жуфт бўлинадиган) чўзимлар, булар ҳақида иккинчи бобда айтилган эди, улар — бутуц, яримталиқ, чораклик, нимчораклик ва ҳ. к. 2) асосий чўзимларни исталган тенг қисмларга эркин (шартли) бўлиш натижасида ҳосил бўлган чўзимлар.

Булар қаторига энг кўп учрайдиган қуйидаги эркин бўлинишлар кирази:

а) триоль — асосий чўзимнинг икки қисм ўрнига, уч қисмга бўлинишидан ҳосил бўлади:

41

(48, 49-мисолларго ҳам қаралин)

б) Қвинтоль — асосий чўзимнинг тўрт қисм ўрнига, беш қисмга бўлинишидан ҳосил бўлади:

42

(50-мисолга ҳам қаралин)

в) секстоль — асосий чўзимнинг тўрт қисм ўрнига, олти қисмга бўлинишидан ҳосил бўлади:

43

(50-мисолга ҳам қаралин)

г) септоль — асосий чўзимнинг тўрт қисм ўрнига етти қисмга бўлинишидан ҳосил бўлади:

44

(51-мисолга ҳам қаралин)

д) дуоль — ёнига нуқта қўйилган асосий чўзимнинг икки қисмга бўлинишидан ҳосил бўлади:

45 а)

(52-мисолга ҳам қаралин)

У одатдагича бўлинганида қуйидагига тенг:

б)

е) квартоль — ёнига нуқта қўйилган асосий чўзимнинг тўрт қисмга бўлинишидан ҳосил бўлади:

46

(53-мисолга ҳам қаралин)

г) Дуоль:

52 *Andante appassionato*
(Тез, жозибали)

Э. Григ. "Баҳор чоғида",
ижод 43, № 6

д) Квартоль:

53 *Andante cantabile*
(Осоёйитта, оҳангдор)

П. Чайковский. "Уйқулаги"
4 "гўзал" балетидан.

p molto espressivo

е) Группалардаги паузалар:

54 *Allegro vivace*
(Тез, жашал)

С. Рахманинов. "Баҳор суварли"

17-§. МУЗИКАВИЯ АКЦЕНТ (ЗАРБ).
МЕТР, УЛЧОВ, ТАКТ.
ТАКТ ЧИЗИҒИ. ТАКТОЛДИ

Музыкада товушлар маълум бир вақт давомида ташкил этилади (эшитилади). Товушларнинг маълум бир вақтларда тенг ҳиссаларга бўлиниб, алмашиб туриши музыкада бир текис ҳаракатни ҳосил қилади (бундай ҳаракатга пульсация ҳам дейилади). Товушларнинг ана шу ҳаракати вақтида айрим ҳиссалар ургуси ажралиб туради. Бу ургуларга *акцент* (зарб) дейилади.

Акцент тушадиган ҳиссалар кучли ҳиссалар, акцент тушмайдиган ҳиссалар эса кучсиз ҳиссалар дейилади.

Кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг текис алмашиб туриши метр дейилади.

Метр ҳиссаси хилма-хил чўзимларда ифодаланиши мумкин.

Метр ҳиссасининг маълум бир чўзимда ифодаланиши — ўлчов дейилади.

Ўлчовлар нота ёзувида иккита рақам билан ёзилади. Бу рақамлар бирин-кетин юқоридан пастга қўйилган бўлиб, калит ёнида альтерация белгиларидан сўнг жойлаштирилади.

Масалан:

55

Устки рақам метрдаги ҳиссалар сонини, қуйи рақам эса мазкур ўлчовдаги метр ҳиссасининг қандай чўзимда ифодаланганлигини билдиради.

Музыка асарининг бир кучли ҳиссадан иккинчи бир кучли ҳиссагача бўлган оралиғи *такт* дейилади.

Нота ёзувида ҳар бир такт нота йўлини қўндаланг кесиб ўтган вертикал чизиқ билан ажратилади. Бу вертикал чизиқ *такт чизиғи* дейилади. Такт чизиғи, одатда, такт олдидан кучли ҳиссани ажратиш кўрсатиш учун қўйилади.

Агар музыка асари кучсиз ҳиссадан бошланса, асар бошида тўлиқ бўлмаган такт ҳосил бўлиб, бунга *тактолди* дейилади. Тактолди кўпчилик ҳолларда умумий тактнинг ярмидан ошмайди.

Тактолди музыка асари ўртасида, унинг исталган бир қисми бошланиши олдида ҳам бўлиши мумкин.

Асар охирида ёки унинг бирор қисмидан сўнг иккита такт чизиғи қўйилади.

Кўп ҳолларда тактолди билан бошланган асар ёки унинг бирор қисми тўлиқ бўлмаган такт билан тугалланади ва у тактолдини тўлдирди.

Тактолди мисоллари:

56

(Мазурка тилида)

А. Гурьев. "Полька-мазурка"

Музыкальный пример 56: Пьеса-мазурка А. Гурьева. Записана в мажорном ладу, 3/4 такта. Динамика начинается на *p* и переходит на *fp*.

57

(Тез, шиддатли)

Гражданлар уруши йилларидаги рус халқ қўшиги "Гулял по Уралу Чапаев - герой"

Музыкальный пример 57: "Гулял по Уралу Чапаев - герой". Тез темп, шиддатли. Лирика: Гу- лял по У- ра- лу Ча- па- ев - ге- рой, он со- ко- лом реал- ся с пол- ко- ми на бой.

58

(Тез, удургор)

Д. Шостакович. "Тинчлик қўшиги"

Музыкальный пример 58: "Тинчлик қўшиги" Д. Шостаковича. Тез темп, удургор. Лирика: Во- тер ми- ра ко- лы шет зва- мб- на по- бед, о- баг- рен- ны е кро- мя зва- мб- на.

Allegro non troppo

(Тезлитмасали)

Ф. Мендельсон. "Сўзсиз қўшиқ" № 20

Музыкальный пример 59: "Сўзсиз қўшиқ" Ф. Мендельсона. Темп: **Allegro non troppo**. Динамика: *f*, *f*, *p*.

42

18-§. ОДИЙ МЕТРЛАР ВА ЎЛЧОВЛАР. ОДИЙ ЎЛЧОВЛИ ТАКТЛАРДАГИ ЧЎЗИМЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ

Акцентлари (кучли ҳиссалари) ҳар бир ҳиссадан кейин бир текисда такрорланиб турадиган метрлар икки ҳиссали метрлар деб аталади.

Акцентлари ҳар икки ҳиссадан кейин такрорланиб турадиган метрлар уч ҳиссали метрлар деб аталади. Уларнинг ўлчовлари ҳам шу хилда бўлса, оддий ўлчовлар дейилади. Оддий ўлчовларга қуйидагилар киради:

а) Икки ҳиссали ўлчовлар — $\frac{2}{2}$, $\frac{3}{4}$, $\frac{2}{8}$, $\frac{3}{8}$ — ўлчови *alla breve* деб ҳам юритилади ва бошқача белги билан ҳам кўрсатилади: C (26-мисолга қаралсин).

б) Уч ҳиссали ўлчовлар — $\frac{3}{2}$, $\frac{3}{4}$, $\frac{3}{8}$, $\frac{3}{16}$ — ўлчови нисбатан кам учрайди.

Бир такт ичида ритмлар туркумланса, у чўзимлар туркумланиши дейилади.

Оддий ўлчовлардаги чўзимлар туркумланганда, тактнинг асосий ҳиссалари (метр ҳиссаси) бир-биридан ажратилади.

Масалан:

60

Музыкальный пример 60: Тактнинг асосий ҳиссалари ажратилган.

Оддий ўлчовлардаги чўзимлар туркумланиши тартибида қуйидаги истиносларга йўл қўйилади:

1) бир хил бўлган барча чўзимлар умумий чизиқ (қовурғача) остига бирлаштирилади.

Масалан:

60а)

Музыкальный пример 60а: Бир хил бўлган чўзимлар умумий чизиқ остига бирлаштирилган.

Музыкальный пример 60б: Тактнинг ниҳоят кичик ҳиссали $\frac{2}{3}$ ўлчовида қуйидагича туркумланишга йўл қўйилади.

2) чўзими бутун бир тактни эгаллаган товуш лигасиз, бир нота билан ёзилади;

3) агар нота метр ҳиссасини бошлаб берадиган нота бўлса, унинг ёнига нуқта қўйилади.

Музыкальный пример 60с: Чўзими бутун бир тактни эгаллаган товуш лигасиз, бир нота билан ёзилади.




ва ҳоказо.

2) чўзими бутун бир тактни эгаллаган товуш лигасиз, бир нота билан ёзилади;

3) агар нота метр ҳиссасини бошлаб берадиган нота бўлса, унинг ёнига нуқта қўйилади.

43

Масалаи:



Ноталар қандай туркумланса, паузалар ҳам шундай туркумланади. Оддий ўлчовлардаги туркумлаш мисоллари:

62 Allegro con brio

(Тез, жонлиқ)

А. Гейке. "Миньетора",
кварт 8, №7



63

Andantino cantabile

(Ҳаракатчан, оҳангдор)

И. Киселко. "Куй",
кварт 15, №12



Allegro

(Тез)

В. Гайди. "Полка"



65 Moderato
(Ўртача)

П. Чайковский.
"Ёғоч солдатлар марши",
кварт 39



66

(Особинга, жиддий)

Н. Мясковский.
Фуга, кварт 78, №1



67 **Lento**
(4/8)

И. С. Бах, 6- "Инглазча сюита"дан Сарабанда

19-§. МУРАККАБ МЕТРЛАР ВА ЎЛЧОВЛАР. НИСБАТАН КУЧЛИ ХИССАЛАР. МУРАККАБ ЎЛЧОВЛИ ТАКТЛАРДА ЧЎЗИМЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ

Бир хилдаги оддий метрларнинг қўшилиши натижасида мураккаб метрлар ҳосил бўлади.

Мураккаб метр икки ва ундан ҳам кўпроқ оддий метрлардан таркиб топиши мумкин. Шунинг учун ҳам мураккаб метрлар вақт-вақти билан келадиган бир неча кучли ҳиссага эгадир. Мураккаб метрдаги кучли вақт ҳиссасининг сони унинг таркибидаги оддий метрлар сонига тенг бўлади.

Мураккаб метр биринчи ҳиссасининг зарби қолган зарбларга нисбатан кучлироқ бўлади ва шунинг учун ҳам ҳиссага кучли ҳисса, унга нисбатан кучсизроқ бўлган ҳиссага эса нисбатан кучли ҳисса дейилади.

Мураккаб метрларни ифодаловчи барча ўлчовлар ҳам мураккаб ўлчовлар дейилади. Шу сабабли, юқорида айтиб ўтилган мураккаб метрларнинг таркиби ҳақидаги гаплар мураккаб ўлчовларга ҳам тааллуқлидир.

Мураккаб метрларни ифодаловчи энг кўп қўлланиладиган ўлчовлар қуйидаги мураккаб ўлчовлардир:

а) тўрт ҳиссали ўлчовлар:

$$\frac{4}{4}, \frac{4}{3}, \text{ кам учрайдигани } \frac{4}{8};$$

б) олти ҳиссали ўлчовлар:

$$\frac{6}{4}, \frac{6}{8}, \text{ кам учрайдигани } \frac{6}{16};$$

в) тўққиз ҳиссали ўлчовлар:

$$\frac{9}{8}, \text{ кам учрайдигани } \frac{9}{4} \text{ ва } \frac{9}{16};$$

г) ўн икки ҳиссали ўлчовлар:

$$\frac{12}{8}, \text{ кам учрайдигани } \frac{12}{16};$$

Мураккаб ўлчовларда туркумлаш шундан иборатки, уларни ташкил этган оддий ўлчовлар умумий ритмик туркумларга бирлаштирилмай, айрим-айрим мустақил туркумларга бирлаштирилади.

Товуш бирор мураккаб тактни бутунлигича эгалласа, умумий чўзимли товуш шаклида (бирор нота билан) ёзилади. Баъзан эса, чўзимли оддий тактларга тенг келадиган, лига билан бирлаштирилган ноталар ёрдамида ҳам ёзилади. Бу охири усул мураккаб ўлчовларни туркумлаш қондасига тўғри келади.

Мураккаб ўлчовлар ва уларни туркумлаш мисоллари ($\frac{4}{4}$ ўлчовида туркумлаш 87 ва 88-мисолларда берилган):

68 **Andante** *M.M.* $\text{♩} = 76$

(Осовиште)

Н. Римский-Корсаков.
"Салко" операсидан "Алла"

68 а) **Allegretto con moto e un poco rubato**

(Ургачи тезликда жонлашброк, суръатта қатъий ривож қилмай)

П. Чайковский. "Бойчолак", пюд 37 *8/12*

д) **Poco più mosso**

(сал тезлатиб) (Шулар) (ўрта қисмида парча)

70

Allegretto semplice
(Жюльетта, солдачок)

Э. Григ. "Дарвеш", номер 43, № 2

71

Allegro comodo!
(Тео, оркестр)

♩ = 108

В. Косовко. "Эртак", номер 15, № 22

72 а)

Andante
(Ольгинга)
Бахер

♩ = 69

Н. Римский-Корсаков.
"Корсары" оперный и концертный хоры.
"Гуллар хоры"

48

Larghetto

(Ракош, Фемасдан)

Финал

Allegretto

(Жюльетта)

С. Рахманинов. "Сирень",
номер 21
p sempre

4-2193

49

tranquillo

ру. на за- ре,

по ро- си- кой тра- ве

mf cantabile

un poco fen

я пой- ду сре- жим уг- ром ли-

a tempo

шесть.

p

73 а) Molto vivace
(идёт жидан)

И. С. Бах. № 6 - "Шпилича слита" для жита

f non legato

f

f



6) *Andante cantabile con alcuna licenza*
(Тинч, оҳангдор, бирозунча эркин)

П. Чайковский,
5-симфония, 2-кисм



20-§. АРАЛАШ МЕТРЛАР ВА ҲУЛЧОВЛАР. АРАЛАШ ҲУЛЧОВЛИ ТАКТЛАРДА ҲУЗИМЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ

19-параграфда айтилганидек, оддий метрларнинг қўшилиши натижасида мураккаб метрлар ҳосил бўлади. Икки ёки бир неча ҳар хил кўринишдаги оддий метрлар бирлашуви натижасида мураккаб аралаш метрлар ҳосил бўлади. Бу хилдаги метрларни соддароқ қилиб, аралаш метрлар деб, уларни ифодаловчи Ҳулчовларни эса аралаш Ҳулчовлар деб ҳам атайдилар.

Музыкада аралаш Ҳулчовлар оддий ва мураккаб Ҳулчовларга қараганда анча кам учрайди.

Булар орасида беш ҳиссали ва етти ҳиссали Ҳулчов кўпроқ қўлланилади:

$$\frac{5}{4}, \frac{5}{8}, \frac{7}{4}, \frac{7}{8}$$

Баъзида аралаш Ҳулчовларнинг бошқа хиллари ҳам учраши мумкин, масалан: $\frac{11}{4}$.

Аралаш Ҳулчовлар мураккаб Ҳулчовлардан айрим хусусиятлари билан фарқ қилади:

1) аралаш Ҳулчовларнинг тузилиши уларни ҳосил қиладиган оддий Ҳулчовларнинг кетма-кет келишига боғлиқдир, бу эса кучли ва нисбатан кучли ҳиссаларнинг алмашилиб туришига ҳам таъсир этади;

2) тактнинг кучли ва нисбатан кучли ҳиссаларининг алмашилиб туриши текис бормади.


Масалан:

а) Беш ҳиссали Ҳулчовлар:



Юқоридаги биринчи мисолда акцент тактнинг биринчи ва учинчи ҳиссаларига, иккинчи мисолда эса тактнинг биринчи ва тўртинчи ҳиссаларига тўғри келади.

б) Етти ҳиссали Ҳулчовлар:



Бунда биринчи мисолда акцент тактнинг биринчи, тўртинчи ва олтинчи ҳиссаларига, иккинчи мисолда эса тактнинг биринчи, учинчи ва бешинчи ҳиссаларига тўғри келмоқда. $\frac{7}{4} (\frac{2}{4} + \frac{3}{4} + \frac{2}{4})$ хилдаги такт тузилиши музыкада деярли учрамайди.

Айрим вақтларда бир музика асари ичида аралаш ўлчовни ҳосил қиладиган ўлчовларнинг алмашилиш тартиби ўзгариб ҳам туради.

Аралаш ўлчовли ноталарни ўқиш ўнғай бўлиши учун, баъзида ўлчовни кўрсатувчи асосий рақам ёнига қавс очиб, тактнинг оддий ўлчовларини кўрсатувчи ёрдамчи рақамлар ҳам ёзилади.

Масалан:

76



Бундан ташқари, баъзан тактда оддий ўлчовлар бошланишини кўрсатувчи пунктир билан қўшимча такт чизиғи ҳам ёзилади (79-ва 80- мисолларга қараи).

Мураккаб ўлчовли чўзимлар қандай туркумланса, аралаш ўлчовли чўзимлар ҳам шундай туркумланади. Аралаш ўлчовли чўзимлар туркумланишининг хусусияти шуки, аралаш ўлчовлар таркибига кирадиган ҳар хил кўринишдаги оддий ўлчовларнинг ритмик туркумлари тенг бўлмайди.

Аралаш ўлчовлар мисоли:

Andante

77 (3+2) (Осейинта)

В. Калининков. "Мушги қўшиғи"

Moderato

78 (Уртача) 2+3

П. Чайковский. "Мазел" операсида қилар хор

54

а) (Сезин) Рус халқ қўшиғи "Сохнет, виет в поле трава"

б) (Уртача) И. Кареску. "Тракторчи"

в) (2+3) Турман халқ қўшиғи "Ёзидаг қўшми ўлкамиз"

55

79 (Училлик сехинатмай) Рус халқ кўшиғи "Ой, да ты, калюшка".
А. Новаков қайта ишлаган

(3 + 2 + 2)

Ой, да ты ка-ли-куш-
ка, ты ма-ли-муш-ка! Ой, да ты не
стой, не стой на го-ре кру-той

80 (2 + 2 + 3) $\text{♩} = 76$ Рус халқ кўшиғи "Ой да как по морю"

Ой, да как по мо-рю, ой да как
по мо-рю, как по мо-рю, мо-рю си-но-
му, как по мо-рю, мо-рю си-но-му //му.

Allegretto (Жовлаинб) Албан халқ кўшиғи "Мусича"

а) (3 + 4)

Allegro (Тоз) С. Големов. "Бошгар халқ куйи"

б) (4 + 3)

f

mf

p

f

mf

p

21-§. УЗГАРУВЧАН УЛЧОВЛАР

Музыкада метрнинг бир асар давомида ўзгариб туриши, айти пайтда ўлчовнинг ҳам ўзгариб туриш ҳоллари учрайди. Бундай ўлчовлар ўзгарувчан ўлчовлар дейилади.

Ўзгарувчан ўлчовларни халқ кўшиқлари¹да, рус классик композиторлари ва совет композиторлари асарларида учратиш мумкин.

Ўлчовлар текис ва нотекис алмашинадилар. Ўлчовлар текис алмашса, калит белгиси ёнига каср шаклида иккита рақам қўйилади (81-мисолга қаранг). Ўлчовлар потекис алмашинаиб турса, нота текстида ўлчовларнинг ҳар бир ўзгариши ёзиб қўйилади. Бу хилдаги такт тузилиши музыкада деярли учрамайди.

Ўзгарувчан ўлчовларга доир мисоллар:

¹ Жумладан ўзбек музыка мероси (халқ ашула ва куйлари, мақом йўллари ва ҳ. к.)да мураккаб, аралаш ва ўзгарувчан метр ҳамда ўлчовлар кўп учрайди (махсус муҳаррир).

81 (Характерчал)

Латин халқ кўшиги

82 (Учинчи секциялмай)

Рус халқ кўшиги "Поляна, бурь-погодунка" А. Свешникова қайта ишлаган

По- пень по- вынь, бурь-по- го- душ- ка, во мой зе- лен сад. Но мой зе- лен сад. В мо- ом сл- ду, да по св- лн- ко ка- лн- на рас- тет.

Lento

83 (Чуқиб)

С. Рахмакинов. "Уж ты, ввм моя", ввол 4, №5

Уж ты, ни- ва мо- я, ни- буш- ка не ско- сить те- бя с ма- ху е- дж- но- го, не сва- зать те- бя всю по- е- дж- ный свои! Уж ты, ду- мм мо- и, ду- муш- ки

не встрах- нуть вас ра- дом с- плеч до- лой, од- ной ре- чью то- вас. не вы- ска- зать!

84 (Қазин) В. Захаров. "Қашлоқ бўйлаб"

Вдоль де-рев-ни от из- бы - до из- бы за- ша-га-ли то- ро- ли- вы- е стол- бы,

Музыкада хилма-хил метрларнинг бирдапига (устма-уст) келиши ҳам учрайди, бунга полиметрия дейилади. Полиметриянинг туб хусусияти музика асарларидаги айрим овоз (партия)ларнинг хилма-хил метр ўлчови билан ифодаланишидир. Бунда метр акцентлари бир-бирларига мос тушиши ва мос тушмаслиги ҳам мумкин.

22-§. СИНКОПА

Ритм ва метр акцентларининг бир-бирига тўғри келмай қолиб, ритмдаги изчиллик бузилишига синкопа дейилади.

Синкопа музыкада ниҳоятда кўп учрайди. У метрнинг кучсиз ҳиссасидаги товушнинг навбатдаги кучли ҳиссасида ҳам эшитилишидан ҳосил бўлади. Бунинг натижасида зарб метрнинг мана шу кучсиз ҳиссасига ўтади. Метрнинг бирор ҳиссасида кучсиз даврга тўғри келган товуш бундан кейинги кучли даврга тўғри келганда ҳам ўз кучини сақлайди (86-, 89-мисолларга қаранг).

Масалан:

85

ифодалайди

¹ Бу мисолда оригиналдаги туркумланиш сақланган.

Синкопаларнинг асосий шакли кўпинча қуйидагича бўлади:

а) тактаро синкопалар (икки ҳиссали ва уч ҳиссали);

б) такт ичидаги синкопалар (икки ҳиссали ва уч ҳиссали).

Бундан ташқари синкопа паузадан кейин, зарбли ҳиссага тўғри келадиган жойда ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Такт ичидаги синкопаларни ёзишда чўзимларни туркумлаш қондасидан четлашшига йўл қўйилади. Масалан, одатда, такт ичидаги синкопалар кучли ва кучсиз ҳиссалар бир нотага бириктириб ёзилади, лекин айрим вақтларда, туркумлаш қондасига риоя қилиниб, лига орқали қўшилган икки нота билан ҳам ёзилади.

Тактаро синкопалар бир тактдан иккинчи бир тактга ўтган лига орқали иккита нота билан ёзилади.


Хилма-хил кўринишдаги синкопаларга доир мисоллар:

Allegro moderato

88

(Ўртача темпда)

М. Глинка. "Иван Суганин"
операдан Иван қўшиғи




(Кенг)

p

М. Фрадквин. "Двигр ҳаққла қўшиқ"



у при-бреж-ных лоз, у вы-




со- как круч и лю-би-ли мы и рос-ли.

Allegro moderato


88

(Ўртача тез)


М. Глинка. "Я помню чудное
мигновенье"




я пом-ню чуд-но-е мгно-во-нье: по-ре-до-



мной я-ми-лось ты, как ми-мо-



лёт-но-е ве-де-нье, как ге-ний час-той кра-со-



ты, как ге-ний час-той кра-со-ты.

Andante doloroso e molto cantabile

80

(Тезлатмай, ҳазин ва ҳушчан)

П. Чайковский. "Куп *bis*
қўшиғи", ижод 37.



marcato




Andantino quasi allegretto

90

(Ҳаракатчан, аллегретто каби)

Н. Римский-Корсаков
"Шахризода"




Tempo di valse

91

(Вальс темпда)


П. Чайковский. Вальс,
ижод 37 *bis* №12



p

molto rit a tempo

rit *cresc.*



23-§. ВОКАЛ МУЗИКАСИДА ТУРКУМЛАНИШ

Овоз билан сўзга мўлжалланган музикада чўзимлар туркумлиниши нутқнинг бўгин составига боғлиқ бўлади. Бир бўгинга тўғри келадиган айрим чўзимлар қўшни чўзимлар билан туркум бўлиб бирлашмайди. Агар бир бўгинга бир неча товуш тўғри келса, бу товушлар чўзими туркумларга умумий қонда бўйича бирлаштирилади.

92

Рус халқ қўшиғи
"Виза по Волге-реке"

Виза по Вол- ге - ре- ке, с Ниж- ня
Нов- го- ро- да сия- ра- жин стру- жок, как стре-
ла ла- тит как стре- ла ле- тит.

24-§. ТЕМП

Ҳаракат тезлиги темп (суръат) дейилади. Темп музикада ифода воситаларидан бири бўлиб, музика асари мазмуни билан ҳамбарчас боғлиқдир.

Темплар учта асосий гурпуга бўлинади: вазмин, ўртача ва тез. Темпларни аниқлашда асосан итальянча иборалар қўлланилади. Кейинги йилларда, совет композиторлари асарларида ва совет нота нашрларида рус иборалари ҳам қўлланила бошлади.

Қуйида темпларнинг асосий номлари келтирилади.

Вазмин темплар:

- Largo — кенг
- Lento — чўзиб
- Adagio — оғир
- Crave — жуда оғир

Ўртача темплар:

- Andante — осойишта, ошиқмасдан
- Andantino — андантедан сал тезлатиб
- Moderato — ўртача
- Sostenuto — салобатли
- Allegretto — жонланиб
- Allegro moderato — ўртача тез

Тез темплар:

- Allergo — тез
- vivo — жонлироқ
- vivace — жадал
- Presto — тез ошиқиб
- Prestissimo — жуда тез

Асосий темплардан четлашилганда ҳаракат йўналмасини аниқловчи айрим қўшимча иборалардан ҳам фойдаланилади:

- molto — жуда
- assai — ниҳоят
- con moto — ҳаракат билан
- commodo — эркин
- non troppo — унчалик тез эмас
- non tanto — у қадар секин эмас
- sempre — доимо
- meno mosso — камроқ ҳаракат билан
- piu mosso — кўпроқ ҳаракат билан

Музика асарлари ижроси янада таъсирчан ва ифодали бўлиши учун умумий ҳаракатни секин-аста тезлатиш ва сусайтириш белгилари қўлланилади. Булар нота текстида қуйидаги сўзлар билан ёзилади:

а) Сусайтириш учун:

- ritenuto — сақланиброқ
- ritardando — кечикиброқ
- allargando — кенгайтириб
- rallentando — секинлатиб

б) Тезлатиш учун:

- accelerando — янада тезлатиб
- animando — руҳлантириб
- stringendo — жадалроқ
- stretto — ихчамлаштириб

Ҳаракатни дастлабки темпига қайтариш учун қуйидаги иборалар қўлланилади:

- a tempo — ўз темпда
- tempo primo — дастлабки суръатда
- tempo 1^o — дастлабки суръатда
- l'istesso tempo — ўша суръатда

Музикада қўлланиладиган барча темпларнинг номи тахминий ёки шартлидир.

Темпларни янада аниқроқ билиб олиш учун метроном деган асбобдан фойдаланилади. Мельцель ихтиро қилган метроном

кенг қўлланиладиган метрономлардан ҳисобланади. Агар текстда темпнинг метроном билан аниқланишини кўрсатмоқчи бўлсақ, М. М., яъни «Мельцель метрономи» сўзининг қисқарган ишораси ёзилади.

Метроном маятник ёрдами билан бир минутда талаб қилинган зарбларни санайди. Унинг тезлиги кўчма посанги ёрдами билан тўғриланиб туради. Метроном маятниги бураб юргизилади. Маятникнинг ҳар бир уриши метрнинг бир бутун, чораклик, нимчораклик ва шу каби чўзимларнинг ҳиссалари даврига тенг бўлади.

Композитор ўз асарида олдин сўз иборасини, сўнгра эса метроном кўрсатган темп белгисини ёзади.

Масалан: Allegro M. M. $\downarrow = 160$ ёки $\downarrow = 180$

Ижрочи томонидан автор кўрсатган темпнинг бирмунча ўзгартирилиши ҳар бир ижрочининг шахсий бадний дидига боғлиқдир. Одатда темпи бирмунча ўзгартириш ижронинг бадний томонига таъсир қилмайди. Чунки ижрочилик маҳорати музикавий образни очиб беришга қаратилган бўлади.

25-§. ДИРИЖЕРЛИК ҚОИДАЛАРИ

Хор, оркестр ёки бирор бошқа йирик ансамбль учун ёзилган музика асари ижрочилигини бошқариш, кенг маънода, дирижёрлик деб тушунилади.

Қўшиқ айтилганда ёки сольфеджиода дирижёрлик деб қуйидагилар назарда тутилади: биринчидан, ҳисоблаб туриш, яъни такт ҳиссалари алмашуви ва уларнинг чўзим вақтини кўрсатиб туриш, иккинчидан, мазкур асар темпини аниқлаш.

Дирижёрлик қоидалари икки, уч ва тўрт ҳиссали қўл ҳаракатларига асосланади.

Булар қуйидагилардан иборат (схемалар ўнг қўл ҳаракати учун кўрсатилган):


а) Барча икки ҳиссали оддий ўлчовлар икки силтов билан пастга ва юқорига томон дирижёрлик қилинади:



6- расм.


Э с л а т м а. Тактнинг ҳар бир ҳиссаси силтов тамом бўлиши билан ҳаракат таянч нуқтасидан бошланади.

б) Барча уч ҳиссали оддий ўлчовлар уч силтов билан — пастга, ўнгга ва юқорига томон дирижёрлик қилинади:




7- расм.

в) Тўрт ҳиссали ўлчовлар тўрт силтов билан — пастга, чапга, ўнгга ва юқорига томон дирижёрлик қилинади:



8- расм.

г) Олти ҳиссали ўлчовлар олти силтов билан дирижёрлик қилинади. Бу тўрт ҳиссали силтов қоидасига асосланган бўлиб, пастга ва ўнгга томон силтовлар икки марта қайтарилади:




9- расм.

Темп тез келганда $\frac{6}{8}$ ва $\frac{6}{4}$ ўлчовлари ҳар бир силтовга учтадан ҳисса тўғри келадиган оддий икки ҳиссали ўлчовлардек дирижёрлик қилинади:

д) Тўққиз ҳиссали ўлчовлар тўққиз силтов билан дирижёрлик қилинади.


Бу уч ҳиссали силтов қоидасига асосланган бўлиб, уч марта қайтарилади:



10- расм.

Темп тез келганда тўққиз ҳиссали ўлчовлар ҳар бир силтовга учтадан ҳисса тўғри келадиган оддий уч ҳиссали ўлчовлардек дирижёрлик қилинади.



е) Үн икки ҳиссали ўлчовлар ўн икки силтов билан дирижёрлик қилинади. Бу тўрт ҳиссали силтов қондасига асосланган бўлиб, ҳар бир силтов оддий тактга тўғри келади ва уч марта қайтарилади:



11-расм.


Темп тез келганда ўн икки ҳиссали ўлчов тўрт ҳиссали ўлчовдек дирижёрлик қилинади.

ж) Беш ҳиссали ўлчовлар беш силтов билан дирижёрлик қилинади. Бу тўрт ҳиссали силтов қондасига асосланган бўлиб, оддий тактларнинг келишига қараб, пастга ёки ўнгга қаратилган силтов икки марта қайтарилади.



12-расм.

з) Етти ҳиссали ўлчовлар етти силтов билан дирижёрлик қилинади. Бу тўрт ҳиссали силтов қондасига асосланган бўлиб, оддий тактлар 3+2+2 ни ташкил қилганда, пастга, ўнгга ва чапга томон силтовлар икки марта ҳамда оддий тактлар 2+2+3 ни ташкил қилганда пастга, чапга ва ўнгга томон силтовлар икки марта қайтарилади:



13-расм.

26-§. МУЗИҚАДА РИТМ, МЕТР ВА ТЕМПНИНГ АҲАМИЯТИ

Музыкада ритм, метр ва темпнинг аҳамияти ниҳоятда катта, чунки буларнинг ҳаммаси музыканинг ҳаракати, уйғунлашуви ва характерини белгилайди.

Музыканинг айрим жанрлари маълум бир ритм ва метрга асосланади. Бунга мисол қилиб марш, мазурка, полька, вальс сингарии музикавий жанрларни кўрсатиш мумкин.

Масалан:

93

а) Вальс $\frac{3}{4}$




94.

а) Мазурка $\frac{3}{4}$




95

а) еки $\frac{2}{4}$



96

а) Полька $\frac{2}{4}$




97

а) Марш $\frac{2}{4}$

6) (Марш темпила)

Қадимий революцион ҳўшиқ-
марш "Смело, товарищи в ногу"




(3 ки $\frac{2}{4}$ 65-нисолга қаранг).

Ритмнинг уюштирувчи ролини оммавий марш-юришларда аниқ қадам ташлаш учун қўлланиладиган барабан рези билан ҳам кўрсатиш мумкин:

08

Барабан рези



Темп музикада муҳим аҳамиятга эга. Нотўғри бошланган ҳар бир темп музикавий образни бузиб кўрсатади.

Масалан, Чайковскийнинг «Куз қўшиғи» сингари пьесаси тез темпда чалинса, ундаги куйчанлик, қайғули кайфият ўз аксини топмайди. Бу хилдаги музикани шошмасдан, осойишта ижро этиш лозим:

90 (Тезлағай, ҳазин ва жуда куйчан)

..П. Чайковский. «Куз қўшиғи»
ижро 370/3 №10



Агар Чайковскийнинг «Болалар альбоми»дан «Жодугар кампир» пьесаси оғир темпда ижро этилса, бундаги образ ҳам бузи-

лади. Чунки эртақлардаги «Жодугар кампир» образининг тасвири музикадан тез ҳаракатни талаб қилади:

100 Presto
(Тез охиқиб)

П. Чайковский. «Жодугар кам-
пир» ижро 39, №20



Такрорлаш учун саволлар

1. Ритм нима?
2. Чўзимларнинг асосий ва эркин бўлиши ўртасидаги фарқни тушуштириб беринг.
3. Асосий чўзимларнинг эркин бўлишидан ҳосил бўлган қайси чўзимлар туркуми тез-тез учраб туради?
4. Метр нима?
5. Метрнинг акцент тушадиган ҳиссалари қандай аталади?
6. Метрнинг акцент тушмайдиган ҳиссалари қандай аталади?
7. Улчов нима?
8. Улчовлар нота ёзувининг қаерида ва қандай ёзилади?
9. Такт ва такт чизиғи нима?
10. Тактолди нима?
11. Икки ҳиссали ва уч ҳиссали метрларнинг фарқи нимадан иборат?

12. Оддий ва мураккаб метрлар ва ўлчовларнинг фарқи нимада?

13. Оддий ўлчовларни ҳисоблаб чиқинг.

14. $\frac{2}{2}$ ўлчови яна қандай аталади ва у қандай белги билан ёзилади?

15. Ноталар туркумланиши нима?

16. Ноталар оддий ўлчовларда қандай туркумланади?

17. Кўп қўлланиладиган мураккаб ўлчовларни айтиб беринг.

18. Нисбатан кучли ҳисса нима?

19. Ноталар мураккаб ўлчовларда қандай туркумланади?

20. Аралаш метр ва ўлчовлар қандай бўлади? Улардан энг кўп қўлланиладиганларини айтиб беринг.

21. Ноталарни аралаш ўлчовларда туркумлашнинг хусусияти нимадан иборат?

22. Ўзгарувчан ўлчовлар қандай бўлади? Ўлчовлар алмашуви қаерда ва қандай белгиланади?

23. Синкопа нима? Музикада синкопанинг қандай асосий формалари учрайди?

24. Вокал музикасида ноталар қандай туркумланади?

25. Темп нима?

26. Темплар қандай асосий туркумларга бўлинади?

27. Темпнинг асосий ибораларини кўрсатиб беринг.

28. Метроном нима?










29. Аралаш, мураккаб ва оддий ўлчовларда дирижёрлик қондалари қандай бўлади? Дирижёрлик қондаларини кўрсатинг.






Машқлар

Оғзаки машқлар

1

Қуйида кўрсатилган ўлчовлар туркумланишини аниқланг:

- а) 
- б) 
- в) 
- г) 
- д) 
- е) 
- ж) 
- з) 
- и) 

- к) 
- л) 
- м) 
- н) 
- о) 

Езма машқлар



1

Қуйидаги куйларни тактларга бўлинг ва тўғри туркумланг:

Allegretto


1 (Жоплашиб)

Рус халқ кўшиги



2 (Жоплашиб)



Украин халқ кўшиги



Allegretto

3 (Жоплашиб)


Украин халқ кўшиги




Allegro

4 (Тас)


Рус халқ кўшиги



Moderato
(Ўртача) Украин халқ кўшиғи



6 (Жуда осойишта) Рус халқ кўшиғи



7 Рус халқ кўшиғи



8 Рус халқ кўшиғи



Andante
(Осойишта) Рус халқ кўшиғи




Moderato
(Ўртача) Украин халқ кўшиғи




Allegro moderato
(Ўртача тослағиб) Рус халқ кўшиғи




Adagio
(Оғир) Рус халқ кўшиғи




19 Адигей халқ кўшиғи




Adagio
(Оғир) Рус халқ кўшиғи



Adagio cantabile
(Сейр оҳангдор) Украин халқ кўшиғи



Andantino
(Ҳаракатчан) Рус халқ кўшиғи



17

Латин халқ кўшиги

18

Украин халқ кўшиги

19

Украин халқ кўшиги

Фортепьянода машқлар

Юқоридаги куйлар тўғри туркумланганидан сўнг уларни бир текис ўлчов билан чалинг.

2

Қуйидаги куйларнинг ўлчовларини аниқланг ва бир текис ўлчов билан чалинг.

1. (Харакатчан, аллегретто каби) Н.Римский-Корсаков.
"Шахринола" 3-қисм

74

2 **Moderato** (Ўртача) Рус халқ кўшиги.
"Исходила младецька"

3 **Allegretto** (Жонланис) П.Кюж. "Засветилась ягода"

4 **Sajamento** (Шўх) Р.Глиэр. "Эскиз"

5 **Allegro moderato** (Тез, ўртача) Н.Римский-Корсаков.
"Шоҳ Султон ҳақида эртақ"
операданлик хор

6 **Poco piu lento** (Чўзибрак) Н.Римский-Корсаков.
"Шоҳ Султон ҳақида эртақ"
операданлик саҳна

75

7 (Чўёнброқ, майли) Э. Григ. "Кун Ботнида"

Largo (Кеш) Украина дала кўшиги

Allegro vivo (Тез, жонлироқ) Рус халқ кўшиги

Allegro (Тез) Албан халқ кўшиги

Andante (Особинта) М. Мусоргский, "Борис Годунов" операсидан Ксения йиғиси

Larghetto amoroso (Кеш, завқли) М. Мусоргский, "Борис Годунов" операсидан дуёт

Allegretto (Жонлироқ) А. Лядов, "Прология", июль 40

Andante cantabile (Особинта кўчили) П. Чайковский, 5-симфония 2-қисм

3

Қуйдаги куйларнинг ўлчовларини аниқланг ва уларда учрайдиган синкопаларни кўрсатинг, сўнгра бир текис ўлчов билан чалинг:

1 (Жонлангириб) Поляк халқ кўшиги "Краковак"

2 (Марш темпда, маршонавор) В. Мурадели, "Ёшлар кўшиги"

3 (Тўғ, жилваги) М. Глинка. "Иван Сусанин"
операсидан ҳизлар хорж

4 Allegro con anima (Тес, самимиз) П. Чайковский.
3-симфония, 1-ҳисм

5 Allegro (Тес) И. Гайдн. Аллегро

Тўртинчи боб
ИНТЕРВАЛЛАР
27-§. ИНТЕРВАЛ

Бир вақтда ёки бирин-кетин эшитилган икки товуш қўшилмаси интервал¹ дейилади.
Бирин-кетин эшитилган товушлар интервали мелодик интервал ҳосил қилади.
Бараварига (бир вақтда) эшитилган товушлар гармоник интервал ҳосил қилади.
Интервалнинг пастки товуши интервал асоси, юқори товуши эса интервал чўққиси дейилади.
Масалан:

101

Интервалларнинг мелодик ҳаракатлари вақтида кўтарилувчи ва пастлашувчи интерваллар ҳосил бўлади.
Масалан:

102 Con moto (Харакат билан) пастлашувчи пастлашувчи М. Глинка. Фортепьяно учун фуга

Барча гармоник интерваллар ва кўтарилувчи мелодик интерваллар асоси (энг пастки товуш)дан юқорига қараб ўқилади. Пастлашувчи мелодик интерваллар эса пастга томон ўқилиб, унинг йўналиши ҳам кўрсатилади.

¹ Интервал — латинча оралиқ деган маънони билдиради.

28-§. ИНТЕРВАЛЛАРНИНГ СОН ВА СИФАТ МИҚДОРИ.
ОДДИЙ ИНТЕРВАЛЛАР. ДИАТОНИК ИНТЕРВАЛЛАР

Ҳар бир интервал икки миқдор — сон ва сифат миқдори билан аниқланади.

Миқдори поғоналар сони билан ифодаланган интерваллар сон миқдорли интерваллар дейилади.

Миқдори тон ва ярим тонлар сони билан ифодаланган интерваллар сифат интерваллари дейилади.


Бир октава оралигида ҳосил бўлган интервал оддий интервал дейилади. Ҳаммаси бўлиб саккизта оддий интервал бор. Уларнинг номи шу интерваллар ҳисобига кирадиган поғоналар сонига боғлиқдир. Интерваллар латин тилида тартибли сонлар билан номланади. Тартибли сонлар интервал юқори товушининг пастки товушга нисбатан нечанчи поғонада турганлигини билдиради. Бундан ташқари интервалларни қисқа қилиб ёзиш учун рақам билан ҳам белгиланади.

Қуйида барча оддий интервалларнинг номи ва уларнинг до товушидан пастга ва юқорига қараб тузилиш тартиби кўрсатилган:

Прима — 1, биринчи (бир хилдаги икки товушнинг унисон бўлиб эшитилиши)¹

Секунда — 2, иккинчи
Терция — 3, учинчи
Кварта — 4, тўртинчи

Квинта — 5, бешинчи
Секста — 6, олтинчи
Септима — 7, еттинчи
Октава — 8, саккизинчи



5-параграфда ёнма-ён турган товушлар оралигининг ярим тон ёки бутун тонга тенг келиши айтиб ўтилган эди. Демак, секунда интервали ҳам ярим тондан ва бутун тондан тузилиши мумкин экан.

Масалан, *ми — фа* товушларидан иборат секунда интервали ярим тонга тенг бўлади (*ми — фа* — $1/2$ тонга). *фа — соль* товушларидан иборат секунда интервали бутун тонга тенг бўлади (*фа — соль* = 1 тонга).

Худди шу сингари бир турдаги бошқа интерваллар тонларининг сони ҳам бир хилда эмас.

Масалан, *до — ми* терция интервалига киради, лекин у икки

¹ Унисон сўзма-сўз товушлар бирлашуви демакдир. Унисон фақат гармоник интервал ҳолатдаги примагагина ўхшашдир.

тонга тенг (*до — ми* = 2 тонга), *ре — фа* ҳам терция интервалига кириб, бир ярим тонга тенг (*ре — фа* = $1\frac{1}{2}$ тонга).

Юқорида келтирилган мисоллардан, интервалларнинг сифат миқдори бир турдаги интервалларнинг хилма-хил бўлиб эшитилишини белгилар экан деган хулосага келиш мумкин.

Интервалнинг сифат миқдорини белгилаш учун: кичик, катта, соф, орттирилган, камайтирилган деган сўзлар ишлатилади.

Товушқаторнинг асосий поғоналари орасида (бир октава оралигида) қуйидаги интерваллар ҳосил бўлади:

1. Соф прималар = 0 тонга
2. Кичик секундалар = $1/2$ тонга
3. Катта секундалар = 1 тонга
4. Кичик терциялар = $1\frac{1}{2}$ тонга
5. Катта терциялар = 2 тонга
6. Соф кварталар = $2\frac{1}{2}$ тонга
7. Орттирилган кварта = 3 тонга
8. Камайтирилган квинта = 3 тонга
9. Соф квинталар = $3\frac{1}{2}$ тонга
10. Кичик сексталар = 4 тонга
11. Катта сексталар = $4\frac{1}{2}$ тонга
12. Кичик септималар = 5 тонга
13. Катта септималар = $5\frac{1}{2}$ тонга
14. Соф октавалар = 6 тонга

Масалан:



Юқорида кўрсатилган барча интерваллар асосий интерваллар деб аталади. Бу интерваллар табиий мажор ва табиий минорнинг поғоналари орасида ҳосил бўлганлиги учун (5-бобга қаранг) диатоник интерваллар ҳам дейилади.


Барча диатоник интервалларни исталган асосий поғона ёки ҳосил поғонадан пастга ҳамда юқорига томон тузиш мумкин.

Масалан:



Диатоник интерваллар куйнинг асоси ҳисобланади. Хилма-хил кўринишдаги мелодик интервалларнинг уйғунлашуви натижасида куй ҳаракатининг ифода кучи ранг-баранг бўлади. Масалан:

105 а) Adagio
(Озар)



Украин халқ кўшиги
"Чўла куёв ботли".

б) Allegro
(Тез)




Л. Бетховен. "Иттириш"

ritard.

a tempo

в) (Ушчалик соқиялмай)



П. Чайковский Романс

p

cresc.

29-§. ОРТТИРИЛГАН ВА КАМАЙТИРИЛГАН (ХРОМАТИК) ИНТЕРВАЛЛАР. ИНТЕРВАЛЛАРНИНГ ЭНГАРМОНИК ТЕНГЛИГИ

Ҳар бир диатоник интервал орттирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Бунга диатоник интервалга кирадиган погоналардан бирини хроматик ярим тонга пасайтириш ёки кўтариш ёрдами билан эришилади. Шунини ҳам айтиш керакки, орттирилган интерваллар соф ва катта интерваллардан, камайтирилган интерваллар эса соф ва кичик интерваллардан тузрилиши мумкин. Фақат соф прима буздан истисно бўлиб, камайтирилмайди.

Барча орттирилган ва камайтирилган интерваллар хроматик деб аталади.


Уч тондан иборат орттирилган кварта ва камайтирилган квинта интервалларини (булар диатоник интерваллар бўлганлиги учун) хроматик интерваллар қаторига қўшиш мумкин эмас.

Мисоллар:

Орттирилган интерваллар:


а) энг юқори поғона (чўққиси)нинг кўтарилиши натижасида ҳосил бўлган интерваллар;

106



б) пастки поғона (асоси)нинг пасайтирилиши натижасида ҳосил бўлган интерваллар:


107



Камайтирилган интерваллар:


а) юқори поғона (чўққиси)нинг пасайтирилиши натижасида ҳосил бўлган интерваллар:

108



б) пастки поғона (асоси)нинг кўтарилиши натижасида ҳосил бўлган интерваллар:

109



Юқорида кўрсатилган ҳар бир хроматик интервал тониинг сони диатоник (асосий) интерваллардан бирортасининг сонига тенг келади.

Масалан: орт. 2 = кич. 3 га ($1\frac{1}{2}$ тонга);
камайтирилган 7 = катта 6 га ($4\frac{1}{2}$ тонга):


110



Сон миқдори турлича ва эшитилиши бир хилда бўлган интерваллар энгармоник тенг интерваллар дейилади.


Энгармоник тенг интерваллар орасида сон миқдори бир хил бўлган интерваллар ҳам учрайди, бундай ҳолларда, таққосланган интерваллардан бирортасининг иккала товуши энгармоник товушлар билан алмаштирилади:

111



Юқорида айтилган хроматик интерваллардан ташқари, бирор интервални иккита хроматик ярим тонга орттириш натижасида икки марта орттириш ва пасайтириш натижасида икки марта камайтирилган интерваллар ҳосил бўлиши мумкин.

Икки марта орттирилган кварта ва икки марта камайтирилган квинта бошқа интервалларга қараганда кўп учрайди.



30-§. ИНТЕРВАЛЛАРНИНГ АЙЛАНИШИ

Интервал товушларининг бир жойдан иккинчи бир жойга кўчиши натижасида пастки товуш юқорига ва юқоридаги товуш пастга жойлашади. Бунга интервал айланиши дейилади.

Товушларнинг кўчиши икки йўл билан бўлиши мумкин:

1. Интервал асосини (пастки товушни) бир октава юқорига кўчириш.

2. Интервал чўққисини (юқори товушни) бир октава пастга кўчириш.

Мазкур интервалнинг айланиши натижасида янги интервал ҳосил бўлади:



Қоида бўйича, барча соф интерваллар — софга, кичик интерваллар — каттага, катта интерваллар — кичикка, орттирилган интерваллар — камайтирилганга, камайтирилганлари — орттирилганга, икки марта орттирилган интерваллар — икки марта камайтирилган интервалларга айланадилар ва аксинча. Орттирилган октавагина айланишдан мустаснодир. Агарда бирор интервал ва унинг айланмасини бирлаштирсак, натижада октава ҳосил бўлади. Шунинг учун бир-бирига айланадиган интерваллар сифат миқдорининг ҳажми ҳамма вақт олти тонга тенг бўлади.

Берилган бирор товушдан юқорига ва пастга қараб секста ёки септима интервали тузишни енгиллаштириш учун интерваллар айланиши қондасидан фойдаланиш тавсия қилинади. Берил-

ган бирор интервални юқорига томон тузиш учун асосий товушдан бир октава юқорида жойлашган товуш аниқланади, сўнгра ундан пастга томон берилган интервал айланмаси саналади. Масалан, *фа* товушидан юқорига томон кичик секста тузиш талаб қилинса:



Берилган бирор интервални пастга томон тузиш учун асосий товушдан бир октава пастда жойлашган товуш аниқланади, сўнгра, ундан юқорига томон берилган интервал айланмаси саналади. Масалан, *до-диез* товушидан пастга томон катта септима тузиш талаб қилинса:



31-§. ТАРҚИБЛИ ИНТЕРВАЛЛАР

Музыкада оддий интерваллардан ташқари, оралиғи октавадан кенг интерваллар ҳам қўлланилади. Оралиғи бир октавадан кенг интервалларга таркибли интерваллар дейилади. Таркибли интерваллар оддий интервалларни октавага қўшиш йўли билан ҳосил бўлади. Шундай қилиб, октава орқали тузилган аввалгидек интерваллар ҳосил бўлади ва улар тузилишларига қараб турлича номланадилар.

Ҳар бир таркибли интервал унинг таркибидаги поғоналар сонига қараб мустақил номлар билан аталади:


- нона-9, октава орқали тузилган секунда
- децима-10, октава орқали тузилган терция
- ундецима-11, октава орқали тузилган кварта
- дуодецима-12, октава орқали тузилган квинта
- терцдецима-13, октава орқали тузилган секста
- квартдецима-14, октава орқали тузилган септима
- квинтдецима-15, октава орқали тузилган октава



Таркибли интервалларнинг сифат миқдорини белгилаш учун оддий интервалларда ишлатиладиган соф, катта, кичик, орттирилган деган сўзлар қўлланилади.

Таркибли интерваллар айланганда, ундаги товушларнинг кўчиш услуби қуйидаги тартибда бўлиши мумкин: а) таркибли интервал товушларидан бирортасининг (пастки товушнинг юқорига ёки юқориги товушнинг пастга) икки октавага кўчиши; б) таркибли интервалнинг ҳар иккала товушнинг қарама-қарши (кўндаланг) томонга бир октавага кўчиши. Масалан:

117



Таркибли интерваллар соф квинтдесима (кўш октава) дан ҳам кенг оралиқда тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда оддий интерваллар номи сақланиб, «икки ёки уч октава орқали тузилган» деган сўзлар қўшиб ишлатилади. Масалан; катта 3 икки октава орқали;

118



Таркибли интервалларнинг бошқа бир таркибли интервалларга айланиш ҳоллари ҳам бўлади. Бунда товушлар икки октавага кўчадилар ва қарама-қарши томонга йўналадилар.

Таркибли интерваллар учун мисоллар:



86

32-§. ОҲАНГДОШ (КОНСОНАНС) ВА НОҲАНГДОШ (ДИССОНАНС) ИНТЕРВАЛЛАР

Диатоник шаклдаги гармоник интерваллар оҳангдош ва ноҳангдош интервалларга бўлинади.

Музыкада оҳангдошлик (консонанс) деб бир-бири билан уйғунлашган, оҳангдош бўлиб эшитилган товушлар янграши (йигиндиси)га айтилади.

Ноҳангдошлик (диссонанс) деб бир-бири билан уйғунлашмаган, қулоққа кескин эшитиладиган товушларга айтилади.

Оҳангдош интервалларга қуйидагилар киради:

- | | |
|----------------------------|------------------------------|
| а) соф прима | } ниҳоят мукамал оҳангдошлар |
| соф октава | |
| б) соф кварта ¹ | } мукамал оҳангдошлар |
| соф квинта | |
| в) кичик терция | } номукамал оҳангдошлар |
| катта терция | |
| кичик секста | |
| катта секста | |

Ноҳангдош интервалларга қуйидагилар киради:

- кичик секунда,
- катта секунда,
- орттирилган кварта,
- камайтирилган квинта,
- кичик септима,
- катта септима.

Қонда бўйича оҳангдош интерваллар оҳангдош интервалларга, ноҳангдош интерваллар эса ноҳангдош интервалларга айландилар.

Гармоник интервалларга мисоллар:



¹ Соф кварта ҳамма вақт ҳам оҳангдош бўлавермайди. Бу ҳақда олтинчи бобда тўхталамиз.

87

Andante
(Осоқилла)

а) С. Тансеев. "Қарағай"

Moderato
(Ўртача)

б) А. Гречанинов. "Теп-текис далада
кўрinar бир дуб", ижод 31

Такрорлаш учун саволлар

1. Интервал нима?
2. Гармоник ва мелодик интервалларнинг фарқи нимада?
3. Интервалнинг пастки ва юқоридаги товушлари нима деб аталади?
4. Мелодик ҳаракат вақтида қайси йўналмалар интервал ҳосил қиладилар?
5. Интерваллар қандай ўқилади?
6. Интервал миқдори қандай аниқланади?
7. Интервалнинг сон миқдори қандай бўлади?
8. Интервалнинг сифат миқдори қандай бўлади?
9. Оддий интерваллар деб қайси интервалларга айтилади?
10. Барча оддий интервалларни айтиб беринг.
11. Унисон нима?
12. Интервалларнинг сифат миқдори қандай сўзлар билан ифодаланади?
13. Товушқаторнинг асосий поғоналари орасида ҳосил бўладиган интервалларни айтиб беринг.
14. Асосий интервалларнинг бошқача номи қандай бўлади?
15. Ҳар бир диатоник интервалнинг сифат миқдори нимага тенг?
16. Уч тонлик нима?
17. Қайси интерваллар орттирилган ва камайтирилган дейилади? Улар қандай ҳосил бўладилар?
18. Барча орттирилган ва камайтирилган интерваллар қайси интерваллар группасига киради?

19. Хроматик интерваллар энгармонизми нимадан иборат бўлади?
20. Энгармоник тенг интерваллар қандай хусусиятлар билан характерланади?
21. Барча орттирилган ва камайтирилган (хроматик) интервалларни санаг ҳамда уларнинг сифат миқдорини кўрсатинг.
22. Интерваллар айланиши нимадан иборат?
23. Интервал товушлари айланганда қандай услублар қўлланилади?
24. Соф, кичик, катта, орттирилган, камайтирилган интервалларнинг ҳар бири қайси интервалларга айланади?
25. Бир-бирига айланадиган интервалларнинг сифат миқдори нимага тенг бўлади?
26. Қайси интерваллар айланганда тонларининг сони бир-бирига тенг бўлади?
27. Октавадан кенг интерваллар нима деб аталади? Қўш октава ичидаги интервалларнинг номини айтиб беринг.
28. Таркибли интервалларнинг сон миқдори нимадан тузилади?
29. Таркибли интервалларнинг айланиши қандай ҳосил бўлади?
30. Барча таркибли интерваллар қайси интервалларга айланади?
31. Оҳангдошлик нима?
32. Нооҳангдошлик нима?
33. Диатоник интервалларнинг қайси бири оҳангдош ва қайси бири нооҳангдош бўлади?
34. Қайси оҳангдош интерваллар эшитилишига қараб қандай интервалларга айланади? Қайси нооҳангдош интерваллар эшитилишига қараб қандай интервалларга айланади?

Машқлар

Оғзаки машқлар

1

Асосий поғоналар (товушлар)дан пастга ва юқорига қараб барча оддий интервалларни тузинг (айтинг), бунда уларнинг сон миқдorigа асосланг.

Масалан: терция юқорига — до—ми, ре—фа, ми—сопь ва ҳоказо; кварта пастга — до—сопь, си—фа, ля—ми ва ҳоказо.

2

Бир хил интервалларнинг кўтариувчи ва пастланувчи йўналмаларини аниқлаи.

Масалан: до товушидан кварта юқорига томон: до—фа—си—ми—ля—ре—сопь—до.

3

а) Асосий поғоналардан пастга ва юқорига томон барча оддий интервалларни тузинг, бунда уларнинг сифат миқдорини назарда тутинг. Масалан: катта терция юқорига — до—ми, ре—фа \sharp , ми—сопь \sharp ва ҳоказо.

б) Худди шу хилда ҳосила поғоналари товушидан тузинг.
 Масалан: кичик терция юқорига: - до# - ми, ре# - фа# ва ҳоказо ёки реb - фаb, миb - сольb ва ҳоказо

4

Асосий ва ҳосила поғоналардан юқорига ва пастга томон (занжирсимон) барча оддий интервалларни тузинг, бунда уларнинг сифат миқдорини назарда тутинг. Масалан: ми товушидан катта терция пастга қараб ми-до-ляb-фаb

5

а) асосий поғоналардан пастга ва юқорига томон барча орттирилган ва камайтирилган интервалларни тартиб бўйича тузинг.
 б) худди шу хилда ҳосила босқичлардан тузинг.

6

а) барча орттирилган интервалларга энгармоник тенг бўлган интервалларни айтиб беринг.
 б) барча камайтирилган интервалларга энгармоник тенг бўлган интервалларни айтиб беринг.

7

а) оддий диатоник интерваллар ва уларнинг айланишини айтиб беринг.
 Масалан: соф приманинг соф октавага, кичик секунданинг катта септимага айланиши ва ҳоказо;
 б) хроматик интерваллар ва уларнинг айланишини айтиб беринг.

8

Асосий ва ҳосила поғоналардан пастга ва юқорига томон таркибли интерваллар тузинг.


9

Музыка асарларидаги гармоник ва мелодик интервалларни аниқлашг.


Езма машқлар

1

а) барча асосий поғоналардан юқорига томон ҳар бир оддий диатоник интервални навбати билан ёзинг.
 Масалан:



б) худди шуни пастга томон ёзинг.
 Масалан:




в) Худди шу берилган товушларни: до#, ре#, фа#, соль#, ля#, реb, миb, сольb, ляb, сиb дан юқорига томон ёзинг;

Масалан:



г) худди шу товушларни пастга томон ёзинг.
 Масалан:



2

✓ а) барча асосий поғоналардан юқорига ва пастга томон орттирилган интерваллар тузинг;
 ✓ б) худди шулардан камайтирилган интерваллар тузинг.


3

а) барча ҳосила поғоналардан юқорига ва пастга томон орттирилган интерваллар тузинг;
 б) худди шулардан камайтирилган интерваллар тузинг.

4

Берилган интерваллардан қуйидагиларни тузинг.


а) катта ва камайтирилган;



в) кичик;




г) катта;



д) орттирилган ва камайтирилган (примадан ташқари);



е) соф;



5

Қуйдаги интервалларни аниқланг ва уларнинг сон ҳамда сифат миқдорини ёзинг. Уларнинг айланишларини белгилар билан ёзинг:



Фортепьянода машқлар

1

а) хроматик ва айрим-айрим олинган барча диатоник товушлардан юқорига ва пастга қараб хроматик интерваллар тузинг (чалинг).

б) уларнинг айланмаларини ҳам шу хилда чалинг.

2


а) барча товушлардан юқорига ва пастга томон орттирилган ва камайтирилган интерваллар тузинг, бу интервалларнинг асоси ва чуққиларини куйлаб, ёддан айтинг;

б) уларнинг айланмаларини ҳам шу хилда чалинг;


3

Интерваллардан айрим товушларни тон ёки ярим тон пастга ва юқорига кучириб секвенциялар (мелодик фигурациялар) чалинг.

Масалан:



ва х.к.



ва х.к.

Хилма-хил товушлардан таркибли интерваллар ва уларнинг айланмаларини тузинг.

Бешинчи боб

ЛАД ВА ТОНАЛЛИКЛАР

33-§. ТУРГУН ТОВУШЛАР. ТОНИҚА. НОТУРГУН ТОВУШЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИЛИШИ. ЛАД

Музыка асарларини эшитганда ёки ижро этганда улардан ҳосил бўлган товушларнинг ўзаро муносабатда эканлигини кўрамай. Бу ҳол биринчи навбатда, музыканинг, хусусан куйнинг ривожланиш процессида ўз ифодасини топади. Бунда айрим товушлар барча товушлар орасидан ажралиб, таянч товушлар характерига эга бўлади. Одатда, куй мана шу таянч товушларнинг бирортасида тугалланади.

Масалан:

Moderato
121 (Ўртача) Рус халқ кўшиги "Ой, во городе"

Бу мисолнинг биринчи қисмида таянч товушлар *соль* билан *до* бўлиб, иккинчи қисмида эса *ми* билан *до* товушларидир.

Таянч товушлар турғун товушлар деб юритилади. Таянч товушларнинг ана шундай деб аталиши уларнинг характерига мосдир, чунки таянч товушда тугалланган куй эшитувчида тинчлик ва турғунлик таассуротини қолдиради.

Одатда, турғун товушлардан бирортаси бошқаларига қараганда кескин ажралиб туради ва асосий таянч ролини бажаради. Бу хилдаги турғун товуш **т о н и қ а** деб аталади.

Юқорида келтирилган мисолда *до* товуши тоника ҳисобланади. Куйнинг умумий йўналишини шакллантиришда иштирок этадиган бошқа товушлар турғун товушларга нисбатан анча кучсиз бўлиб эшитилади, шунинг учун уларга **н о т у р г у н** товушлар дейилади. Нотурғун товушлар турғун товушларга интиладилар (тортиладилар). Турғун товушларга томон тортилиш ҳолати секунда ораллигидаги нотурғун товушлар учун жуда характерлидир.

Масалан:

Allegro
122 (Тез) Рус халқ кўшиги "Халма кўшиқлариш айтиб бўлади"

Бу мисолда кўрсатилган *соль*, *ми* ва *до* (улар тагига > белги қўйилган) турғун таянч товушларга киради, нотурғун товушлар эса бу товушларга қуйидаги тартибда тортилади: *соль* товушига *ля*, *ми* товушига *фа* ва *до* товушига *ре* тортилади.

До товуши мазкур куйнинг тоникаси ҳисобланади.

Нотурғун товушларнинг турғун товушларга ўтиши **т о в у ш л а р** ечилиши деб аталади. 122-мисолда *ре* товуши *до* товушига (тоникага) ўтади ва натижада нотурғун товуш турғун товушга айланади.

Юқорида айтилганлардан музыкада товушлар баланглигининг ўзаро муносабати маълум бир системага бўйсундирилар экан деган хулосага келиш мумкин.

Турғун ва нотурғун товушларнинг ўзаро муносабати системаси **лад** дейилади.

Бирор куй ёки музикавий асар маълум бир ладга асосланади.

Лад музыка товушлари баланглик муносабатини тартибга келтиради ва музыканинг бошқа ифода воситалари билан бирга унинг мазмунига мос келадиган маълум бир хусусиятини яратиб беради.

34-§. МАЖОР ЛАДИ. ТАБИЙ (НАТУРАЛ) МАЖОР ГАММАСИ. МАЖОР ЛАДИ ПОФОНАЛАРИ. МАЖОР ЛАДИ ПОФОНАЛАРИНИНГ НОМИ, ЕЗИЛИШИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Халқ музыкасида хилма-хил ладлар учрайди. Классик музыкада (рус ва чет эл классик музыкасида) халқ ижоди ва, демак, унга хос бўлган хилма-хил ладлар маълум даражада ўз аксини топган. Лекин асосий ўринни мажор билан минор лади эгаллаган.

(Турғун товушлари) (бирин-кетин ёки бир йўла эшитилишда) учта товушдан иборат бўлиб, мажор ёки катта учтовушликни¹ — аккордни¹ (ҳосил қилган ладга мажор лад² дейилади.) Товушлар учтовушликда, терция бўйича жойлашадилар: катта терция — пастки ва ўрта товушлар орасида, кичик терция эса ўрта ва юқори товушлар орасида бўлади.

Учтовушликнинг энг паст ва энг юқори товушлари ораллигида соф квинта интервали ҳосил бўлади.

Масалан:

123

Мажор учтовушлик кат. 3 кич. 3 соф 5

¹ Аккорд — оҳангдошлик. Аккордлар ҳақида еттинчи бобга қаранг.


² Мажор сўзи каттароқ деган маънони билдиради.

Тоникадан тузилган мажор учтовушлиги тоника учтовушлиги дейлади.

Нотургун товушлар тургун товушлар орасида ёнма-ён жойлашган бўлади.


(Мажор лади еттита товушдан иборатдир.)
Ладдаги товушларнинг баландлик нисбати тартибда бир тоникадан навбатдаги октавнинг бошқа бир тоникасигача жойлашувига лад товушқатори ёки гамма¹ дейлади.

Гамма ҳосил қиладиган товушларга эса поғоналар дейлади: Мажор ладнинг гаммасида еттита поғона бор. Бу поғоналар рим рақамлари билан белгиланади:



Лад поғоналарини музикавий системадаги поғоналар билан алмаштирмаслик керак (биринчи бобнинг 4-§ га қаранг). Музикавий система товушқаторлари рақамлар билан белгилашмай, бутун музикавий диапазон оралигида маълум бир баландлик нисбати тартибда жойлашган товушлар тузилмасидан таркиб топгандир.

(Мажор гаммасининг поғоналари бирин-кетин келадиган секундалар ҳосил қилади. Поғоналар ва секундаларнинг жойлашуви қуйидаги тартибда бўлади:



Поғоналари юқоридаги тартибда жойлашган гаммага табиий (натурал) мажор гаммаси дейлади. Шу кўринишга эга бўлган лад эса табиий мажор деб аталади.

Ладнинг ҳар бир поғонаси рақам билан ёзилишидан ташқари, мустақил номга ҳам эгадир:

- I поғона — тоника (Т),
- II поғона — пастга бошловчи товуш,
- III поғона — медианта (ўртанча),
- IV поғона — субдоминанта (S),
- V поғона — доминанта (D),
- VI поғона — субмедианта (пастки медианта),
- VII поғона — юқорига бошловчи товуш.


Ҳар бир ладнинг тоникаси, субдоминантаси ва доминантаси асосий поғоналар, қолганлари эса ёндош поғоналар ҳисобланади.

¹ Гамма — юнон алфавитида ҳарф номи; қадимги вақтларда энг пастки товушларни белгилаш учун қўлланиларди.

Доминанта¹ ўз тоникасидан соф квинта юқорида жойлашади. Тоника билан доминанта орасида учинчи поғона бор, шунинг учун у медианта (ўртанча) дейлади. Субдоминанта (пастки доминанта) тоникадан квинта пастроқда жойлашган. Субдоминанта билан тоника орасида жойлашган поғона субмедианта дейлади. Қуйида бу поғоналарнинг жойлашув схемаси кўрсатилган:




Бошловчи товушлар тоникага томон тортилишларига қараб номланганлар. Пастки бошловчи товуш юқорида томон, юқоридаги бошловчи товуш эса пастга томон интилади:



Юқорида мажор учта тургун товушдан — I, III ва V поғоналардан иборат эканлиги ҳақида гап борган эди. Бу поғоналар турғунлиги бир хилда эмас. Биринчи поғона — тоника асосий таянч поғонадир ва шунинг учун ҳам бошқа поғоналардан турғунроқдир. III ва V поғона эса тоника даражасида турғун эмас.

Мажор ладнинг II, IV, VI ва VIII поғоналари турғун поғоналар эмас. Уларнинг турғун бўлмаслик даражаси ҳар хилдир. Бу даража: 1) турғун ва нотурғун товушлар оралиғига қараб ва 2) турғун товушларнинг тортилиш даражасига қараб турлича бўлади. Турғун товушлардан ярим тон узоқликда жойлашган VII поғонанинг I поғонага, IV поғонанинг III поғонага ва II поғонанинг (I поғонанинг турғунлик даражасига қараб) I поғонага томон тортилиши анча кучлидир.

VI поғонанинг V поғонага, II поғонанинг III поғонага ва IV поғонанинг V поғонага томон тортилиши юқоридаги поғоналарга нисбатан кучсизроқ бўлади. Қуйида нотурғун товушларнинг тортилиш схемаси келтирилган:



¹ Доминанта сўзи устулик, афзаллик маъносини билдиради.

Нотурғун товушлар ечилишига мисоллар:

129 Рус халқ күйи "За морем синичка"
VII → I

За мо-рем си-нич-ка по-льш-но жи-ла, во-льш-но жи-ла, пи-во ба-ри-па-ла

130 Кушак В. Моцарт "Баҳор күйи"
IV → III II → I

При-ли, лес-на, и сно-па пусть ро-ши о-ж-дут, под шум руч-ья лес-но-го шво-ты в ле-су пве-тут!

131 (Осойшта) В. Моцарт "Алла"
VI → V IV → V

Спи, моя радость, усни! Вздо-ме по-гас-ли ог-ни. Пчел-ки за-тех-ни-ва са-ду. рыб-ки у-су-шва-рт-ду.

35-§. ТОНАЛЛИКЛАР. ДИЕЗЛИ ВА БЕМОЛЛИ МАЖОР ТОНАЛЛИКЛАРИ. КВИНТА ДАВРАСИ. МАЖОР ТОНАЛЛИКЛАРИ ЭНГАРМОНИЗМИ

Табий мажор лади, музыка товушқаторининг исталган (ассий ва ҳосила) поғоналаридан тузилиши мумкин. Бунда поғоналар жойлашув системасининг (олдинги параграфда кўрсатилган) шартлари сақланиши лозим.

Лад ўрнашган пардалар (баландлик) т о н а л л и к дейилади. Ҳар бир тоналликнинг номи тоника сифатида қабул қилинган товуш номига асослангандир. Тоналлик номи лад билан тоника иборасидан, яъни мажор сўзидан келиб чиқади.

Масалан: До мажор ёки C — dur¹ (ҳарфий система бўйича)
Соль мажор ёки G — dur ва ҳоказо.

¹ Dur — латинча қаттиқ демакдир.

Мажор ладида до товушидан тузилган тоналлик До мажор дейилади. Унинг таркибига музыка товушқаторининг барча поғоналари киради. Бу тоналликнинг тузилиши, юқорида (34-§ га қаранг) мажор ладнинг тузилиши мисолида кўрсатиб ўтилган эди.

Музыка товушқаторининг бошқа поғоналаридан тузилган мажор лади тоналлиги таркибига ҳосила поғоналар ҳам киради. Ҳосила поғоналар сони ҳар бир тоналликда турлича бўлади. Айрим мажор тоналликларида кўтарилган поғоналаргина қўлланилади; уларни ёзиш учун диэзлар қўйиш талаб қилинади. Айрим тоналликларда эса пасайтирилган поғоналар қўлланилади. Булар учун бемоллар ёзиш лозим бўлади. Шунинг учун, альтерация белгилари билан ифодаланган мажор тоналликлари диэзли ва бемолли тоналликларга бўлинади.

Музыка ижрочилигида еттита диэзли ва еттита бемолли тоналликлар қўлланилади. Бу тоналликларнинг альтерация белгилари калитдан сўнг ёзилиб, калит ёнида ёзиладиган белгилар деб аталади.

Бир-бирдан битта калит белгиси билан фарқ қиладиган тоналликлар (уларнинг ҳар бирида олтидан ўнхаш товушлар бўлганлиги учун) ёндош тоналликларга кирадилар. Диэзли До мажор тоналлигига Соль мажор ёндош бўлади. Соль мажорнинг биринчи поғонаси До мажордан соф квинта юқорида жойлашади:

132 До мажор C—dur¹ соф 5.

I V=I поғ. Соль мажорна

133 Соль мажор G—dur

кат.2 кат.2 кат.2 кат.2 кат.2 кат.2 VII кат.2 поғ.

Соль мажор гаммасининг VII поғонасига биринчи диэзи (фа#) тўғри келади:

134 (Тез) Рус халқ күйи "Пойду ль я, выйду ль я"
Пой-дуль я, вый-дуль я, да, пой-дуль я, вый-дуль я, да, во по-ль, во до-ля-нуш-ку, да, во . доль, во ши-ро-ку-ю.

Юқоридаги мисолда *сопь* товуши тоника ҳисобланади. *Фа-диез* товушининг пайдо бўлиши юқорига тортувчи товушни *Фа#-сол*-нинг юзага келиши билан боғлиқдир, чунки VII билан I поғона оралиғида кичик 2 (1/2) тон бўлиши лозим

Сопь мажордан соф квинта юқорида *Ре мажор* тоналлиги бошланади:

135 *Сопь мажор* C—dur
соф 5
V=I поғ. Ре мажорда

136 Ре мажор D—dur
кат.2 кат.2 кич.2 кат.2 кат.2 кат.2 кич.2
VII поғ.

Ре мажор тонлигининг VII поғонасига тартиб бўйича *до#* тўғри келади

137 (Секин куйқан) Б. Шехтер. *Пионерлар ораулоғи

Шундай қилиб, ҳар бир янги гамма ўзидан олдинги тоналликнинг бешинчи поғонасидан тузилади ва бунинг натижасида биз барча диезли мажор тоналликларига эга бўламиз. Бу хилдаги ҳар бир гамманинг VII поғонасидан калит ёнида ёзиладиган янги белгиси — диез ҳосил бўлаверади ва улар бирин-кетин етти белгига-ча бориб етади. Тоналликнинг охириги чегараси етти белгидан ош-

майди, чунки унинг таркибига кирадиган барча товушлар ҳосил поғоналардан тузилган бўлади. Барча диез белгилари калит ёнида, тоналликларга бирин-кетин қўшилиш тартибида юқорига томон соф квинта бўйича жойлашиш шarti билан ёзиладилар.

Барча диезли тоналликларнинг ёндош тартибда жойлашуви қуйидаги диезли мажор тоналликларини ҳосил қилади:

138 *Сопь мажор* C—dur
Тўғри поғона- товуш-лар

Ре мажор D—dur

ЛЯ мажор A—dur

МИ мажор E—dur

СИ мажор B—dur

ФА# мажор F#—dur

ДО# мажор C#—dur

Бемолли мажор тоналликларининг ёндошлик асосида жойлашув тартиби ҳам худди диезли мажор тоналликларининг жойлашишига ўхшаш бўлади. Лекин улар соф квинта бўйича пастга томон тузиладилар.

До мажор тоналлигига *Фа мажор* ёндош бўлади. *Фа мажор*-нинг биринчи поғонаси *До мажор* тоникасидан соф квинта пастда тузилади ва унинг IV поғонасига (субдоминантага) тўғри келади:

139 *До мажор* C—dur Соф 5
I IV=I поғ. Фа мажорда

140 *Фа мажор* F—dur
кат.2 кат.2 кич.2 кат.2 IV кат.2 кат.2 кич.2

141 Allegretto
(Жонлашб)

Д. Шостакович. "Песня о встрече"

Ҳар бир янги тоналликнинг асосий товуши қилиб олдинги тоналликнинг соф квинта оралигида пастдан жойлашган тошиқаси олинади. Барча бемолли мажор тоналликлари мана шу тартибда бирин-кетин ҳосил бўла боради.

Бемолли тоналликнинг ҳар бирида янги (набатдаги) бемоль (b) белгиси ҳар доим гамманинг тўртинчи поғонасига тўғри келади.

Барча бемолли тоналликларнинг ёндош жойлашуви қуйидаги бемолли тоналликларни ҳосил қилади:

142

Туркун - Нотур-
товуш - гуд то-
лар - вушлар

Беш, олти ва етти диэзли мажор тоналликларнинг ҳар бири бештадан еттигача бемоль белгиси бўлган бемолли тоналликларнинг биттасига энгармоник жиҳатдан тенгдир ва аксинча.


Баландлиги бир хил, лекин ёзилиши (номи) турлича бўлган тоналликларга энгармоник тенг тоналликлар деб айтилади.

Музыкада қўлланиладиган мажор тоналликларидан қуйидаги-лар энгармоник жиҳатдан тенг бўладилар:

143

Энгармоник тенг тоналликларнинг қалит ёнида ёзиладиган белгиларининг умумий йиғиндиси 12 тадан иборатдир.

Юқорига томон соф квинта бўйича тузилган диэзли ва пастга томон соф квинта бўйича тузилган бемолли мажор тоналликларининг жойлашув тартиби квинта давраси дейилади:



14- расм,

Музыкада квинта давраси (эпгармонизм натижасида) диэз ва бемоль тоналликларининг умумий даврасини ҳосил қилади ва бир-бири билан туташади. Лекин назарий жиҳатдан олганда давраси (ҳам диэз, ҳам бемоль тоналликларида) спиралсимон шаклда бўлиб, мустақил кўринишга эгадир. Бунинг сабаби шуки, ҳаракат соф квинта бўйича юқорига томон давом этиши натижасида диэзлар (дубль-диэзлар) кўпая бошлайди ва янги тоналликлар ҳосил бўла боради. Ҳаракат соф квинта бўйича пастга томон давом этиши натижасида бемоллар (дубль-бемоллар) сони кўпаяди ва янги тоналликлар ҳосил бўла боради.

Масалан: а) ҳаракат диэзлар томон давом этса:

145 Соль - диэз мажор Ре - диэз мажор

б) ҳаракат бемоллар томон давом этса:

Фа - бемоль мажор Си - дубль - бемоль мажор

36-§. ГАРМОНИК ВА МЕЛОДИК МАЖОР

Музыкада кўпинча VI поғонаси пасайтирилган мажор лади қўлланилганлигини учратиш мумкин. Бу хилдаги мажор ладлари гармоник мажор дейилади.

Гармоник мажор рус классик музыкасида ниҳоят кенг қўлланиларди. Мажорнинг бу хилини чет эл композиторларининг классик музыкасида ҳам учратиш мумкин.

VI поғонани ярим тошга пасайтириш натижасида унинг V поғона томон тортилиши янада кучаяди. VI поғонаси пасайтирилган мелодик тузилмалар мажор ладининг миор ладига хос бўёқларда эшитилишига ёрдам қилади (пастроқда берилган гармоник мажор мисолига қаранг).

Бундан ташқари VI поғонанинг пасайтирилиши ўзи мавжуд бўлган аккордлар тузилишини ҳам ўзгартириб юборади (бу ҳақда еттинчи бобда батафсил тўхталамиз). Аккордлар тузилишининг ўзгариши эса кўйнинг гармоник жўрига таъсир этади. Шунинг учун ҳам бу ладнинг номи гармоник мажордир.

VI поғонани пасайтириш лозим бўлганда пасайтириш белгиси текстда нота олдида қўйилади ва тасодифий белги деб аталади.

Масалан:

146 До мажор гармоник

I II III IV V VI орт. VII (I)

Гармоник мажор гаммасида секундалар қуйидаги тартибда жойлашадилар: кат. 2, кат. 2, кич. 2, кат. 2, кич. 2, орт. 2, кич. 2.

Гармоник мажор гаммасининг характерли хусусиятларидан бири VI ва VII поғоналар орасида орттирилган секунданинг ҳосил бўлишидир:

Allegro (Тез) Н. Римский-Корсаков, "Қорқаз" операсидан Қурбобо кўшиги

147

Из лес- ку по до- рок- де за во- зом
 ьоз; на ноч- лег по- сле- ша- ет скри- пу- чий о-
 боз. Я о- боз сте- ре- гу и ше-
 ред за- бе- гу по край по- ли, вла-

Музыкада мелодик мажор гармоник мажорга nisbatan анча кам учрайди. Мелодик мажорда **W** поғона ва VII поғоналар пасайтирилади, характери буйича табиий минорга ўхшаш бўлиб эшитилади ҳамда куйнинг пастга томон ҳаракатида қўлланилади.

Масалан:

Andante
147 #) (Осойишта)

П. Чайковский. "Евгений Онегин"
операдан "Макуб ёшиг сахнаси".

37-§. МИНОР ЛАДИ. ТАБИЙ МИНОР ГАММАСИ. МИНОР ЛАДИ ПОҒОНАЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

(Минор¹ лади деб, турғун товушлари бирин-кетин ёки бир вақтда эшитилган ва кичик ёки минор учтовушлигидан ҳосил бўлган ладга айтилади.) Минор учтовушлигининг турғун товушлари терция бўйича жойлашгандир: I ва III поғоналар орасида кичик терция, III ва V поғоналар орасида катта терция бор. Минор учтовушлигининг икки четидаги товушлар соф квинта интервалини ҳосил қилади:

148

Минор учтовушлиги терциялари мажор учтовушлиги терцияларига nisbatan тескари жойлашганлар.

Минор ладининг гаммаси мажор ладининг гаммасидан секундаларнинг жойлашиш тартиби билан фарқ қилади.

Табиий минор гаммасида секундаларнинг жойлашиши қуйидагича бўлади: кат. 2, кич. 2, кат. 2, кат. 2, кич. 2, кат. 2, кат. 2.

Мажор гаммаси поғоналари қандай рақамлар билан белгиланса ва қандай аталса, табиий минор гаммаси поғоналари ҳам шундай белгиланади ва номланади:

149 ла минор а—moll

товушлар: 1 1/2 1 1 1/2 1 1
поғоналар: II III IV V VI VII (I)

(Табиий минордаги нотурғун товушларнинг жойлашув тартиби мажордаги нотурғун товушлар жойлашув тартибидан фарқ қилади. Минордаги ярим тонликлар тортилиши қуйидаги тартибда бўлади: II поғона III поғонага, VI поғона V поғонага тортилади. Етакчи товушлар бир тонга (тоникага) қараб тортилади.

Қуйида табиий минорда нотурғун товушларнинг тортилиш схемаси келтирилган:

150 ла минор а—moll

товушлар: VII I II III IV V VI
1 1 1/2 1 1 1/2

Музыкада табиий минор учун мисоллар:


¹ Минор сўзи кичикроқ поғона деган маънони билдиради.

151 $\text{♩} = 112$



Рус халқ кўшиғи. "Я на ямушке сижу"



152 (Сакны)

Ан. Александров.
"Уж ты, зимушка - зима"

(Кенг)

153 $\text{♩} = 76$ Рус совет халқ кўшиғи
"Нозла города Ростова"

38-§. ГАРМОНИК ВА МЕЛОДИК МИНОР. МИНОР ТОНАЛЛИКЛАР. ПАРАЛЛЕЛ ТОНАЛЛИКЛАР. МИНОР ТОНАЛЛИКЛАРИНИНГ КВИНТА ДАВРАСИ


Музиканинг умумий ривожланиш процессида минор лади бир неча марта ўзгарган. Бу ўзгариш ундаги асосий погоналардан айримларининг альтерация қилиниши билан боғлиқдир, бу ҳол нотурғуи товушларнинг тортилиш даражасига ҳам таъсир қилган.

Табиий кўринишдаги минордан ташқари, минорнинг бошқа кўринишлари — гармоник ва мелодик минор ҳам кенг қўлланила бошлади.

Гармоник минор табиий минордан VII погонанинг кўтарилиши билан фарқ қилади. VII погонанинг кўтарилиши юқорига бошловчи товуш тортилишини янада кучайтиришга боғлиқдир.

Гармоник минор гаммаси секундаларининг бирин-кетин жой-

лашув тартиби қуйидагича бўлади: кат. 2, кич. 2, кат. 2, кат. 2, кич. 2, орт. 2, кич. 2:

154
гармоник ля минор a--mol

Гармоник минор гаммасининг характерли хусусиятларидан бири — VI поғона билан VII поғона ўртасида орттирилган секунданинг ҳосил бўлишидир.




Гармоник минор учун музика мисоллари:

Moderato

(Ўртача)

Украин халқ кўшиғи "Ой, не
"зети, місяченьку"
"Осмондаги ой, ёғдулгил сочма"




155



(Тезлатиб)

156

mp

Поляк халқ кўшиғи
"Пой, пой, пезунья птичка"

Presto

157 (Тез) poco meno mosso М. Глинка. "Ҳамроқ қўшиқ"

р Нет, та- н- а ду- ма бы- стре- е ло- тит...

158 (Марш суръетли, мердонвор)

В. Мурадели. "Тилчилик курашчилари қўшиғи"

В борь-бе е-дны- стью

мы шаг-ли За проч- тый мир за на- ше сча- стье оста-

дай-те лю- би всей земли, раз- во- ем мы вой ны не- ма- стье!

Мелодик минор табиий минордан VI ва VII поғоналарининг кўтарилиши билан фарқ қилади. VI поғонанинг кўтарилиши (мелодик минор гаммасининг юқорига томон ҳаракати вақтида) гамманинг юқори қисмидаги товушларининг тенг жойлашувига ёрдам қилади. Бунда биринчи поғонага қараб ярим тон тортилган юқорига бошловчи товушнинг сақланиши лозим. Мелодик минор гаммаси пастга томон ҳаракат қилганда ундаги кўтарилган поғоналар сақланмайди. Гамма пастга томон табиий минор поғоналари бўйича ҳаракат қилади. Бу табиий минорнинг пастга томон ҳаракати вақтида VI поғонанинг хусусиятини, яъни V поғонага

интилишини тиклаш билан боғлиқдир. Бундан ташқари, пастга томон қилинган ҳаракат вақтида VII поғонани кўтариш зарурати қолмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, музикада мелодик минор гаммаси поғоналари бўйлаб пастга томон ҳаракатланиш ҳоллари ҳам учрайди (бунда VI ва VII поғоналар кўтарилади).

Мелодик минор гаммаси секундаларининг бирин-кетин юқорига томон ҳаракат қилиши қуйидаги тартибда бўлади: кат. 2, кич. 2, кат. 2, кат. 2, кат. 2, кат. 2, кич. 2:

159 мелодик ли мюкор а-толл

тонлар: 1 1/2 1 1 1 1 1/2

поғоналар: I II III IV V VI VII (I)

Музикада мелодик минор мисоллари:

Moderato con moto

Д. Кабалевский. "Ёнгил бархашилар", ижод 40. № 2.

160 (Ўртача тезлатиб)

Allegro moderato

Э. Григ. "Вальс", ижод 12, № 2

161 (Ўртача тезликда)

Табий, гармоник ва мелодик минор
гаммаларини таққословчи жадвал

(бутун ва ярим тонликда)

Табий — 1, 1/2, 1, 1, 1/2, 1, 1,
Гармоник — 1, 1/2, 1, 1, 1/2, 1^{1/4}, 1/2
Мелодик — 1, 1/2, 1, 1, 1, 1, 1/2

Минор тоналликлари таркибига ҳам мажор тоналликларини музика товушқаторининг ҳосил қилувчи барча асосий ва ҳосила поғоналари киради.

Минор ладининг тоналликлари ҳам мажор ладининг тоналликлари сингари бир-бирига ёндошдир. Минор тоналлиги альтерация белгиларининг бири-кетин кўпая бориши ҳам мажор тоналликлари сингари бўлиб, соф квинта бўйича юқорига томон дизлар ёзилади, соф квинта бўйича пастга томон бемоллар ёзилади.

Табий кўринишдаги мажор ва минорда бир хил товушлар бўлади. Қалит белгиси бир хил бўлган мажор ва минор тоналликлари параллел тоналликлар дейилади.

Масалан:

162

Юқоридаги мисолдан параллел минор тоникасининг мажор тоникасидан кичик терция пастда жойлашганлигини кўрамиз. Бошқача қилиб айтганда, параллел минор тоникаси унга параллел бўлган мажорнинг VI поғонаси ҳисобланади. Шундай қилиб, мажор тоналлигини яхши билган тақдирда минор тоналлигини (нечта белги бўлишидан қатъи назар) топиш осон бўлади.

Минор гаммаларида бири-кетин ҳосил бўладиган дизлар ҳар бир гамманинг II поғонасига тўғри келади. Бемоллар эса VI поғонага тўғри келади.

Минор тоналликларининг альтерация белгилари қалит ёнидан ёзилади. VI ва VII поғоналарининг хроматик ўзгариши натижасида ҳосил бўладиган тасодифий альтерация белгилари ноталар олдидан ёзилади.

Минор тоналликларининг сони ҳам мажор тоналликлари сонига тенгдир, яъни 15 та бўлади. Бу тоналликлар номларининг ҳо-

сил бўлиши мажор тоналликлари сингаридир. Минор лади ҳарфий система бўйича Moll¹ сўзи билан ёзилади.

Масалан: *ля минор* ёки a—moll, *до минор* ёки c—moll.

Барча минор тоналликлар бир-бирига ёндош бўлиб, қуйндаги тоналликлардан таркиб топади:

183

Дизлар минор тоналликлари

Табий гармоник

Ми минор e—moll
си минор h—moll
фа# минор fis—moll
до# минор cis—moll
сонг.# минор gis—moll
ре# минор dis—moll
ля# минор ais—moll
ми минор e—moll
си минор h—moll
фа# минор fis—moll

¹ Moll — латинча юмшоқ демакдир.

до # минор
cis—moll

соль # минор
gis—moll

ре # минор
dis—moll

ля # минор
ais—moll

164

Бемолли минор тоналликлари

Табийи

гармониклар

ре минор
d—moll

соль минор
g—moll

до минор
c—moll

фа минор
f—moll

си б минор
d—moll

ми б минор
es—moll

ля б минор
as—moll

Мелодиялар

Турғун товушлар
Гармоник минордаги ютуғун товушлар

ре минор
d—moll

соль минор
g—moll

до минор
c—moll

фа минор
f—moll


си б минор
d—moll

ми б минор
es—moll

ля б минор
as—moll

Ендош минор тоналликлари бир-биридан соф квинта оралиғида жойлашганлиги учун минор ладнинг барча тоналликлари мустақил квинта даврасини ҳосил қилади:

Минор тоналликларининг квинта давраси



15-расм.

Минор тоналликларининг умумий миқдори мажор тоналликлари сингари олти тоналликка эга. Булардан учтаси диезли тоналлик ва қолган учтаси бемолли тоналликка энгармоник жиҳатдан тенг бўлади. Буларга қуйидагилар киради:
 соль—диез минор, ля—бемоль минорга тенг;
 ре—диез минор, ми—бемоль минорга тенг;
 ля—диез минор, си—бемоль минорга тенг.

39-§. НОМДОШ ТОНАЛЛИКЛАР. МАЖОР ВА МИНОРНИНГ АЙРИМ
УХШАШ ВА ФАРҚ ҚИЛУВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ. МАЖОР ВА МИНОР
ЛАДЛАРИНИНГ МУЗИКАДАГИ АҲАМИЯТИ

Бир хил тоникадан тузилган мажор ва минор тоналликлари номдош тоналликлар дейлади.

Номдош мажор ва минорнинг табиий гаммалари бир-биридан учта поғона билан фарқ қилади, булар III, VI ва VII поғоналардир. Минорда кўрсатилган поғоналарнинг ҳар бири мажорнинг шу поғоналаридан хроматик ярим тон пастда жойлашган бўлади:

166 До мажор C—dur до минор c—mol

Номдош мажор ва минорнинг гармоник хиллари бир-биридан III поғонанинг бошқа-бошқа эшитилиши билан фарқ қилади. Буларнинг ўхшаш томони ҳар иккаласида ҳам VI ва VII поғоналари орасида ортирилган секунда мавжуд бўлишидандир.

Масалан:

167 ля мажор A—dur ля минор a—mol

Мелодик минор табиий номдош мажордан III поғонанинг эшитилиши билан фарқ қилади.

Масалан:

168 ля мажор A—dur ля минор a—mol

Юқорида айтилганидек, музиканинг таъсири хилма-хил ифода воситаларининг ўзаро муносабатда бўлишидан юзага келади. Лекин маълум бир мазмун ва характерни акс эттиришда ладнинг аҳамияти каттадир.

Бир хил лад бошқа элементлар билан маълум тарзда алоқадор бўлганда музикага хилма-хил оттенкалар бериши мумкин. Масалан, агарда биз ҳозирги замон музикасига, хусусан совет композиторлари қўшиқларига мурожаат қилсак, уларнинг рангян, жиддий, драматик мазмунни ифодаловчи асарлари минор ладида ёзилганини кўрамиз.

Масалан:

169 (Севия, берштб) В. Соловьёв-Седой.
"Вечер на реке"

Спо-ём-те, дру-зья, ведь зав-тра в по-ход уй-

дем в пред рас-свет-ный ту-ман. Спо-ём ве-се-лей, пусть

нам под-по-ёт се-лой бо-е-вой ка-ля-тан.

170 (Ўртак, чўзиб) В. Мокроусов.
"Заветный камень"

Хо-лод-ны-е вол-ны вады-ма-ет ла-

ви-вой ши-ро-ко-е Чер-но-е мо-ре

171 (Ушчадик тазлатмай) А. В. Александров.
"Свищенная война"

Вста-вай, стр-на о-гром-на-и, вста-

вай на смерт-ный бой с фа-шист-ской ск-лой

тем-но-ю, с про-кль-то-ю ор-дой!

Музикада тантана, галаба, шодлик кайфиятлари мажор ладида ифодаланади.

Масалан:

172 (Марш сурьятила)

И. Дунаевский.
"Встань хакла кубуш"

Ши-ро-ка стра-на мо-я род-на-я, мно-го
в ней де-шев, по-лей и рек! Я дру-гой та-кой стра-ны не-
зна-ю, где так во-ля но ды-шит че-ло-век, Я дру-
гой та-кой стра-ны не зна-ю, где так во-ля но ды-шит че-ло-
Тамом
век, От Мос-квы до са-мых де-ре-
вья-ни, с юж-ных гор до се-вер-ных мо-ря че-ло-
век про-хо-дит как хо-зя-ин на-об-ще-ноб Ро-ди-ны сво-
ей. Вско-ду жизнь при-воль-но и ши-ро-ко, точ-но
Вол-га под-на-я, те-чет. Мо-ло-дым вез-де у нас до-
ро-га, ста-ри-кам вез-де у нас по-чет. Ши-ро-

173 (Марш сурьяти)
(Ғайратли ва шодия)

С. Туликов
"Совет ошлари марши"

Мы жи-вем под солн-цем ко-ло-тым, друж-но жи-вем,
Мы гор-ды О-те-чест-вом сво-им, лю-бим свой дом,
Мы гор-ды О-те-чест-вом сво-им, все пу-ти от-
кры-ты мо-ло-дым, Свет-лым-е кры-е, Ро-ди-на мо-я,
вско-ду у те-бя дру-зья. Мы все за мир!
Клят-ву да-ют на-ро-ды. Мы все за мир!
Пусть зе-ле-ные-ют вско-ды. Мы все за мир!
Ро-ют зна-ме-на сво-бо-ды, Мо-ло-дость цве-тет,
Кайтарши учун Тамомлаш
учун
мо-ло-дость цве-тет, мо-ло-дость к-дет впе-ред! ред! ред!

Такрорлаш учун саволлар

1. Қандай товушлар тургун товушлар дейилади? *Тилнинг товушлар*
2. Асосий тургун товуш нима деб аталади? *Тоника*
3. Куйнинг тургун товушларига киритилмайдиган товушлар нима деб аталади? *НОТУРГУН*
4. Нотургун товушларнинг торттилиши нима билан ифодланади? *САКУЛЛА*
5. Нотургун товушнинг тургун товушга ўтиши нима дейилади? *Товушнинг оқшиши*
6. Лад нима? *тургун ва нотургун*
7. Қандай лад мажор лади дейилади?
8. Мажор лади неча товушдан тузилади? *7*
9. Гамма нима? *лад*

10. Гамма ҳосил қилувчи товушлар нима деб аталади? *поғона!*
11. Мажор гаммасининг поғоналари қайси тартибда жойлашади? *д р ф с л а*
12. Мажор гаммасининг поғоналари қандай ёзилади?
13. Гамма поғоналарининг ҳар бирига рақамли белгилардан ташқари яна қандай номлар қўйилган? Улардан ҳар бирининг аҳамиятини айтиб беринг.
14. Қандай поғоналар асосий поғоналар бўлади? *Т-СД*
15. Қайси поғоналар турғун бўлади? *Т-С-У*
16. Гаммаларнинг қайси поғоналари турғун босқичлар сари қайси томонга тортилади?
17. Тоналлик нима? *лаз нарҳи*
18. Тоналликлар номи нимадан ҳосил бўлади? *мажор сўзидан*
19. Барча мажор тоналликлари қандай ажратилади?
20. Барча дизели мажор тоналликларини айтиб беринг.
21. Барча бемолли мажор тоналликларини айтиб беринг.
22. Қандай тоналликлар ёндош дейилади?
23. Дизели мажор гаммаларининг қайси поғонасида навбатдаги (янги) диз ҳосил бўлади? Бемолли мажор гаммаларида бемоль қандай ҳосил бўлади?
24. Дизели ва бемолли тоналликларда калит ёнидаги белгиларнинг ҳосил бўлиш тартибини айтиб беринг.
25. Тоналликларнинг ёндошлик принципи бўйича жойлашув тартибига нима дейилади?
26. Эпгармоник тенг бўлган мажор тоналликларини айтиб беринг.
27. Гармоник мажор қандай бўлади?
28. Қайси ладга минор лади дейилади?
29. Табиий минор гаммасида секундаларнинг бирин-кетин келиш тартибини айтиб беринг.
30. Табиий минорнинг турғун бўлмаган товушлари қайси томонга ва қандай интервалга тортилади?
31. Минорнинг қайси кўриниши гармоник минор дейилади? Гармоник минор гаммаларида секундаларнинг бирин-кетин келиш тартибини айтиб беринг.
32. Минорнинг қайси кўринишига мелодик минор дейилади? Мелодик минор гаммасида секундаларнинг бирин-кетин келиш тартибини айтиб беринг.
33. Қайси тоналликлар параллел тоналлик бўлади?
34. Параллел минор тоникаси мажорнинг қайси поғонасида бўлади?
35. Минор гаммасининг қайси поғоналарида дизелар ва бемоллар ҳосил бўлади?
36. Барча дизели минор гаммаларини айтиб беринг. Барча бемолли минор гаммаларини айтиб беринг.
37. Барча дизели минор гаммаларидаги тасодифий белгиларни айтиб беринг. Бемолли минор гаммаларида ҳам тасодифий белгиларнинг келишини айтиб беринг.
38. Эпгармоник тенг минор тоналликларини айтинг.

39. Қандай тоналликлар номдош бўлади?
40. Номдош тоналликлар бир-бирларидан нечта калит белгиси билан фарқ қилади?
41. Табиий мажор ва минор номдош тоналликлари қайси поғоналарда фарқ қилади?
42. Гармоник кўринишдаги мажор ва минор номдош тоналликлари қайси поғоналарда фарқ қилади?
43. Мелодик минор ва табиий мажор номдош тоналликлари қандай поғоналарда бўлиши билан фарқ қилади?

Машқлар

Оғзаки машқлар

- 1
Юқорига ва пастга томон бирин-кетин ҳаракатда бўлган мажор гаммасининг товушларини айтиб беринг.
- 2
Барча мажор тоналликларидаги турғун ва нотурғун товушларни айтиб беринг.
- 3
Барча мажор тоналликларидаги нотурғун товушлар ва уларнинг ҳар бирини тортувчи турғун товушларни айтиб беринг.
Масалан: *Соль мажор* тоналлигида: *фа—соль, ля—соль, ля—си, до—си, до—ре, ми—ре.*
- 4
Гармоник мажор гаммаси товушларининг бирин-кетин юқорига ва пастга томон ҳаракатини айтиб беринг.
- 5
а) Табиий минорнинг барча гаммаларидаги товушларнинг юқорига ва пастга томон бирин-кетин ҳаракатини айтиб беринг.
б) Худди шу хилда гармоник минорнинг гаммаларини ёзинг.
в) Худди шу хилда мелодик минорнинг гаммаларини ёзинг.
- 6
Барча минор гаммаларидаги турғун ва нотурғун товушларни (табиий ва гармоник кўринишда) айтиб беринг.
- 7
Гармоник кўринишдаги барча минор тоналликларида нотурғун товушларнинг турғун товушлар сари тортилишини айтиб беринг (3-машқдаги нисолга қаранг).
- 8
Мажор ва минорнинг барча гаммаларидаги товушларнинг пастга ва юқорига томон поғонама-поғона ҳаракатини айтиб беринг.
Масалан, *Ре мажор* гаммаси юқорига томон ҳаракат қилганда: *ре—фа#—ля—до#—ми—соль—си—ре*; пастга томон ҳаракат вақтида: *ре—си—соль—ми—до#—ля—фа#—ре*.
- 9
Барча минор ва мажор тоналликларини ҳарфий система бўйича айтиб беринг.

Езма машқлар

1

- а) Барча табиий мажор гаммаларининг юқорига ва пастга томон ҳаракатини ноталарда альтерация белгиларини қўйиб ёзинг.
б) Худди шу хилда гармоник мажор гаммаларини ёзинг.

2

- а) Барча табиий мажор тоналликларида нотургун товушларнинг турғун товушлар томон тортилиш схемасини ёзинг (128-мисолга қаранг).
б) Гармоник мажорда товушларнинг тортилишини ҳам худди шу хилда ёзинг.

3

- а) Табиий минорнинг юқори ва пастга томон ҳаракатидаги барча гаммаларини ноталарга альтерация белгилари қўйиб ёзинг.
б) Гармоник минорнинг гаммаларини ҳам худди шу хилда ёзинг.
в) Мелодик минорнинг гаммаларини ҳам худди шу хилда ёзинг.

4

Табиий ва гармоник кўринишдаги барча минор тоналликларидаги нотургун товушларнинг турғун товушлар томон тортилиш схемасини ёзинг (150-мисолга қаранг).


5

- а) Барча мажор тоналликларининг ҳарфий белгиларини квинта давраси бўйича ёзинг.
б) Барча минор тоналликларининг ҳарфий белгиларини ҳам худди шу хилда ёзинг.

Фортепьянода машқлар

1

- а) юқорига ва пастга томон ҳаракатланувчи мажор гаммаларини чалинг;
б) худди шу гаммаларни турли поғоналарда чалинг.
Масалан, III поғонада *ля мажор* гаммаси:



2

Берилган товушни ўз таркибига олган мажор гаммаларини чалинг.


Масалан, *фа* товушидан қуйидаги гаммалар чалинади: *Фа мажор* (I поғона), *Ми мажор* (II поғона), *Ре мажор* (III поғона), *До мажор* (IV поғона), *Си мажор* (V поғона), *Ля мажор* (VI поғона), *Соль мажор* (VII поғона).

3

Гармоник мажор гаммаларини чалинг.

4

- а) табиий, гармоник ва мелодик минор гаммаларининг юқорига ва пастга томон ҳаракатини чалинг;
б) худди шу гаммаларни турли поғоналарда чалинг.
Масалан, IV поғонадан мелодик *соль минор* гаммаси:



5

Берилган товушни ўз таркибига олган табиий, гармоник ва мелодик минор гаммаларини чалинг.


Масалан, *до #* товушидан қуйидаги гармоник минор гаммалари чалинади: *До # минор* (I поғона), *си минор* (II поғона), *ля # минор* (III поғона), *соль # минор* (IV поғона), *фа # минор* (V поғона), *ре минор* (VII поғона).

6

- а) табиий ва гармоник мажор нотургун товушларнинг турғун товушларга тортилишини тартиби билан чалинг;
б) табиий ва гармоник минорда ҳам худди шу хилда чалинг.

7

Мажор тоналликларидаги диатоник секвенцияларни чалинг. Бунда қуйида кўрсатилган мелодик фигураларни гамманинг барча поғоналарида унинг юқорига ва пастга томон ҳаракатига қараб кўчиринг:



8

Гармоник ва мелодик минорнинг барча тоналликларида диатоник секвенцияларни чалинг. Бунда қуйида кўрсатилган мелодик фигураларни гамманинг барча поғоналарида унинг юқорига ва пастга томон ҳаракатига қараб кўчиринг:



Олтинчи боб

МАЖОР ВА МИНОР ТОНАЛЛИКЛАРИНИНГ ИНТЕРВАЛЛАРИ

40-§. ТАБИЙ МАЖОР ВА ТАБИЙ МИНОР ИНТЕРВАЛЛАРИ

Тўртинчи бобда интервалларнинг барча турлари ҳақида батафсил ёзилган эди. Энди булардан қайси бирлари табиий мажор ва табиий минорда, қайси бирлари гармоник мажор ва гармоник минорда бўлиши устида тўхталиб ўтамиз.

Табиий мажор ва табиий минор погоналари фақат диатоник интервал ҳосил қилади.

Ҳар бир погонадан прима, секунда, терция ва бошқа интерваллари тузиш мумкин. Энди вазифа булардан ҳар бирининг сифат миқдорини, яъни қайси бири соф, кичик, катта эканлигини аниқлашдан иборат. Ендон интерваллардан ҳар бирининг умумий сони ладнинг етти погонаси сонига тенгдир.

Қуйида табиий мажор ва табиий минор интервалларининг жадвали кўрсатилган (175-мисолга қаранг).

Бу жадвал ёрдамида интервалларни ўрганиш учун қуйидагиларни эсда сақлаш лозим:

1. Табиий мажор ва минорда ўхшаш интерваллар ҳосил бўлади ва уларнинг сони бир-бирига тенг келади.

2. Минорда мажорга ўхшаган барча интерваллар мажордагига қараганда икки поғона юқорида жойлашадилар.

Масалан: мажорда катта терция I, IV, V погонадан юқорида жойлашади, минорда эса III, VI, VII погонадан юқорида жойлашади.

174 C — dur a — moll

I IV V III VI VII

Табиий мажор ва минор интервалларининг жадвали

Интервалларнинг номи	Мажор хилдаги интервалларнинг сони	Погоналардан тузилиши	
		Мажор	Минор
Соф прима	7	I	II
Кичик секунда	2	III	VI
Катта секунда	5	V	VII
Кичик терция	4	IV	III
Катта терция	3	VI	VII
Соф кварта	6	I	II
Ортирилган кварта	1	III	VI
Қамайтирилган кварта	1	V	VII
Соф квинта	6	I	II
Кичик секста	3	III	VI
Катта секста	4	V	VII
Кичик септима	5	IV	III
Катта септима	2	VI	VII
Соф октава	7	I	II

Интервалларнинг номи	Мазкур хилдаги интервалларнинг сони	Поғоналардан тузилиши						
		ля минор (a—moll)						
		I	II	III	IV	V	VI	VII
Соф прима	7							
Кичик секунда	2							
Катта секунда	5							
Кичик терция	4							
Катта терция	3							
Соф кварта	6							
Орртирилган кварта	1							
Камайтирилган квинта	1							
Соф квинта	6							
Кичик секста	3							
Катта секста	4							
Кичик септима	5							
Катта септима	2							
Соф октава	7							

3. Мажор интервалларини ўрганишни тез эсда қоладиган интерваллардан: соф прима ва октава, кичик ва катта секундалар (гамма бўйича), катта терциялар (асосий поғоналар), учтошлик, соф кварта, квинта ва бошқалардан бошлаш керак бўлади.

4. Мажор интерваллари ўрганилгандан кейин, уларни минор интервалларининг жойлашиши билан таққослаш унчалик қийин бўлмайди (бунда 2-пунктда айtilган қондани ёдда тутиш лозим).

41-§. ГАРМОНИК МАЖОР ВА ГАРМОНИК МИНОР ИНТЕРВАЛЛАРИ. ХАРАКТЕРЛИ ИНТЕРВАЛЛАР

Гармоник мажорда VI поғонанинг пасайтирилиши ва гармоник минорда VII поғонанинг кўтарилиши натижасида шу ладларда ҳосил бўлган интерваллар табиий мажор ва табиий минор интервалларидан фарқ қилади. Биринчидан, гармоник мажор ва гармоник минор ҳосил бўладиган интерваллар табиий кўринишда учрамайдилар. Бу хилдаги интервалларга хроматик ёки характерли интерваллар дейилади. Улар фақат гармоник мажор ва минорга хос интерваллар бўлганлиги учун шундай деб аталадилар. Ҳаммаси бўлиб тўртта характерли интерваллар бор, булар: орт. 2, кам. 7, орт. 5 ва кам. 4 дан иборат. Бу ҳол юқорида айtilганидек, мажорда VI поғонанинг пасайтирилиши билан боғлиқдир:

176

C—dur гармоник

VI поғ. дан орт. 2 VII поғ. дан кам. 7 VI поғ. дан орт. 5 III поғ. дан кам. 4

Минорда эса VII поғонанинг кўтарилиши билан боғлиқдир:

177

a—moll гармоник

VI поғ. дан орт. 2 VII поғ. дан кам. 7 III поғ. дан орт. 5 VI поғ. дан кам. 4

Иккинчидан, айрим диатоник интервалларнинг шакли ўзгаради. Масалан, соф кварта билан соф квинта ўрнига орртирилган 4 билан камайтирилган 5 шаклида иккита учтошлик ҳосил бўлади:

178

C—dur гармоник

VI поғ. дан орт. 4 III поғ. дан кам. 5

a—moll гармоник

IV поғ. дан орт. 4 VI поғ. дан кам. 5

Эслатма. Табиий мажор (айниқса) ва табиий минор поғоналаридан тузиладиган интервалларни амалий жиҳатдан билиш зарур бўлса, гармоник мажор ва гармоник минорда уларнинг қайси поғоналардан тузилганлигини билиш билангина чегаралашиш мумкин:

- характерли интерваллар,
- кичик секундалар,
- катта ва кичик терциялар (учтошушликлар тузиш учун билиш зарур),
- орртирилган кварталар ва камайтирилган квинталар.

42-§. ТУРГУН ВА НОТУРГУН ИНТЕРВАЛЛАР. ТУРГУНЛИК БИЛАН ОҲАНГДОШЛИК (КОНСОНАНС) УРТАСИДАГИ, НОТУРГУН ОҲАНГДОШЛИК (КОНСОНАНС) БИЛАН НООҲАНГДОШЛИК (ДИССОНАНС) УРТАСИДАГИ ФАРҚ, НОТУРГУН ИНТЕРВАЛЛАРНИНГ ТОРТИЛИШ БУВИЧА ЕЧИЛИШИ. НООҲАНГДОШ (ДИССОНАНС) ИНТЕРВАЛЛАРНИНГ ЕЧИЛИШИ

Лад погоналари ёрдами билан тузилган ҳар бир интервал ўзининг акустик, яъни оҳангдош (консонанс) ёки нооҳангдош (диссонанс) бўлишидан ташқари, турғун ёки нотурғун погоналардан тузилганлигига қараб, бошқача бўёқларда (характерда) эшитилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, унинг лад хусусияти аниқланади.

Ана шу нуқтани назардан интерваллар турғун ва нотурғун интервалларга ажратилади. Бундай ҳолларда ҳар бир оҳангдош интерваллар ҳам лад нуқтани назаридан турғун бўлавермаслигини аниқлаш зарур.

Масалан:

Moderato
179 (Ўртача) В.Каливинников. "Қароғайлар"

Сият сс- ре- бисс- ты- е со- сны.

Бу мисолда катта 3 — ла бемоль — до турғун интервалдир. Қолган интерваллар эса оҳангдош бўлишларига қарамай, нотурғун интервалларга киради.

Демак, биргина турғун товушлардан тузилган оҳангдош интервалларгина турғун интервал бўла олади. Агарда, оҳангдош интервал нотурғун товушлардан тузилса ёки битта нотурғун ва битта турғун бўлган товушлардан тузилса ҳам барибир нотурғун интервал бўлади.

Ҳар қандай нооҳангдош интервал ладда қайси ҳолатда бўлишидан қатъи назар, доим нотурғун интервал ҳисобланади.

Масалан:

Allegro moderato
180 (Ўртача) П.Чайковский. "Тоғ"

За- ня- ла- ся за- ря, ско-ро солн-це взой- дет...

Кўрсатилган мисолда нооҳангдош интерваллар оҳангдош интерваллар билан алмашиб туради, лекин уларнинг ҳар иккаласи ҳам турғун эмас. Бу мисолда турғун интерваллар мисол охиридаги терция ми—соль диез ва терция соль диез—си лардир.

Энди нооҳангдош ва нотурғун интервалларнинг ечилиши устида тўхталиб ўтамиз.

Нооҳангдош интервалнинг ечилиши деб унинг оҳангдош интервалга ўтиши (айланиши)га айтади. Нотурғун интервалнинг ечилиши деб, унинг турғун интервалга ўтишига айтади. Нооҳангдош интервал оҳангдош интервалга ечилганда оҳангдош интервалнинг турғун бўлиши ёки бўлмаслиги ҳеч қандай роль ўйнамайди, аммо нотурғун интервал фақат турғун интервалга ўтгандагина ечилади.

Нооҳангдош ва нотурғун интервалларнинг ечиши қондаларини маълум лад асосида ўрганиш талаб қилинади, чунки уларнинг музикада қўлланилиши ва ечилиши нотурғун товушларнинг турғун товушларга тортилиши принципига асосланади. Шунинг учун ҳам бирор интервалнинг ечилишини билиш учун дастлаб унинг қайси тоналликда эканлигини аниқлаш лозим бўлади.

Қуйида мажор ва минор тоналлигида оҳангдош бўлмаган интервалларнинг ечилишига мисоллар келтирилган.

а) катта 2 ва кичик 7 нинг ечилиши:

181 C—dur

кат. 2 кат. 2 кич. 7 кич. 7

182 c—moll

кат. 2 кат. 2 кич. 7 кич. 7

а) C—dur

кат. 2 кат. 2 кич. 7 кич. 7

б) C—dur

кат. 2 кат. 2 кич. 7 кич. 7

в) C—dur

кат. 2 кат. 2 кич. 7 кич. 7


г) c—moll

кат. 2 кат. 2 кич. 7 кич. 7

б) ноҳангдош ҳолатдаги соф кварталарнинг ечилиши:¹



в) кичик 2 ва катта 7 нинг ечилиши:



г) учтонликнинг ечилишида ҳар иккала товуш ҳам тортилиш томон бир поғона ўтади, орттирилган квартада — икки томонга, камайтирилган квинтада бир-бирига қараб йўналади.



Allegretto

188 (Жоплантё)

Ф. Шуберт.
Скерцо Си - бемоль мажор



¹ Аккорднинг пастки товушидан унинг биронта юқори товуши томон ҳосил буладиган соф кварта ноҳангдош ҳисобланади.

Andante sostenuto

189 (Обойинга, шохмасдан)

Ф. Мендельсон. "Балалар пьесаси" пюл 72, № 2



Э с л а т м а. Учтонлик поғоналардан бирортасининг тасодифий хроматик ўзгариши натижасида ҳосил бўлиши мумкин. Бунда унинг таркибида турғун товуш бўлса ва ечилиш зарур бўлса, у ўз ўрнида қолади. Нотурғун товуш эса тортилиш томонга қараб йўналади.

Масалан:



Характерли интервалларнинг ечилиш тартиби ҳам нотурғун товушлар ечилиши тартибига ўхшаш бўлади: характерли интервал таркибида иккита нотурғун товуш бўлса, уларнинг ҳар иккаласи тортилиши томонига қараб турғун товушларга (орт. 2 ва кам. 7) ўтади, агарда битта турғун товуш бўлса, бу товуш ўз ўрнида қолади, нотурғун товуш эса тортилиш томонига қараб турғун товушга ўтади. (Кам. 4 ва орт. 5)

Масалан:



a - moll гармоник
 орт.2 соф.4 кам.7 соф.5 орт.5 кат.6 кам.4 кич.3

Sostenuto
 (Шоимасдан)

А. Гедике, "Мамлетора",
 кюда 8, № 2

орт.2 соф.4 кам.4 кич.3
 орт.2 соф.4
 орт.2 соф.4

а) (Жонла, тезлатиб) кам.4

Э Грэг "Балике"
 кам.4 кюда 29, № 1

б) С. Рахманинов, Фортепиано учун
 кам.4 2-концерт, 3-қисм
mf espressivo

Moderato

184 (Ўртача)

С. Прокофьев, "Пушаймон",
 кюда 65, № 5

mf
espressivo
 орт.5 кат.6

Allegro non troppo

К. Моцарт, "Шард раҳси"

а) (Уччилли тезлатмасдан)
 орт.2
mf espressivo
cresc. орт.2 *f*
 орт.2 орт.2
 орт.2 орт.5 *p*
f *p*

Vivo

195 (Жонли)

Н. Раков, "Скерцино"

кам.7 соф.5

а) Масуркаси ўқтаб
p

Поляк халқ қўшиғи "Просо сева а"
 "Мен ториқ эклиме"
 кам.7

p кам.7 *p cresc.* кам.7
f

Эслатма. Агар ладнинг бирор доғонасини тасодифий хроматик ўзгартириш натижасида ҳосил бўлган орт. 2 ва кам. 7 таркибда турғун товуш бўлса, ечилиш вақтида бу товушлар ўз ўрнида қолади.
 Масалан:



306 C-dur c-moll
 орт.2 кам.7 орт.2 кам.7

Барча нотурғун оҳангдош интерваллар нотурғун товушлар тортилиши қондаси бўйича ечилади.

Агар интервалнинг ҳар иккала товуши турғун бўлса, улар қўшни турғун товушларга ўтади.

Агар интервал товушларидан биронтаси турғун бўлса, у ўз ўрнида қолади, бошқаси эса турғун товушга айланади.

Масалан:



Такрорлаш учун саволлар

1. Табiiй мажор ва табiiй миор поғоналаридан қандай интерваллар ҳосил бўлади?

2. а) Табiiй мажорнинг поғоналаридан ва қайси поғоналаридан неча хил соф прималар:

кичик секундалар;	камайтирилган квинталар;
катта секундалар;	соф квинталар;
кичик терциялар;	кичик сексталар;
катта терциялар;	катта сексталар;
соф кварталар;	кичик септималар;
орттирилган кварталар;	катта септималар;
	соф октавалар;

тузилиши мумкин?

б) Табiiй миор поғоналаридан-чи?

3. Мажорда VI поғонанинг пасайтирилишидан ва миорда VII поғонанинг кўтарилишидан ҳосил бўлган табiiй (натурал) кўринишдаги мажор ва миорда учрайдиган интерваллар нима деб аталади?

4. Нечта характерли интерваллар бор? Улар гармоник мажор ва гармоник миорнинг қайси поғоналаридан тузилади?

5. а) Гармоник мажорда нечта орттирилган 4 ва камайтирилган 5 бор?

б) Гармоник миорда булар нечта бўлади?

6. Қандай интерваллар турғун интерваллар дейилади?

7. Оҳангдош интерваллар қайси вақтларда нотурғун интервал бўлади?

8. Нооҳангдош интервал билан нотурғун интервалнинг фарқи нимадан иборат?

9. Нооҳангдош интервал билан нотурғун интервалларнинг ечилишидаги фарқи айтиб беринг.

10. Нооҳангдош интервалларнинг ечилиш тартибини айтиб беринг.

11. Нотурғун интервалларнинг ечилиш қондаси нимадан иборат бўлади?

12. Учтонлик қандай ечилади?

13. Характерли интерваллар қандай ечилади? Гармоник мажор билан гармоник миордаги характерли интервалларнинг ечилишига доир мисоллар келтиринг.

Машқлар

Оғзаки машқлар

1

Табiiй мажорнинг барча тоналликлари поғоналаридан ҳосил бўладиган интервални қуйидаги тартибда тузинг (айтиб бериш):

а) барча тоналликларда келиш тартиби билан кичик секундалар, катта секундалар, кичик терциялар ва бошқалар;

б) берилган тоналликдан кичик секундадан бошлаб ҳосил бўладиган барча интерваллар ва бошқаларнинг номини айтиб беринг;

в) берилган тоналлик гаммасининг ҳар бир поғонасидан интервалларни бир октава ораллигида юқорига томон тузинг. Бу интервалларни аниқланг;

Масалан: *Сi b* мажор тоналлигининг III поғонасидан: *ре* — *миб*-кич. 2 га; *ре* — *фа*-кич. 3 га; *ре* — *со*ль-соф 4 га; *ре* — *ля*-соф 5 га; *ре* — *си*ф-кич. 6 га; *ре* — *до*-кич. 7 га; *ре* — *ре* — *ре*-соф 8 га

г) табiiй миорда ҳам худди шундай қилинг.

2

а) гармоник миорнинг барча тоналликларида: орт. 2, кам. 7, орт. 5 ва кам. 4 (характерли интервалларни) айтиб беринг.

б) кич. 2 дан соф 5 гача мавжуд бўлган интервалларни айтиб беринг.

3

Гармоник мажор тоналликларидаги характерли интервалларни айтиб беринг.

4

Қуйидаги куйларда учрайдиган характерли интервалларни аниқланг:

Andantino
(Тезлатиб)

Н. Римский-Корсаков.
"Қорқин" операсидан Шоҳ Берендей
билан Купала дуэти


dolce e grazioso



Larghetto

2) Кенгроқ

Н. Римский-Корсаков. "Шех Султон
қарид эртақ" операсидан Маллерисанинг
"В девках сиржево" номли ариозоси.



Andante

3) (Осовишта)

Р. Гаккер. "Пренюна",
кжод 31 № 1



4) (Жилланб, жидил)

Э. Грег. "Атиргуллар очилганда"



Ёзма машқлар

1

а) табиий мажор диезли тоналликларининг барча поғоналаридан (оғзаки машқларнинг № 1 б мисолида кўрсатилган тартибда) интерваллар тузинг ва улар ҳосил бўладиган поғоналарни белгиланг.

б) табиий мажор бемолли тоналликларини ҳам худди шу тартибда тузинг.

в) табиий минор диезли тоналликларини ҳам худди шу тартибда тузинг.

г) табиий минор бемолли тоналликларини ҳам худди шу тартибда тузинг.

2

а) табиий мажорнинг барча тоналликларини орт. 4 ва кам. 5 (учтонлик) ечилиши билан ёзинг;

б) гармоник мажорда ҳам худди шу хилда ёзинг;

в) гармоник минорда ҳам худди шу хилда ёзинг.

3

а) гармоник минорнинг барча диезли тоналликларида характерли интерваллар ва уларнинг ечилишини ёзинг;

б) гармоник минор бемолли тоналликларида ҳам худди шу тартибда ёзинг.

4

а) гармоник мажорнинг барча диезли тоналликларида характерли интерваллар ва уларнинг ечилишини ёзинг;

б) гармоник мажор бемолли тоналликларида ҳам худди шу тартибда ёзинг.

5


Ре, ми, фа#, соль, ля, си товушларидан орт. 2, кам. 7, орт. 5 ва кам. 4 ёзинг, шу интерваллар учрайдиган гармоник минор тоналликларини аниқланг ва белгиланг ҳамда уларнинг ечилишларини ёзинг.

6

До, ре, фа, соль, сиb, ля товушларидан орт. 2, кам. 7, орт. 5 ва кам. 4 ёзинг, шу интерваллар учрайдиган гармоник мажор тоналликларини аниқланг ва белгиланг ҳамда уларнинг ечилишларини ёзинг.


7

Қуйидаги интервалларни мумкин бўлган йўллар билан улар учрайдиган мажор ва минор тоналликларида ечинг, тоналликлар ҳамда интервалларни белгиланг.



8

Қуйидаги нотурғун интерваллар учрайдиган мажор ва минор тоналликларини аниқланг ҳамда ечинг, уларнинг тоналликлари ва интервалларини кўрсатиб ёзинг.



Фортепьянода машқлар

1

а) табиий мажор тоналликларининг барча поғоналаридан интерваллар тузинг (чалинг);

б) табиий минор тоналликларининг барча поғоналаридан интерваллар тузинг (чалинг).

2

- а) табиий мажорнинг барча тоналликларида орт. 4 ва кам. 5 ечиб тузинг;
 б) табиий минорнинг барча тоналликларида ҳам тузинг;
 в) гармоник мажорнинг барча тоналликларида ҳам тузинг;
 г) гармоник минорнинг барча тоналликларида ҳам тузинг.

3

- а) гармоник минорнинг барча тоналликларида характерли интерваллар тузилиши ва ечилишини чалинг;
 б) гармоник мажорнинг барча тоналликларида ҳам тузилиши ва ечилишини чалинг.

4

Айрим тоналликларнинг хилма-хил товушларидан тузилиши ва ечилиши мумкин бўлган барча оҳангдош бўлмаган интервалларни чалинг.

5

Айрим тоналликларнинг хилма-хил товушларидан тузилиши ва ечилиши мумкин бўлган барча оҳангдош интервалларни чалинг.

Еттинчи боб

АККОРДЛАР

43-§. АККОРД. УЧТОВУШЛИК. УЧТОВУШЛИКЛАР КЎРИНИШИ.
 ОҲАНГДОШ ВА НООҲАНГДОШ УЧТОВУШЛИКЛАР. УЧТОВУШЛИКЛАР
 АЙЛАНИШИ

Терция бўйича жойлашган ёки жойлашиши мумкин бўлган ҳамда бир вақтда қўшилиб эшитилган уч ва ундан ортиқ товушларга аккорд дейилади.

Учта товушдан иборат терция бўйича жойлашган аккорд учтовушлик дейилади.

Аккорд пастки товушдан юқорига қараб тузилади.

Учтовушликнинг қайси ҳолатда бўлиши шу учтовушлик таркибига кирадиган терцияларнинг жойлашув тартиби ва ҳолатига боғлиқдир.

Қатта ва кичик терциялардан учтовушликнинг тўрт хили ҳосил бўлади.

1. Мажор ёки катта учтовушлик кат. 3 ва кич. 3 дан тузилади ва икки четидаги товушлар соф 5 интервалдан иборат бўлади.

2. Минор ёки кичик учтовушлик кич. 3 ва кат. 3 дан тузилади, икки четидаги товушлар соф 5 интервалдан иборат бўлади.

3. Орттирилган учтовушлик иккита кат. 3 дан тузилади. Икки четидаги товушлар оралиги орт. 5 дан иборат бўлади.

4. Камайтирилган учтовушлик иккита кич. 3 дан тузилади. Икки четидаги товушлар оралиги кам. 5 дан иборат бўлади.

198

Мажор учтовушлиги	Минор учтовушлиги	Камайтирилган учтовушлик	Орттирилган учтовушлик
кич. 3 кат. 3	кат. 3 кич. 3	кич. 3 кам. 5	кат. 3 орт. 5

Мажор ва минор учтовушлигидан ҳосил бўлган барча интерваллар оҳангдош интервалларга киради. Орттирилган ва камайтирилган учтовушликлардан тузилган интерваллар эса нооҳангдош интервалларга киради. Улар орт. 5 ва кам. 5 дан иборат.

Демак, мажор ва минор учтовушликлар оҳангдош бўлади, орттирилган ва камайтирилган учтовушликлар эса нооҳангдош бўлади.

Аккорд товушлари терция бўйича жойлашган бўлса, унга аккорднинг асосий кўриниши дейилади.


Аккорднинг ҳар бир товуши мустақил номга эга. Товушларнинг номлари асосий кўринишдаги аккорднинг пастдан юқорига томон жойлашган товушлари ҳосил қилган интерваллари номидан келиб чиқади.

Учтовушликнинг энг пастки, яъни асосий товуши — прима, иккинчи ёки ўрта товуши — терция, учинчи ёки юқори товуши — квинта деб аталади.

Учтовушликда товушларнинг жойлашуви қуйидаги тартибда, ўзгарса, яъни энг пастки товуши терция ёки квинта бўлса, бу хилдаги тузилма учтовушлик айланмаси дейилади.

Учтовушлик иккита айланмага эга. Биринчисига секстаккорд дейилади, унда прима товуши бир октава юқорига кўчирилади, иккинчи айланмаси кuartсекстаккорд дейилади, бунда прима билан терция бир октава юқорига кўчади.

Секстаккорднинг пастки товуши терция бўлади, кuartсекстаккорднинг пастки товуши эса квинта бўлади:



Секстаккорд олти (6) рақами билан белгиланади, чунки бу аккорд пастки товушни юқорига кўчириш натижасида секста интервалнинг ҳосил бўлиши билан характерлидир. Кuartсекстаккорд олти — тўрт $\frac{6}{4}$ рақамлари билан белгиланади. Аккорд асосий товушдан прима ва терция томон тузилади.

Бирор тоналликда тоника секстаккордини ёки кuartсекстаккордини тузиш учун дастлаб учтовушликнинг асосий кўриниши аниқланади, сўнгра айланишлари қондасига асосланиб, талаб қилинган аккорд изланади.

Масалан: *Ре мажорда* секстаккорд тузиш талаб қилинса, қуйидагича бўлади:



ёки *си минорда* кuartсекстаккорд тузиш талаб қилинса, қуйидагича бўлади:




Мажор ёки минор учтовушликларининг айланишларини исалган товушдан тузиш ва уларнинг тоналликларини аниқлаш учун қуйидагиларни билиш лозим: 1) аккорднинг қўшни товушлари орасида қайси хилдаги интерваллар ҳосил бўлишини билиш ва 2) секстаккордда юқори товуши прима эканлигини, кuartсекстаккордда эса ўрта товуш прималигини билиш талаб қилинади.

Қуйида мажор ва минор учтовушликлари айланишининг интервал тузилишига онд жадвал тартиби келтирилган:

мажор секстаккорди кич. 3+соф 4;
минор секстаккорди кат. 3+соф 4;
мажор кuartсекстаккорди соф 4+кат. 3;
минор кuartсекстаккорди соф 4+кич. 3.

Мажор ва минор учтовушликлари айланишининг интервал тузилишини ва улардаги асосий товушлар кўринишини билганда, керак бўлган аккордни тузиш жуда осон бўлади.

Масалан: *Ре* товушидан мажор секстаккорди тузиш талаб қилинса:



си-бемоль мажор секстаккорди ҳосил бўлади.

Ре товушидан минор секстаккорди тузиш талаб қилинса:



соль минор кuartсекстаккорд ҳосил бўлади ва ҳоказо.

44-§. МАЖОР ВА МИНОРНИНГ АСОСИЙ УЧТОВУШЛИКЛАРИ. АСОСИЙ УЧТОВУШЛИКЛАРНИНГ ҚУШИЛИШИ


Мажор ва минорнинг барча поғоналаридан учтовушликлар тузиш мумкин. Табiiй (натурал) мажор поғоналаридан учтовушлик тузилганда улардан учтаси мажор (асосий поғоналарда) эканлигини кўрамиз. Булар I, IV ва V поғоналардаги учтовушликлардир. Ҳар бир учтовушлик (тузилган поғонасига қараб) мустақил номга эга бўлади.

I поғона учтовушлиги — тоника учтовушлиги дейилади.

IV поғона учтовушлиги — субдоминанта учтовушлиги дейилади.

V поғона учтовушлиги — доминанта учтовушлиги дейилади.

Булар мажор учтовушликлари бўлганлиги сабабли мажор лади учун жуда характерлидир. Бу учтовушликлар бошқа кўринишдаги учтовушликларга қараганда лад функцияларини (яъни турғун ва нотурғун товушлар муносабатини) кўпроқ ифодалайди. Шунинг учун ҳам улар асосий учтовушликлар деб аталади ва асосий поғоналар сингари катта T, S, D ҳарфлари билан белгиланади.



Ладнинг барча товушлари асосий учтовушликлар таркибига киради. Асосий учтовушликларнинг роли ҳамда гармоник функцияси ладнинг аҳамияти, улар составида қандай товушлар (поғоналар) бўлишига боғлиқдир.

Табиий (натурал) минорнинг барча поғоналаридан учтовушликлар тузганимизда, уларнинг асосий учтовушликлари, мажордагига қарама-қарши ўлароқ, минор учтовушликлар эканлигини кўрамиз. Булар ҳам мажорнинг асосий учтовушликлари сингари белгиланади, лекин кичик ҳарфлар билан ёзилади: t, s, d:

204 ля минор a-moll

I IV V

Гармоник кўринишдаги мажор ва минорда асосий учтовушликларнинг тузилиши табиий мажор ва минордагидан фарқ қилади. Мажорнинг VI поғонаси пасайтирилганда минор субдоминанта учтовушлиги ҳосил бўлади ва гармоник мажорни янада майин эшитилишига ёрдам қилади. Минорнинг VII поғонаси кўтарилганда мажор доминанта учтовушлиги ҳосил бўлади. Бу эса минорга мажор ладнинг баъзи хусусиятларини киритади:

205 C-dur гармоник a-moll гармоник

I IV V I IV V

Асосий учтовушликлар ладнинг гармоник негизи бўлганлиги учун музикада кенг қўлланилади. Шунинг учун уларнинг оддий қўшилмаларини билиш талаб қилинади.

Аккордлар қўшилиши деб улардаги товушларнинг бири-кетини ва равои ҳаракатига (товушлар йўналмасига) айтади.

Бир неча аккорднинг бири-кетини ҳаракати гармоник оборот (айланма) дейлади.

Қуйида оддий учтовушликлар қўшилиши ва айланмасига мисоллар келтирилган:

205 а) C-dur T-D-T

I V6 I 16 V6 16 16 4 V 16 4

б) C-dur T-S-T

I IV6 4 I 16 IV 16 16 4 IV6 16 4

а) a-moll t-D-t

I V6 4 I 16 V6 4 16 16 4 V 16 4

г) a-moll t-s-t

I IV6 4 I 16 IV 16 16 4 IV6 16 4

в) C-dur T-S-D-T

I IV6 4 V6 I 16 IV V6 4 16 16 4 IV6 V 16 4

е) a-moll t-s D-t

I IV6 4 V6 I 16 IV V6 4 16 16 4 IV V 16 4

45-§. МАЖОР ВА МИНОРНИНГ ЁНДОШ УЧТОВУШЛИКЛАРИ. ТАБИЙ (НАТУРАЛ) ВА ГАРМОНИК МАЖОР ҲАМДА МИНОР ПОҒОНАЛАРИДАН ТУЗИЛГАН УЧТОВУШЛИКЛАР

Асосий учтовушлик поғоналаридан (II, III, VI, VII поғоналари) ташқари барча поғоналар ёндош поғоналар дейлади. Улар ладнинг асосий учтовушликларига нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эгадир.

Табиий мажорда учта минорли ва битта камайтирилган учтовушлик ёндош учтовушлик бўлади (VII поғонада).

Табиий минорда учта мажорли ва битта камайтирилган учтовушлик ёндош учтовушлик бўлади (II поғона).

Гармоник мажорда III поғонада — битта минорли, II ва VII поғоналарда — иккита камайтирилган ва VI поғонада — битта орттирилган учтовушлик ҳосил бўлади.

Гармоник минорда: VI поғонада — битта мажорли, II ва VII поғоналарда — иккита камайтирилган ва III поғонада — битта орттирилган учтовушлик ҳосил бўлади.

Қуйида мажор ва минорнинг табиий ҳамда гармоник кўринишига эга бўлган ёндош учтовушликларнинг тузилиши кўрсатилган.

206 а) C—dur табиий гармоник

б) a—moll табиий гармоник

Шундай қилиб, учтовушликлар сопи қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Табиий мажор ёки минорда — учта мажорли, учта минорли ва битта камайтирилган учтовушлик бўлади.
2. Гармоник мажор ёки минорда — иккита мажорли, иккита минорли, иккита камайтирилган ва битта орттирилган учтовушлик бўлади. Орттирилган учтовушлик тоника аккордига ечилади. Бу учтовушлик таркибдаги иккита турғун товуш, тоника учтовушлиги товушлари билан бир хилда бўлганлиги учун ўз ўрнида қолади, учинчи нотурғун товуш эса турғун товушга ўтади. Мажорда пасайтирилган VI поғона кичик секунда пастга ҳаракатланиб, V поғонага ўтади, минорнинг VII поғонаси эса кичик секунда юқорига ҳаракат қилади ва I поғонага ўтади.

Масала:

а) C—dur a—moll

Демак, орттирилган учтовушликлар мажорда тоника квартсектаккордига, минорда эса тоника сектаккордига ўтар экан.

Камайтирилган учтовушлик фақатгина гармоник сектаккорд шаклида қўлланилади.

Табиий мажор ва гармоник минорнинг терция бўйича жойлашган барча учтовушликлар (умумий товушлари бўлганлиги учун) учта функционал группа ҳосил қилади:

а) C—dur

б) a—moll

VI ва III поғона учтовушликлари асосий учтовушликлар оралиғида бўлганлиги учун функционал иккиланиш хусусиятига эгадир.

46-§. СЕПТАККОРД. ДОМИНАНТСЕПТАККОРД ВА УНИНГ АЙЛАНМАЛАРИ. ДОМИНАНТСЕПТАККОРД ВА АЙЛАНМАЛАРИНИНГ ЕЧИЛИШИ

Терция асосида жойлашган тўрт товушли аккордга септаккорд дейилади. Септаккорднинг икки четидаги товушлар оралиғи септима интервалида бўлади. Шунинг учун ҳам бу аккорд септаккорд номини олган.

Музыкада септаккорд хилма-хил қўрилишларда қўлланилади. Мажор ва гармоник минорнинг V поғонасидан тузилган септаккорд энг кўп тарқалган септаккордга киради. Бу аккорд доминантсептаккорд дейилади. Доминантсептаккорд юқори томондан кичик терция қўшилган мажор учтовушлигидан (кат. 3+ кич. 3+ кич. 3) тузилади. Доминантсептаккорд товушлари асосий товушдан бошлаб саналганда: прима (аккорднинг негизи), терция, квинта ва септима (аккорд чўққиси)лардан иборат.

Доминантсептаккорд қуйидаги белги билан ёзилади:— V₇.

207 C—dur a—moll

Доминантсептаккорд учта айланмага эга, булардан биринчи айланма — квинтсектаккорд $\frac{6}{5}$. Иккинчи айланма — терцкварт-аккорд $\frac{4}{3}$ ва учинчи айланма — секундакорд (2) дейилади.

Доминантсептаккорд айланмаларининг номи, аккорднинг энг пастки товуши — негиздан чўққисига қараб тузиладиган товушлар интервалларига асосланади:

208 C—dur

Бирор тоналикдан ёки товушдан доминантсептаккорд ёки айланмаларини тузиш учун дастлаб, аккорд ташкил қилувчи интервалларнинг жойланиши ва тузиладиган поғоналарнинг келиш тартибини билиш зарур.

- V₇ — кат. 3 + кич. 3 + кич. 3; V поғонада
- V_{6/5} — кич. 3 + кич. 3 + кат. 2; VII поғонада
- V_{4/3} — кич. 3 + кич. 2 + кат. 3; II поғонада
- V₂ — кат. 2 + кат. 3 + кич. 3; IV поғонада
Куйнинг энг юқори нуқтаси ёки минтақаси (динамик ҳаракатнинг энг зўрайган пайтига мос келса) кульминация (авж) дейилади.

Куй ҳаракати шаклларига мисоллар:

- а) Горизонтал ҳаракат:

279 Рус халқ қўшиғи "Лопушки"

ва х.к.

- б) Секин-аста кўтарилувчан ҳаракат: аралаш ва тўлқинсимон қуйилашувчи ҳаракат:

280 В. Моцарт. "Енгил вариациялар"

- в) Сакрама ҳаракат:

Allegro moderato
(Ўргача тешикла)

281 П. Чайковский. "Тройкале", ижод 376/376 11

Moderato

282 (Ўргача) И. С. Бах. "Менуэт"

- г) Секвенция:

Allegretto

283 (Жаннатиб) Н. Мясковский. "Қалъани устубла" (фуга), ижод 43, № 2

- д) Кульминация:

Con sprito

284 (Ташқини) И. С. Бах. Икки овозли илловизи, № 9

Балаидлик жиҳатдан фарқ қиладиган товушлар оралиги куй ҳаракатининг диапозони дейилади.

Егтинчи бобда аккорд бўйича йўналган куйнинг кўп учраб туриши ҳақида айтилган эди. Равон ҳаракат вақтида аккорд бўйича жойлашган товушлар оралиги аккорд таркибига қирмайдиган товушлар билан тўлдирилади ва бу хилдаги товушлар ўтувчи товушлар дейилади. Утувчи товушлар диатоник ҳолда ҳам, хроматик ҳолда ҳам учрайди.

Масалан:

285 Украина халқ қўшиғи "Ой, за гасм, гасм"

Con moto

286 (Жонли) Э. Григ. "Поэтик мансара", № 3

Аккорд таркибидаги товушлардан секунда юқори ёки пастда жойлашган ва ҳаракат вақтида яна аккорд товушига қайтувчи товушлар ёрдамчи товушлар дейилади.

Ёрдамчи товушлар диатоник ва хроматик ҳолда учрайди ва диатоник ҳамда хроматик поғона билан ёнма-ён жойлашади.

Масалан:

287

Сме- по- то- ва- ри- ши, е- но- гу, ду- хом о- кред- нем в боря- бо

60-§. ҚУЙНИНГ ТАРКИБЛАРИГА БЎЛИНИШИ (МУЗИКА СИНТАКСИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА). ТУЗИЛМА. ЦЕЗУРА. ДАВРИЯ. ЖУМЛА. КАДЕНЦИЯ. ИБОРА. МОТИВ.

Куй нутқ каби тишимсиз давом этавермай, таркибларга бўлинади. Куй ёки музикавий асарнинг таркиблари тузилма дейилади; уларнинг чўзими ҳам турлича бўлади. Тузилмалар чегараси оралиғига цезура дейилади. Цезура v белгиси билан ёзилади. Бу белги, одатда, дарсликларда қўлланилади.

Тузилмалар музикавий фикрнинг тугалланиш даражаси билан бир-биридан фарқ қилади. Тугалланган музикавий фикрни ифодаловчи музикавий тузилмага даврия дейилади. Оддий даврия саккиз тактдан иборат бўлади.

Даврия икки қисмга бўлинади, улар жумла дейилади (288- мисолга қаранг).

Музикавий тузилманинг тугалланишига каденция дейилади.

Куйда каденция икки ва ундан ортиқ товушларнинг бириктеги тугалланиши билан ифодаланади. Бу товушлар тузилмани турғун ёки нотурғун ҳолда тугалланишга олиб келади (бешинчи боб, 33- параграфга қаранг). Шунинг учун каденция куйдаги кўринишларда учрайди:

1) Тўлиқ ўрнашган каденция — куйда тоника учтовушлигининг прима товуши билан тугайди.

2) Тўлиқ ўрнашмаган каденция — тоника учтовушлигининг терция ёки квинта товуши билан тугайди.

3) Ярим каденция — нотурғун товуш билан тугайди. Бундан ташқари, доминанта учтовушлигининг ёки доминантаккорд примаси бўлган V поғона билан ҳам тугаши мумкин.

Давриянинг биринчи жумласи ярим каденция ёки тўлиқ ўрнашмаган каденция билан тугалланади ва у тугалланмаган асар таассуротини қолдиради. Давриянинг иккинчи жумласи эса доим тўлиқ ўрнашган каденция билан тугайди.

Агар даврия ўзининг дастлабки тоналлиги билан тугаса, ягона тоналлик дейилади.

Масалан:

Allegretto

288 (Жонланиб)

В. Ф. Бях. "Баҳор"

Давриянинг тугалланиш вақтида модуляция ҳосил бўлса, модуляцияли даврия дейилади (289-а мисолга қаранг).

Жумла ибора деб аталадиган иккита кичик тузилмага бўлинади. Музиқада шундай жумлалар учрайдики, уларда иборалар цезура билан ажралган бўлади, яна бошқа жумлалар учрайдики, уларда иборалар бутун бир куйга уланиб кетади.

Масалан:

289 а)

П. И. Чайковский, 3-симфония, 3-қисм

б) (Уччилик секирилатмай)

Р. Шуман, ижод 68, №26

Икки тактли ибора бир бутун тузилмадан иборат бўлади ёки бир тактли мотивларга ажраб кетади. Битта асосий метрик зарбни ўз ичига олган тузилма мотив дейилади. Мотивнинг кучсиз даври бир ёки бир неча товушлар билан ифодаланиши мумкин. Мотивнинг бошланиши ёки тугалланиши биргина такт чегараларида бўлиши шарт эмас, у такт олдидан бошланиши ва навбатдаги тактнинг ярмида тугалланиши ҳам мумкин. Бир тактдан кичик бўлган мотивлар ҳам учрайди (274, 280, 281, 293- мисоллар мотивларда берилган).

61-§ ДИНАМИК ОТТЕНКАЛАР ВА УЛАРНИНГ КУЙ РИВОЖИ БИЛАН АЛОҚАСИ, ДИНАМИК ОТТЕНКАЛАРНИНГ ЕЗИЛИШИ ВА АТАЛИШИ

Куй ҳаракати эшитилиш кучи даражасининг ўзгаришига боғлиқдир. Музиқада эшитилиш кучининг турли даражалари динамик оттенкалар дейилади. Улар ниҳоят катта ифода кучига эга. Масалан, куйнинг кўтарилувчи ҳаракати эшитилиш кучини зўрайтириб боради, қуйлашувчи ҳаракати эса эшитилишнинг пайинишига олиб келади.

Музиқа асарларининг мазмуни динамиканинг умумий даражасини ҳам ифодалайди, масалан, «алла» секин (piano) ижро этилади, чунки бу хилдаги музикани кучли товуш билан айтиб бўлмайди; тантанали, ғалаба марши кучли (forte) эшитилмоғи керак, буларни паст ижро этиб бўлмайди.

Динамик оттенкаларнинг хилма-хиллигини мавжуд иборалар (терминлар) билан аниқ ифодалаш мумкин эмас, албатта.

Чолғу асбоблари (фортепьяно, скрипка, виолончель сингари асбоблар) ва инсон овози яқка ижрочига динамик оттенкаларда моҳирлик билан фойдаланиб, ранг-баранг музикавий образларни яратиш имконини беради. Бу жиҳатдан оркестр билан хорнинг имконияти ҳам катта.

Музиқада одатда қўлланиладиган динамик иборалар:

а) Муттасил кучлилиқ даражаси:

fortissimo — <i>ff</i>	жуда кучли
forte — <i>f</i>	кучли
mezzo forte — <i>mf</i>	ўртача кучли
pianissimo — <i>pp</i>	жуда паст
piano — <i>p</i>	паст
mezzo piano — <i>mp</i>	ўртача паст

маши, кучли, паст, кучли

б) Муттасил ўзгарувчи кучлилиқ:

crescendo ёки $\text{<img alt='crescendo symbol' data-bbox='142 685 210 695' style='vertical-align: middle; height: 1em; width: 60px; border: none; border-bottom: 1px solid black; border-left: 1px solid black; border-right: 1px solid black; margin-right: 5px;}'$	кучайтириш белгиси
poco a poco crescendo	секин-аста кучайтириб
diminuendo ёки $\text{<img alt='diminuendo symbol' data-bbox='142 715 210 725' style='vertical-align: middle; height: 1em; width: 60px; border: none; border-bottom: 1px solid black; border-left: 1px solid black; border-right: 1px solid black; margin-right: 5px;}'$	пасая бориш белгиси
poco a poco diminuendo	секин-аста пасайиш
smorzando	тина бошлаш
morendo	тина бошлаш

в) Кучлилиқ даражасини ўзгартириш учун:

piu forte,	яна кучли
meno forte,	сал кучли
sforzando — <i>sf</i>	айрим товушларнинг кескин зарби.

62-§ КУЙДАГИ АЙРИМ ЭЛЕМЕНТЛАР МУНОСАБАТИНИНГ МИСОЛЛАРДА КЎРИНИШИ

Олдинги бобларда музикани ташкил қилалган айрим элементлар ва куйни ривожлантиришда уларнинг аҳамияти устида тўхталиб ўтилган эди. Мазкур дарсликнинг кириш қисмида айтилганидек, ҳар бир элемент музика баёниининг бошқа воситалари билан муносабатда бўлгандагина унинг ифода кучи сезилади; шунинг учун, музика тили элементларини ўрганиш процессида уларнинг ўзаро муносабатларини конкрет мисолларда кўриш мақсадга мувофиқдир.

Товушларнинг баландлик ўлчови ва давр ўлчови муносабатлари куйнинг тузилиши, характери ва ривожланишини ифодаловчи асосий элементлари ҳисобланади.

Музиқада, хусусан куйда, асос солувчи ва шакллантирувчи асосий нарса — ритм эканлиги дарсликнинг учинчи бобида кўрсатиб ўтилган эди. Қуйдаги куйлар мана шу айтилганларга қўшимча мисол тарзида келтирилади:

290 Moderato espressivo (Ўртача, таъсирчан) А.Новиков. «Жаҳон демократик ёшлари гимни»

«Жаҳон демократик ёшлари гимни»га асос бўлган қўшиқнинг куйи, мазмуни аниқ ва ёрқин ифодаланган: унинг эҳтиётлик ва ҳушёрлик, аниқ мақсад, мустаҳкам ирода, тинчлик учун курашишга доим тайёр туришлиқ ғояси билан сугорилганлиги сезилиб туради.


Бунга қандай воситалар билан эришилган?

Марш характеридаги тўрт ҳиссали аниқ ва кескин усулнинг штрихи (чоракликларнинг текислигини таъкидлаш) билан қўшилиши натижасида дадил қадам ташлаб кетаётганлик таассуроти туғдиради. Биринчи қисмдаги ҳар бир жумла бошида тенг чорак ритмининг тўрт марта такрорланиши, шунингдек, овознинг аста-секин юқорилашуви ва кучая бориши куйга қатъийлик характери беради. 1-ад нақаротда (си — бемоль минор — Си-бемоль мажор) алмашганидан кейин, кайфият снгиллаша бошлайди, қатъийлик кайфияти нақаротнинг охирги тактларида эшитиладиган дадиллик кайфияти билан алмашади. Булар, куйда бир текис чорак зарбларнинг авждаи — иккинчи октаванинг ми-бемоль товушидан (нақаротнинг II-тактига қараи) гамма бўйлаб қуйилаша бориши билан ифодаланган.

Куйидаги куй жўшқин таассуроти ифодалайди:


Allegro con spirito
291 (Тас. Тазсирла)

П. Чайковский, "Баҳор"
(*Майсалар кўкармоқда...)



mf rit. a tempo meno mosso

Бу куйнинг образлиги тез суръатнинг куй ҳаракатининг изчил юқорилашуви, ритмининг равон қайтарилиб туриши билан бирлашуви ва эшитилишининг кучайиши натижасида юзага келади:

a) 


Умуман бу куй кишида баҳор бошланиши ва ҳаво исши билан пайдо бўлган хурсандлик ҳиссиётини тасвирлайди.

Куйдаги товушлар наст-баландлигининг ўзоро муносабати табиий қонунга бўйсуниб, юқори томон ҳаракат жиддий кайфиятни акс эттирса, куйи томон ҳаракат жиддий кайфиятнинг пасайишини акс эттиради.

Масалан:

Adagio
292 (Осир)

Украин халқ куйи "Днепр"
(Днепр)




202

Бир текисда, равон эшитиладиган бу куйда Днепр дарёсининг потинч пайтлари тасвирланган. Куй темпининг ниҳоят вазмин бўлишига қарамай, у кенг табиат манзараларини ишончли қилиб акс эттиради. Куй дастлаб октава оралигида учтовушликлар бўйлаб кескин кўтарилади, сўнгра равон ҳаракат билан пастга томон йўналди. Бу хилдаги тўлқинсимон ҳаракат куйнинг ҳамма қисмлари учун характерлидир. Иккинчи ибора биринчи иборага нисбатан секинроқ бўлса ҳам, лекин кескин кўтарилади, сўнгра поғоша-ма-поғоша ўз тоникасига қайтади.

Куйнинг иккинчи қисми децима интервали оралигида янада кескинроқ кўтарилиш (квинта ва кварта интервалларига сакраш йўли билан) бошланади. Равон ва осойишта характерда пастга тушади, тўртинчи ибора ҳам иккинчи иборадаги тўлқинсимон ҳаракатларни қисман такрорлайди.

Шунга ҳам эътибор бериш керакки, куйнинг барча кўтарилувчи ҳолатлари ягона ритмик кетма-кетлик билан ифодаланган:

292 a) 

Мазкур куйнинг динамикаси куй ҳаракати йўналмаларига бутунлай бўйсундирилган ва у билан узвий боғланган. Бунда ҳам юқорида кўрсатилган куйлардек кескин кайфиятга авжнинг энг баланд товушларида эришилади.

Куйидаги куй мазмуни куйдаги товушлар баландлиги, ритм ва динамика муносабатларининг тенглашиши натижасида юзага келади:


Moderato
293 (Ўргач)

П. Чайковский, "Сладкий гресол"
"Ширин хал", нисод 39, № 21



con molto affetto poco piu cresc. f p

Дастлаб, аниқ ўлчовли ибора (икки тактликлар) ва такрорланиб турадиган ритм йўлини пайқаб олиш зарур:

293 a) 

203

Дастлабки икки иборадаги мелодик оборот — тузилма охиридаги квинтанинг пастга сакраши — савол тариқасида эшитилиб, ҳаракатнинг давом эттирилишини талаб қилади. Кейинги икки иборада сакрашдан сўнгги поғонама-поғона ҳаракат ва динамиканинг кучайиши осойишталик кайфиятини юзага келтиради; бу кайфиятга куйнинг қуйилашувчи умумий ҳаракати маълум даражада таъсир этади. Иккинчи қисмда куй диапазони la^2 товушига қўтарилиб, янада кенгайди, куй нотекис ҳаракат билан пастга, тошикага томон йўналади. Айрим ибораларнинг товуш баландлиги ва ритмик тузилмалари хилма-хил динамика билан қўшилгандан кейин, бутун куйга табиий ифода кучини беради.

М. Глинканинг «Тўрғай» («Жаворонок») машҳур романси авжида келадиган модуляция куйнинг ифода кучини янада янгра-тиш учун ишлатилган:

Moderato
2/4 (Ўртача)

М. Глинка. «Тўрғай»

p semplice e molto con anima

sf

a piena voce *p*

Такрорлаш учун саволлар

1. Куй деб нимага айтилади?
2. Музикада куйнинг аҳамияти қандай бўлади?
3. Куй ҳаракатининг шакллари нимадан тузилади?
4. Куй ҳаракати йўналмалари ва асосий шакллари қандай бўлади? Уларни бирма-бир айтиб беринг.
5. Секвенция нима?
6. Куйнинг энг юқори нуқтаси нима дейилади?
7. Куй товушлари баландлиги оралигига нима дейилади? *Диалог*
8. Куйдаги аккорд товушлари оралигини тўлдирувчи товуш нима деб аталади?
9. Қандай товушларга ёрдамчи товушлар деб аталади?
10. Музикавий тузилманинг айрим таркиблари ўртасидаги тўхталиш нима дейилади?
11. Музикавий тузилманинг қайси кўриниши даврия дейилади?
12. Музикавий жумла нима?
13. Музикавий тузилманинг тугалланиш қисми қандай аталади?
14. Каденция турларини ва уларнинг ҳар бирининг хусусиятини айтиб беринг.
15. Даврия учун қайси кўринишдаги каденция характерли?
16. Қандай даврия якка тонлик дейилади?
17. Қандай даврияга модуляция қилинган даврия дейилади?
18. Музикавий жумлаларнинг бўлиниши натижасида ҳосил бўлган тузилмалар нима деб аталади?
19. Музиканинг хилма-хил баландлик даражаси нима дейилади?
20. Муттасил баландлик даражаси, алмашинувчи баландлик даражаси ва сскин-аста ўзгарувчан динамик оттенкаларни айтиб беринг.

Машқлар

Оғзаки машқлар

1

Қуйдаги куйларнинг шакли ва ҳаракат йўналмаларини аниқланг. Куй ҳаракатининг авжи, диапазони, ўтувчи ва ёрдамчи товушларни аниқланг.

Andante cantabile
(Осоёшга, оҳангдор)

Л. И. Чайковский. «Беркарола»,
ижод 371/2 № 6

1

Allegro moderato
2 (Ўртача тезлик)

Э. Григ. Фортепьяно сонатасидаги тема, ижод 7

Vivo
(Жонли)

3 И. Гайда. "Пьеса"

Moderato
(Ўртача)

4 В. А. Моцарт. "Рақс"

5 Н. А. Римский-Корсаков. "Шаҳризода"

2

Қуйидаги қуйларда ягона тоналлик ва модуляцияли давриялар ҳамда жумла, ибора, мотив каденцияларни аниқланг.

1 (Особийшта тантанали)

М. Глинка. "Шимол қадўзи"

Allegro ma non troppo!
(Учча тез эмас)

2 Л. Бетховен. Скрипка учун концерт, ижод 61, 1-қисм

3 **Andante**
(Особийшта)

Ф. Мендельсон. "Сўзсиз қўшиқ", № 48

Allegro cantabile
(Тез, оҳангдор)

4 Л. Бетховен. Сонатина, № 1
As—dur 1-қисм

Allegro
(Тез)

5 Л. Бетховен. Скрипка учун концерт, ижод 61, 3-қисм

Adagio
(Оғир)

6 Л. Бетховен. Соната № 1, ижод 2, 2-қисм

7 Allegretto
(Жопаниб)

Л. Бетховен, Соната № 2, ижод 2
(скерцо)



Ун учинчи боб

МУЗИКА БЕЗАКЛАРИ. ИЖРОЧИЛИК УСЛУБИНИНГ АЙРИМ БЕЛГИЛАРИ

63-§. МУЗИКА БЕЗАКЛАРИ: ФОРШЛАГ, МОРДЕНТ, ГРУППЕТТО, ТРЕЛЬ

Куйнинг асосий товушлариши безатувчи айрим оҳангдор фигураларга музика безаклари дейилади. Музика безаклари ўлчови ўзларидан олдин келадиган чўзимлар ёки безатувчи товуш чўзимига тенг келади, шунинг учун уларнинг ўлчов ҳиссалари мазкур тактнинг асосий ҳиссалари йиғиндисига қўшилмайди.

Музика безаклариши асосий товушдан секунда оралигида жойлашадиган ёрдамчи товушлар ҳосил қилади.

Улар нота ёзувида махсус белгилар ёки кичик шрифтли ноталар билан кўрсатилади.

Музикада қуйидаги музика безаклари қўлланилади: форшлаг, мордент, группетто, трель.

Форшлаг икки ҳилда учрайди: узун ва қисқа форшлаг.

Қисқа форшлаг бир ёки бир неча товушдан тузилиб, ёнма-ён жойлашган товуш чўзими ҳисобидан жуда қисқа ижро этилади. Бир товушдан тузилган қисқа форшлаг, ўртасидан чизилган саккизталиқ нота кўринишида ёзилади. Бир неча товушдан иборат қисқа форшлаг қовурғачалар билан бирлаштирилган ўн-олтиталиклар билан белгиланади.

Масалан:

205 Allegro moderato
(Ўртача тезликда)

Ф. Шуберт. "Музикали лаҳза",
ижод 94, №3



Узун форшлаг бир товуш ёрдами билан ёнма-ён турган товуш чўзими ўлчовида ижро этилади.

Узун форшлагни ифодаловчи кичик нота белгиси асосий товуш чўзимининг ярмига тенг келадиган ўлчовда ёзилади ва ижро этилади. Узун форшлагни ифодаловчи нота белгиси ўртасидан чизилмайди.

Масалан:

296 ёзилган
ижро этилиши

В. Моцарт. "Вальс"

Енига нуқта қўйилган нота ёнида келадиган форшлаг шу нота-
нинг учдан икки ҳиссасига барабар бўлади.

Масалан:

297 ёзилган ижро этилиши

Биринчи белги оддий мордент бўлиб, ёрдамчи товуш асосий товушнинг юқори томондан олинishi кераклигини билдиради.

Масалан:

298 ёзилган ижро этилиши ёзилган ижро этилиши

Иккинчиси чизиқли мордент бўлиб, ёрдамчи товуш асосий товушнинг остки томондан олинishi кераклигини билдиради.

Масалан:

299 ёзилган ижро этилиши ёзилган ижро этилиши

300 Allegro non troppo

(Тездатмасдан)

И. С. Бах. Икки овозли инвенция, № 15

Allegro.

301 (Тез)

И. С. Бах. Икки овозли инвенция, № 7.

Группетто тўрт ёки беш товушдан иборат куй тузилмаси шаклида бўлади.

Баъзида ундаги товушлар қуйидагича жойлашини ҳам мумкин: юқорида ёрдамчи товуш, асосий товуш, қуйи ёрдамчи товуш ва яна асосий товуш.

Айрим вақтларда группетто асосий товуш билан бошланади ва юқорида кўрсатилган тузилма билан тугайди.

Группетто белгиси нота устида ёки оралиғида қўйилади. Унинг ижро этилиши белгининг қайси хилда қўйилишига боғлиқ бўлади. Группетто белгисининг остида ёки устида қўйилган хроматик белги ёрдамчи товушнинг альтерация қилиниши кераклигини билдиради. Группетто ∞ белгиси билан кўрсатилади.

Группетто мисоллари:

Andante

302 (Осолишта)

Л. Бетховен Соната, ноп 49, № 1 1-қисм

dolce

1) ижро этилиши 2) ижро этилиши

Бир текисда равои алмашиб турадиган иккита (асосий ва ёрдамчи) товушдан тузилган куй фигураси трель деб аталади.

Трель қайси товуш ўрнида ижро этилса, ўша товуш чўзимига тенг бўлади ва у tr ёки tr ишораси билан белгиланади.

Трель белгиси нота устидан қўйилади.
У хилма-хил услубларда ижро этилиши мумкин:
а) устки ёрдамчи товуш билан бошланганда:

Andante grazioso
303 (Осийишта, жилвалор)
В. Моцарт. Сонатина В-дур 1-қисм

ижро этилиши

Асосий товушлардан кейин қўйилган кичик ноталар трелнинг куйи ёрдамчи товуш билан тугалланиши кераклигини билдиради:
б) остки ёрдамчи товуш билан бошланганда:

Allegretto grazioso
304 (Жопи, жилвалор)
В. Моцарт. Сонатина, №13, 3-қисм

ижро этилиши

в) асосий товуш билан бошланганда трелни бундай ижро этиш кейинги давр музыкасида ҳам ҳозирги замон музыкасида ҳам ишлатилган:

305
В. Моцарт. Сонатина, №1, Рондо

ижро этилиши

64-§. ИЖРОЧИЛИК УСЛУБИНИНГ АЙРИМ БЕЛГИЛАРИ

Иккинчи бобда кўрсатилган нота белгиларидан ташқари яна бошқа хил белгилар ҳам борки, улар одатда ижрочилик услубини кўрсатишда қўлланади.

Буларга: легато, стаккато, портаменто ва арпеджиатолар киради.

Легато услуби қуйидаги товушларни бир-бирига боғлаган ҳолда ижро этилишини билдиради ва боғланадиган товушлар ёй-

симон чизиқ билан бирлаштирилади. Легато белгиси боғланма ижро этиладиган нота белгисининг устидан ёки остида қўйилади. Масалан:

Moderato
306 (Ургач)

М. Глинка. "Тўрғай"

Меж-ду не-бом и зем-лей пе-сим ро-ла-ет-ся...

Легато белгисини товушлар чўзимини узайтирувчи лига белгиси билан аралаштирмаслик керак (12-§ га қаралсин).

Стаккато услуби куй товушларини, аккордларни қисқа-қисқа ва чертиб ижро этиш кераклигини ифодалайди. Стаккато услуби нота доирачалари устида ёки остида қўйиладиган нуқталар билан кўрсатилади.

Масалан:

Allegro
307 (Тоз)

Р. Шуман. "Жасур баяндоғ", опус 68

Портаменто ёки глиссандо услуби хроматик гамма (фортепьянода днаторик гамма) бўйлаб пастга ёки юқорига томон сирганиш кераклигини билдиради. Бунда бир-биридан кенг интервалда жойлашган икки товуш оралиги тўлдирилади.

Портаменто кўпинча ашула (вокал) ижрочилиги учун, глиссандо эса чолғу музыкаси ижрочилиги учун хосдир.

Портаменто белгиси тўлдирилиши лозим бўладиган икки нота ни бирлаштирувчи тўлқинсимон чизиқдан иборат бўлади.

Масалан:

308

Бундан ташқари, портаменто белгиси фортепьяно ижрочилигида бошқа аҳамиятга ҳам эгадир. Бунда у айрим товушлар ёки аккордларни (айниқса такрорланувчи аккордларни) бирлаштириб чалинадиган «нон легато» ва стаккато белгилари қўшилишини билдиради ва қуйидагича ёзилади:

Масалан:

308a)

Andante
309 (Осойишта)

Р. Глиэр. "Прелюдие", нима 31




Арпеджиато услуби аккордларни алоҳида-алоҳида олиш кераклигини билдиради, бунда аккорд тузувчи товушлар тез ҳаракат билан пастдан юқорига қараб чалинади.

Арпеджиато чўзими чалинадиган аккорд чўзимига тенг бўлади. Арпеджиато белгиси чалиниши лозим бўлган аккорд олдида қўйиладиган тўлқинсимон вертикал чизиқдан иборат бўлади. Масалан:

Andantino

310 (Ҳаракатчан)

П. Чайковский. "Ойдин кечалар",
нима 3781s № 5




Арпеджиато баъзида кичик ноталар билан ҳам ёзилади:

Andante

311 (Осойишта)

А. Бородин. "Грезы"



Такрорлаш учун саволлар

1. Музыка безаклари нима?
2. Музыка безаклари қандай ҳосил бўлади?
3. Музыкада музыка безакларининг қайси шакллари қўлланилади? Музыка безакларининг турларини айтиб беринг.
4. а) Легато услубининг чалиниши қандай бўлади ва у нота ёзувида қандай белгиланади?
б) Стаккато услуби-чи?
в) Портаменто услуби-чи?
г) Арпеджиато услуби-чи?

Машқлар

Фортепьянода машқлар

Музыкага оид педагогика адабиётидан музыка безакларининг барча турларига мисоллар топинг, уларнинг ижро этилиш услуби билан танишинг ва фортепьянода чалинг.

МУЗИКАВИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

(Дарслик текстига кирмаган терминлар)

А

- A cappella**¹ — а капелла; музыка чолгу асбоблари жўрисиз куйлаш ва шу услубда ижро этиладиган хор асари; бундай асарларни ижро этувчи коллектив хор капелласи дейилади.
- Accolade** — (французча — кейинчалик фр.) — акколада; нота йўллариини бириктирувчи махсус (катта) ҳавс.
- Accordo** — аккорд; уч ва ундан ортиқ товушларнинг садоси.
- Affettuoso** — нафосатли, музыка ижрочилиги кўрсаткичи.
- Agitato** — ҳалжонли; музыка ижрочилиги кўрсаткичи.
- Alla marcia** — маршсимон.
- Allegro ma non troppo** — тез, лекин ўнчалик эмас.
- Allegro rigoluto** — тез, дадил.
- Alemande** — (фр.) — аллеманда; 16-асрда французча рақс, 17—18 асрларда французча чолгу сунталарининг мажбурий қисми.
- Alma** — кўнгил, қалб (қалб, жондил билан ижро этиш)
- A piacere** — ихтиёрли (ижро кўрсаткичи)
- Appassionato** — эҳтиросли (ижро этиш).
- Aria** — ария; музикавий саҳна асарлари ҳамда кантата—ораторияларда яққохон ижрочи ва оркестрга мўлжалланган, шакли тугал парча (номер).
- Arioso** — ариозо, ариосимон
- à tre corde** — уч торда ижро этиш кўрсаткичи.
- à una corde** — бир торда ижро этиш кўрсаткичи.

В

- Barcarolla** — баркарола; Венеция қайиқи (эшакчи ва балиқчи) ларининг кўшиги, композиторлар ижодида раво, текис ҳаракатли чолгу пьеса.
- Basso** — диаллазони энг паст (йўгон) бўлган овоз ёки музика чолгу асбоблари.
- Bene** — яхши (ижро кўрсаткичи)
- Berceuse** — алла.

¹ Қавсда қайси тилга мансублиги кўрсатилмаган барча терминлар итальянчадир.

- Bolero** (испанча) — болеро; уч чоракли музика ўлчовида кастаньеталар усули жўрлигида ижро этиладиган испанча рақс. Унинг бой ритмик хусусиятларидан, композитор (Равель, Дебисс ва б.) лар кенг фойдаланишган.
- Bravura** — шўхчан (ижро кўрсаткичи)
- Brilliant** (фр.) — ёрқин (ижро кўрсаткичи).
- Brioso** — қизгин шиддат билан (ижро кўрсаткичи).
- Burlesco** — бурлеско, жўшқин (ижро кўрсаткичи).

С

- Cadenza** — каденция, а) тугал ёки исбатан тугал) музикавий тузилма чегараланиши, якуланиши; б) концерт (баъзан камер) асарларда одатда яққаловоз созанданинг ижро техникаси намойиш қилинадиган виртуоз музика қисми (парчаси).
- Calando** — тинчлана бориб, товуш кучининг камайтириб.
- Canon** (японча) — канон; муайян куйли турли кўришни ва услубда, лекин қатъий ва қонуний равишда овозлараро тақлидан такрорланиши.
- Cantabile** — куйчан, оҳангдор. Музика асарининг умумий суръати (одатда) ёки бирор парчасига нисбатан қўлланилади.
- Canto** — куйлаш, ашула айтиш, шунингдек хонада овози кўрсаткичи.
- Capriccio** — капричио; сўзма сўз қайсарлик, илжиклик маъносини билдириб, эркин шакли бадний-виртуоз асар.
- Cavatina** — каватина, кичик ария.
- Cello** — виолончель, мазкур сознинг қисқартirilган номи (белгилаиши)
- Coda** — кода; асар (ёки ундаги бирор қисм) нинг хулосаловчи, умумлаштирувчи бўлаги, якуни.
- Con affetto** — ҳис-туйғу билан (ижро кўрсаткичи)
- Con amore** — меҳр билан (ижро кўрсаткичи)

- Con anima** — қалб, жон-дил билан (ижро этиш)
- Con fuoco** — қизгин, алашгали (ижро кўрсаткичи)
- Con grazia** — жиҳвали (ижро кўрсаткичи)
- Con gusto** — завқ билан (ижро кўрсаткичи)
- Con ira** — гъазаб билан (ижро кўрсаткичи)
- Con moto** — ҳаракатчан (ижро кўрсаткичи)
- Con sordini** — сурдина (чолгу асбоблар садосини пасайтирадиган махсус мослама) ли.
- Con spirito** — руҳланиб, ғайратланиб (ижро этиш).
- Corda** — тор, чолгу асбоблар тори
- Courante** (фр.) — куранта; дастлаб (16—17 а.) сарой рақси (ўлчови $\frac{2}{4}$

бўлаган). Кейинчалик ўлчови $\frac{3}{4}$ га ўзгариб, чолгу сунталарининг раво ва тантанавор мажбурий қисми сифатида тарқалган.

D

- Detache** — тсвушларни бир-бирига бсрламай, айрим-айрим ижро этиш
- Divisi** — бўлиши, ижро пайтида бир хил чолгу асбоблари ўзаро бўлишиб турлича қалиши зарурлигини кўрсатади.
- Dolce** — ёқимли, нафосат билан ижро этиш
- Doloroso** — ғамгин, ҳазин
- Doppio movimento** — суръатни икки марта ошириб (аввалги суръатга нисбатан)

E

- Edition** (фр.) — нашр, нашриёт.
- Energico** — энергияли, шижоватли ижро этиш.
- Eroico** — қаҳрамонона
- Espressivo** — экспрессиво; ниҳоятда тфодалли, таъсирчан ижро этиш.
- Exalte** (фр.) — ҳажджонли ижро этиш
- Exercice** (фр.) — машқ, созанданинг ижрочилиги маҳоратини оширишга мўлжалланган машқлар, баъзан бадний қийматга молия асарлар.

F

- Fantastico** — фантастик, ғайри табиий. Айрим музика асарларида ифодаланувчи образлар ва шундай парчаларни ижро этиш кўрсаткичи
- Finale** — финал, хотима; совата, квар-

- тет, концерт, симфония ва бешқа шклли асарлар, шунингдек, музикали драма ёки комедия, опера, балет каби музикавий саҳна асарларининг якунловчи қисми, саҳналарини.
- Flautando** — флейтасимон, мазкур соз ижросига ўхшатиб
- Forza** — куч, товушлар кучли, балаид лиграши зарурлиги кўрсаткичи.
- Fugato** — фугато, кичик ҳажмдаги фуга.
- Funebre** (фр.) — дафн марсимида ижро этиладиган мотамсоро муанка.
- Fuoco** — алашгали (ижро кўрсаткичи)
- Furioso** — изтиробли (ижро этиш).

G

- Gavotte** (фр.) — гавот; қадимги (16-аср) французча рақс, 17—18 асрлардан сюита, балет, баъзан опера тарихига мустақил қисм ёки парча сифатида киритилган.
- Giga** — жига; қадимги (17-аср) инглизча, аслида ирландча рақс, 17—18 асрлардан чолгу камер (партита) ва оркестр, боп сунталарининг мустақил (одатда хотима) қисми сифатида тарқалган.
- Giocoso** — ўйноқ, шўх.
- Glissando** — глиссандо; сирпашиб; чолгу асбоблар ёки хонада свсон тсвушларининг биридан-бирига бетўхтов сирпашиб ўтиши.
- Grave** — салсбатли, жиддий (ижро кўрсаткичи).
- Grotesque** (фр.) — гротесксимон, жим-жимдор, жидвор

H

- Habanera** (испанча) — Хабанера; испан халқ кўшиқ-рақси. Куба (Гавана) да юзага келиб, Испания кейинчалик Франция ва бешқа мамлакатларда тарқалган стера (Ж. Бизе. «Кармен») сахналари, мустақил симфоник (Л. Обер), вокалсимфоник (М. Равель), камер (К. Дебисси, Э. Шабрие) асарлари сифатида композиторлар ижодидан ўрин олган.
- Halling** (норвегча) — халлинг; норвег халқ рақси, Швецияда ҳам тарқалган. Асосан норвег композитори Э. Григ ижодидан катта ўрин олган.
- Hongrois** (фр.) — венгерча ²⁰
- Humoresque** (фр.) — юмореска; шаклиан ихчам, ҳазил-мутсийбали, юмористик характердаги чолгу камер ёки симфоник асар.

imitation (фр.) — имитация; кўп овозли музыкада овоз (кўй) ларнинг ўзаро тақлидан ҳаракати. Полифоник услубнинг ассий кўринишларидан бири.

Imprompti (фр.) — экспромт; тайёргарликсиз бирданга ижод қилинган эркин шаклли чолғу асари.

Improvvisata — импровизация, бадиҳа.

In modo — услубда.

Innocente — бегуноҳ соддадиллик билан (ижро этиш).

Intermezzo — интермеццо; эркин шаклли, мустақил ёки цикли саҳна асарлар таркибига кирувчи (одатда чолғу) асари.

Introduzione — интродукция, муқаддима.

Invenzione — инвенция; тақлидан, эркин имитация тарзида, одатда, 2 овозли чолғу пьесаси

J

Jeu (фр.) — ўйин.

Jota aragonesa (испанча) — арагонча хота; испанча рақс. Ўзига хос музика ўлчови ($\frac{3}{4}$ ёки $\frac{3}{8}$), усули ва

ижро этиш услубига эга. М. Глинка, Ф. Лист, Н. Римский-Корсаков, М. де Фалья ва бошқа композиторлар ижодда сайқал топган.

K

Klavierabend (нем.) — фортепиано (клавир) музыкаси кечаси.

Klavierszug (нем.) — пфиттура шаклидаги асар (одатда опера, балет, симфония ва бошқа) ларни фортепиано ёки унинг жўрлигида ижро этишга мўлжаллаб қайта ишлаш.

Konzertstück (нем.) — I қисмли чолғу концерти.

L

Lacrimosa (латинча) — кўз ёшли, йиғили. Реквиемнинг энг қайғули қисми.

Lamentabile — нолали ижро этиш

Larghetto — ларгетто, ларго суръатдан тезроқ.

Legato — ўзаро (товушларни) боғлаб.

Leato — илдам, чаққон (ижро этиш).

Libitum; ad libitum (латинча) — ихтиёран (ижро этиш).

Lieder ohne Worte (нем.) — сўзсиз кўшиқлар.

Liga — лига; товушларни ўзаро боғлаш белгиси.

Lirico (фр.) — лирик.

Loco — 1) қандай ёзилган бўлса, шундай (октавага кўчирмай) ижро этиш; 2) шу ерга қадар.

Lugubre — қайғули, ҳасратли (ижро этиш).

Lusingando — ўйлоқи.

M

Macabre (фр.) — дафн маросими музыкаси (марши) га оид.

Maestoso — улуғвор.

Main droite (фр.) — ўнг қўл.

Main gauche (фр.) — чап қўл.

Mano sinistra — чап қўлда (ижро этиш).

Marcato — таъкидлаб, ижро жараёнида баъзи товуш, аккорд, интервал ёки куй тузилмаларини алоҳида таъкидлаб ижро этиш.

Marche funebre (фр.) — мотам марши, дафн маросими марши.

Marcia; marziale — марш; маршсимон

Martellato — кескин стаккато.

Matelote (фр.) — матлот, матлёт; француз матрослари рақси 19-асрдан ҳаракатчан жаприй рақсга айланган, 20-асрдан бал ва эстрада рақси сифатида тарқалган.

Meditation (фр.) — ўйчан ҳарактердаги (Одатда чолғу пьесаларига оид).

Meno — озроқ.

Mezzo — ярмига, ярмича, масалан меццо форте фортенинг ярмича

Misterioso — ғаройиб, сирли.

Morendo — тинчланиб, аста-секин пасайиб (ижро этиш)

Mormorando — жилдиратиб (ижро этиш).

Mouvement (фр.) — ҳаракат.

IV

Nobile — олижаноб.

Nocturne (фр.) — ноктюрн; тунги музика. Одатда янқа соз ёки кичик ансамблларга мўлжалланган чолғу пьесаси.

Non legato — нон legato, товушларни бир-бирига боғламай.

Non molto — уначили эмас.

Novelletta (фр.) — новеллетта; кичик ҳюкясимон музика асари.

O

Oeuvre (фр.) — асар, ижод маҳсули.

Oeuvre posthume (фр.) — муаллиф вафотидан сўнгги нашр.

Opus (латинча) — ижод, одатда композитор асарларининг тартибига биноан қўлланилади.

Oriental — Шарқ, Шарқий. Хусусан, Европада барча Шарқ халқлари музикасига нисбатан қўлланилган.

Ossia — ёки, яъни.

Ostinato — остинато; қайта-қайта ўзгармаган ҳолда такрорлаш (масалан куйни, усулни, гармонияни ва ҳ. к.)

Ouverture — увертюра.

P

Parlando — сўзлаш усулида.

Partie (фр.) — (партия) — бирон овоз ёки музика чолғу асбобиغا мансуб куй парчаси.

Passacalle (фр.) — пассакалли; 17—18-асрларда испан музыкаси заминда юзага келган рақс. Дастлаб француз опера ва балетларидан, кейинчалик бошқа мамлакатларда турли жанрлардан ўрин олган (И. С. Бах, Г. Ф. Гендель 20-асрда Л. Д. Шостакович асарларида).

Passione — эҳтирос.

Pastorale — пастораль; табиат манзаралари, жумладан, қишлоқ ҳаёти — чўпонлар турмушини акс эттирувчи музика.

Pavana — павана; қадимги итальянча рақс. 16—17-асрларда такалуфли рақс, лекин кўпроқ мотия, клавир каби созлар ва унинг широккидаги ансамблларга мўлжалланган асар.

Perdendosi — тинчланиб, садони аста-секин йўққа чиқариб (ижро этиш).

Perpetuum mobile (латинча) — перпетуум мобиле, типиксиз ҳаракат.

Pesante — оғир (ижро кўрсаткичи).

Piccolo flauto — кичик флейта.

Poi — сўнгра.

Polonaise (фр.) — полонез; поляк халқ рақслари заминда юзага келган тантанавор бал рақси. 16-асрдан сарой рақси сифатида тарқалган. 12-асрдан чолғу пьеса шаклида И. С. Бах, В. А. Моцарт, Л. Бетховен, К. Шуберт ва аяниқса Ф. Шопен ижодда катта ўрин олган.

Pomoso — улуғвор.

Ponticello — чолғу асбоблар тиргаги.

Precipitando — шониб (ижро этиш).

Profondo — теран, чуқур.

Q

Quasi — ўхшатиб, тақлидан (ижро этиш).

Quasi una fantasia — фантазиясимон, унга ўхшатиб.

R

Rapsodie (фр.) — рапсодия; халқ эпик асарлари заминда юзага келган эркин шаклли чолғу асари Ф. Лист, С. Рахманинов, М. Ревель, Ж. Гершвин ва бошқа композиторлар ижодида турли намуналари учрайди.

Reprise (фр.) — реприза; асарнинг биринчи бўлагини такрорлаш.

Requiem — реквием, солист, хор, оркестр (ва баъзан орган) учун ёзилган, одатда, дафн маросимларига мўлжалланган мотамсара асар (В. А. Моцарт, Ж. Верди, И. Брамс) 20-асрда Б. Бриттен, Д. Кабалевскийларнинг реқвиемлари танилган).

Resoluto — кескин (масалан, ўзгартириб ижро этиш).

Reverie (фр.) — ширин ҳаёл, орау.

Rigaudon (фр.) — ригодон; қадимги французча рақс, 17-асрдан бал рақси, кўпроқ эса, французча сюиталар (баъзан балет) да мустақил қисм сифатида тарқалган.

Rigorouso — қатий (бирор талабга жавобан ижро этиш).

Rinforzando — тўсатдан кучайтириб (ижро этиш).

Romantique (фр.) — романтик.

Rubato — муайян суръатга роя қилмай.

S

Sans (фр.) — бирор нарчасиз, масалан, сурдинасиз.

Sarabande (фр.) — сарабанда; қадимги испанча рақс. 15—16-асрдан Европада комедиялар олдидан ижро этиладиган мустақил музикавий саҳна асари (номер). 18-асрдан чолғу сюиталарнинг мажбурий қисми

Scherzando — шўхчан.

Scherzo — шкерцо, ҳазил.

Semplice — оддий, содда.

Senza — бирор нарчасиз.

Senza pedale — педальсиз (масалан, фортепиано ижрочилигида).

Senza sordini — сурдинасиз.

Serenada — серенада; дастлаб, оқшом ёки тунда ижро этиладиган ошиқлар кўшиги. Кейинчалик мустақил вокал-чолғу асари, 19-асрдан чолғу пьеса ҳамдир.

Simile — худди шундай, бир хил, ўзгармай.

Sopra — устида, юқори қисмида.

Sotto voce — ярим овоз билан, хиргойи.

Spirituoso — қизгин.

Subito — тўсатдан, бирданга.

T

Tambourin — тамбурин; а) қадимги французча рақс; б) уриб чалинадиган (қундаланг ноғора шаклида) соз
Tam-tam — там там, гонг.
Tarantella — тарантелла; неополитанча рақс, музыка ўлчови $\frac{6}{8}$ ёки $\frac{3}{8}$ суръати тез. Музикавий саҳна асарларда мустақил номер.
Tenuto — вазийн, бирор қондага қатъий риоя қилган ҳолда.
Timpani — литавралар.
Tragico — трагедия, фожиа.
Tranquillo (фр.) — осойишта.
Transcription — транскрипция; Бошқа муаллиф асарларини бирор соз, ансамбль ёки бошқа коллектив учун қайта ишлаш.
Tre corde — уч тор.
Tutta la forza — бор кучи билан.
Tutti — ҳамма (чолгу асбоблар).

U

Ubung (нем.) — машқ.
Una corda — бир тор.
Un poco piu — озгина кўпроқ.

V

Varie (фр.) — ўзгартирилган, вариацияланган.
Veloce — тез; чаққон.
Vibrato — вибрато, тебратиб.
Voce — овоз.

W

Wiegenlied (нем.) — алла.
Wohltemperiertes Klavier (нем.) — яхши температурацияланган клавира.

Z

Zart (нем.) — нафис.
Zingaro; alla zingara — лўли; лўдилар музикаси рўҳида.
Zappo — қоқилиб, тўхталиб.

МУНДАРИЖА

<i>Сўз боши</i>	3
<i>Кириш</i>	5
<i>Биринчи боб. Товуш</i>	7
1-§. Товушнинг физик асоси	7
2-§. Музикавий товунинг хусусиятлари	7
3-§. Юқори товлар. Табиий товушқатор	8
4-§. Музикавий система. Товушқатор. Асосий ноғоналар ва уларнинг номлари. Октавалар	9
5-§. Музикавий соз. Температурацияланган соз. Ярим тон ва бутун тон. Ҳосил ноғоналар ва уларнинг номлари	11
6-§. Товушлар энгармонизми	11
7-§. Диатоник ва хроматик ярим товлар ва бутун товлар	12
8-§. Товушларни ҳарфий система бўйича ёзилиши	13
Такрорлаш учун саволлар	14
Машқлар	15
<i>Иккинчи боб. Нота ёзуви</i>	18
9-§. Нота чўзимми ва унинг белгиланиши (ёзилиш шакли). Нота йўли	19
10-§. Қалитлар	20
11-§. Альтерация белгилари	21
12-§. Ноталарга қўйладиган товушлар чўзимини узайтирувчи қўшимча белгилар	22
13-§. Паузалар	23
14-§. Икки овозлиқнинг ёзилиши. Фортепьяно музикасининг ёзилиши Акколада. Ансамбль ва хор музикасининг ёзилиши	24
15-§. Нота ёзувини қисқартириш белгилари	28
Такрорлаш учун саволлар	30
Машқлар	31
<i>Учинчи боб. Ритм ва метр</i>	36
16-§. Ритм. Чўзимларнинг асосий ва эркин равишда бўлиниши	36
17-§. Музикавий ақцент (зарб). Метр, ўлчов. Такт чизиғи. Тактолди	41
18-§. Оддий метрлар ва ўлчовлар. Оддий ўлчовли тактлардаги чўзимларнинг туркумлиниши	43
19-§. Мураккаб метрлар ва ўлчовлар. Нисбатан кучли ҳиссалар. Мураккаб ўлчовли тактларда чўзимларнинг туркумлиниши	46
20-§. Аралаш метрлар ва ўлчовлар. Аралаш ўлчовли тактларда чўзимларнинг туркумлиниши	52
21-§. Ўзгарувчан ўлчовлар	57
22-§. Синкопа	59
23-§. Вокал музикасида туркумлаш	62
24-§. Темп	62

25-§. Дирижёрлик қоидалари	
26-§. Музиқада ритм, метр ва темпнинг аҳамияти	64
Такрорлаш учун саволлар	66
Машқлар	69
Тўртинчи боб. Интерваллар	70
27-§. Интервал	79
28-§. Интервалларнинг сон ва сифат миқдори. Оддий интерваллар. Диатоник интерваллар	79
29-§. Ортирилган ва камайтирилган (роматик) интерваллар. Интервалларнинг энгармоник тенглиги	80
30-§. Интервалларнинг айлашиши	82
31-§. Таркибли интерваллар	84
32-§. Оҳангдош (консонанс) ва поҳангдош (диссонанс) интерваллар	85
Такрорлаш учун саволлар	87
Машқлар	88
Бешинчи боб. Лад ва тоналликлар	89
33-§. Турғун товушлар. Тоника. Нотурғун товушлар ва уларнинг ечилиши. Лад	94
34-§. Мажор лади. Табиий (натурал) мажор гаммаси. Мажор лади погоналари. Мажор лади погоналарининг номи, ёзилиши ва хусусиятлари	94
35-§. Тоналликлар. Диезли ва бемолли мажор тоналликлари. Квинта давраси. Мажор тоналликлари энгармонизми	95
36-§. Гармоник ва мелодик мажор	98
37-§. Минор лади. Табиий минор гаммаси. Минор лади погоналари ва уларнинг хусусиятлари	104
38-§. Гармоник ва мелодик минор. Минор тоналликлари. Параллел тоналликлар. Минор тоналликларининг квинта давраси	107
39-§. Поҳангдош тоналликлар. Мажор ва минорнинг айрим ухшаш ва фарқ қилувчи хусусиятлари. Мажор ва минорларнинг музикадаги аҳамияти	108
Такрорлаш учун саволлар	116
Машқлар	119
Олтинчи боб. Мажор ва минор тоналликларининг интерваллари	121
40-§. Табиий мажор ва табиий минор интерваллари	124
41-§. Гармоник мажор ва гармошик минор интерваллари. Характерли интерваллар	124
42-§. Турғун ва нотурғун интерваллар. Турғунлик билан оҳангдошлик (консонанс) ўртасидаги, нотурғун оҳангдошлик (консонанс) билан поҳангдошлик (диссонанс) ўртасидаги фарқ. Нотурғун интервалларнинг тартиблиши буйича ечилиши. Поҳангдош (диссонанс) интервалларнинг ечилиши	127
Такрорлаш учун саволлар	128
Машқлар	134
Еттинчи боб. Аккордлар	135
43-§. Аккорд. Учтовушлик. Учтовушликлар кўриниши. Оҳангдош ва поҳангдош учтовушликлар. Учтовушликлар айлашиши	139
44-§. Мажор ва минорнинг асосий учтовушликлари. Асосий учтовушликларнинг кўчирилиши	141
45-§. Мажор ва минорнинг ёндош учтовушликлари. Табиий (натурал) ва гармоник мажор ҳамда минор погоналаридан тузилган учтовушликлар	143
46-§. Септаккорд. Доминантсептаккорд ва унинг айланмалари. Доминантсептаккорд ва айланмаларининг ечилиши	145
47-§. Етакич септаккордлар. II поғона септаккорди. Музиқада аккордлар	146
Такрорлаш учун саволлар	149
Машқлар	150
Саккизинчи боб. Халқ музикаси ладлари	154
48-§. Умумий тушунчалар	154
49-§. Халқ музикасининг етти погонали диатоник ладлари. Пентатоника	157

50-§. Ҳазарувчан ладлар. Ҳазарувчан параллел ладлар ва мажор-минор. Бошқа ладлар	162
Такрорлаш учун саволлар	164
Машқлар	164
Тўққизинчи боб. Тоналликлар поғонадошлиги. Хроматизм	170
51-§. Тоналликлар поғонадошлиги	170
52-§. Хроматизм. Альтерация	171
53-§. Хроматик гамма. Хроматик гаммаларнинг ёзилиши	172
Такрорлаш учун саволлар	174
Машқлар	175
Ҳикматчи боб. Тоналликларни аниқлаш. Транспозиция	176
54-§. Тоналликларни аниқлаш	176
55-§. Транспозиция	178
Такрорлаш учун саволлар	179
Машқлар	179
Ҳикматчи боб. Модуляция	183
56-§. Модуляция ва оғишма	183
57-§. Поғонадош тоналликларга модуляция қилиш	184
Такрорлаш учун саволлар	187
Машқлар	187
Ҳикматчи боб. Куй	191
58-§. Музика асариде куйнинг аҳамияти. Халқ музикаси (қўшиқлари) нинг куйлари	191
59-§. Куйнинг ҳаракат йўналиши ва унинг диапозони. Ҳушчи ва ёрдэмчи товушлар	196
60-§. Куйнинг таркибларга бўлиниши (музика синтаксиси ҳақида умумий тушунча). Тузилма. Цезура. Даврия. Жумла. Каденция. Ибора. Мотив	198
61-§. Динамик оттенкалар ва уларнинг куй ривожини билан алоқаси. Динамик оттенкаларнинг ёнилиши ва атаялиши	200
62-§. Куйдаги айрим элементлар муносабатининг мисолларда кўриниши	201
Такрорлаш учун саволлар	205
Машқлар	205
Ҳикматчи боб. Музика безаклари. Ижрочилик услубининг айрим белгилари	209
63-§. Музика безаклари: форшлаг, мордент, группетто, трель	209
64-§. Ижрочилик услубининг айрим белгилари	212
Такрорлаш учун саволлар	215
Машқлар	215
Музикавий терминларнинг қисқача лугати	216

На узбекском языке

В АХРОМЕЕВ ВАРФОЛОМЕЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ

ЭЛЕМЕНТАРНАЯ ТЕОРИЯ МУЗЫКИ

Перевод с издания Госмузиздата
Москва—1959

(Второе издание)

Тошкент — «Ўқитувчи» — 1980

Таржимчи М. Аҳмедов
Ўзбек таржимони Т. Рафурбеков
Музыка редактори С.Х. Ядлошова
Редактор С. Аҳмедов
Бадий редактор П. А. Бродский
Техредактор Т. Грешникова
Корректор Д. Абдуллаева

ИБ 1141

Тегинча берилди 9.01.1979 й. Босишга рухсат этилади
8. 01. 1980 й. Формат 60x90 1/16. Тип қоғози № 1. Кегли
10 шпона. Юқори босма усулида (босилди). Шартли б. л.
14.0 Навр. л.11.0. Тиражи 8000. Зак. № 2153. Баҳоси 95 т.


«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шарт-
нома №96—78.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб
савдоси ишлари Давлат комитети, Тошкент «Матбуот» по-
лиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг полиграфия ком-
бинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1980 й.

Полиграфкомбинат Ташкентского полиграфического произ-
водственного объединения «Матбуот» Государственного ко-
митета УССР по делам издательств, полиграфии и книжной
торговли. Ташкент, Навои, 30.

ТУЗАТИШ

Китобнинг 19-бетидаги пастдан 8-сатр:



Бу нота «бревис» деб аталади ва қуйидагича ёзилди:  деб ўқил-
син.

32-бетдаги ёзма машқларда 2-машқнинг нота мисоли ўнглаб ўқил-
син. Шунингдек, 3-машқнинг нота мисоли 4-машққа, 4-машқники эса
3-машққа тегишлидир.

46-бетдаги пастдан 1-сатр: $\frac{4}{4}$ $\frac{1}{8}$, кам учрайдигани $\frac{4}{2}$ деб ўқилсин.

122-бетнинг пастдан 2-абзацдаги *Ми, Ре, Си, Ла, Соль* сўзлари-
дан сўнг \prime белгиси қўшиб ўқилсин.

210-бетдаги 297-мисолдан сўнг қуйидаги текст ўқилсин:

Мордент ёрдамчи товушлар ёрдами билан ҳосил бўлади.
Мордент ҳосил қиладиган товушлар куйнинг асосий товушидан
ярим тон пастда ёки юқорида баъзида ёнма-ён ҳам жойлашади.
Мордентнинг куй фигураси учта товушдан: асосий, ёрдамчи ва
яна асосий товушлардан иборатдир. Мордент кўпчилик вақтларда
безатувчи товуш ўлчови ҳисобидан чалинади ва  ёки 
билан кўрсатилади.

ЗАКАЗ № 2193.

957.001.00

•УЧИТОВЧИ•